


**Комилжон АБДУЛЛАЕВ**

**АЛИШЕР НАВОЙ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИНИ  
ЎРГАТИШ ЖАРАЁНИДА ФАНЛАРАРО  
ИНТЕГРАЦИЯДАН ФОЙДАЛАНИШ**



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**КОМИЛЖОН АБДУЛЛАЕВ**

*Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг  
30 йиллиги ҳамда Мир Алишер Навоий таваллудининг  
580 йиллигига багишланади*

**АЛИШЕР НАВОИЙ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИНИ  
ЎРГАТИШ ЖАРАЁНИДА ФАНЛАРАРО  
ИНТЕГРАЦИЯДАН ФОЙДАЛАНИШ**

**МОНОГРАФИЯ**

**“Nodirabegim” нашриёти  
Тошкент – 2021**

**КБК: 83.3(5Ўзб)**

**А 15**

**ЎЎК: 821.512.133.091**

**ISBN 978-9943-7317-4-5**

**Абдуллаев, Комилжон**

**Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини ўргатиш жараёнида фанлараро интеграциядан фойдаланиш [Матн] : монография / К. Абдуллаев. – Тошкент: Nodirabegim, 2021. – 110 б.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 октябрдаги “Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўгрисида”ги Қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадидаги ушбу монографияда “Сўз мулки сultonи”нинг ҳаёти ва ижодини адабиёт дарслари ва синфдан ташқари ишлар жараёнида ўргатишида фанлараро интеграциядан фойдаланиш усувлари ва тавсиялар кўп йиллик амалий тажрибалар асосида ёритилган.

Монография адабиётшунос ва методист олимлар, мазкур соҳа бўйича изланишлар олиб бораётган тадқиқотчилар, олий ўқув юртлари филология йўналиши талабалари, академик лицей, умумий ўрта таълим ва касб-хунар мактаби ўқитувчилари, маънавий-маърифий ишлар ташкилотчилари ҳамда шоир ҳаёти ва ижоди билан қизиқувчи мутахассисларга мўлжалланган.

**Масъул муҳаррир:**

**Ҳамиджон Ҳомидий – филология фанлари доктори, профессор.**

**Тақризчилар:**

**Сафо Матчонов – филология фанлари доктори, профессор.**

**Мўминжон Сулаймонов – филология фанлари номзоди, доцент.**

Монография Наманган давлат университети илмий-техникавий кенгашининг 2021 йил 10 июндаги 6-сонли йигилиши қарори билан нашрга тавсия этилган.

**© Абдуллаев К.  
© “Nodirabegim” нашриёти, 2021.**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

## БЮОК ШОИР ВА МУТАФАККИР АЛИШЕР НАВОЙЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 580 ЙИЛЛИГИНИ КЕНГ НИШОНЛАШ ТҮҒРИСИДА

Буюк шоир ва мутафаккир, атоқли давлат ва жамоат арбоби Алишер Навоийнинг бебаҳо ижодий-илмий мероси нафақат халқимиз, балки жаҳон адабиёти тарихида, миллий маданиятимиз ва адабий-эстетик тафаккуримиз ривожида алоҳида ўрин тутади. Улуг шоир ўзининг шеърий ва насрый асарларида юксак умуминсоний ғояларни, она тилимизнинг бекиёс сўз бойлиги ва чексиз ифода имкониятларини бутун жозибаси ва латофати билан намоён этиб, ер юзидағи миллионлаб китобхонлар қалбидан муносиб ва мустаҳкам ўрин эгаллади.

Сўнгги йилларда Алишер Навоийнинг бой ва серқирра ижодий меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш, унинг ўлмас асарларини юртимиизда ва хорижий мамлакатларда кенг тарғиб қилиш ҳамда хотирасини абдийлаштириш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, шоир түғилган кутлуғ 9 февраль санасини ҳар йили адабиёт ва маърифат байрами сифатида юксак даражада нишонлаш анъанаси қарор топди. Улуғ сўз санъаткорининг асарлари мунтазам нашр этилиб, навоийшунослик соҳасида кўплаб тадқиқотлар олиб борилмоқда, республика ва халқаро миқёсда илмий анжуманлар ўтказилмоқда.

Шу билан бирга, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ташкил этилгани, мамлакатимиз ҳамда бир қатор хорижий давлатларда ҳайкаллари ўрнатилгани, асарлар тўплами тўлиқ нашрдан чиқарилгани, пойтахтимиз марказидаги улуғ бобомизнинг муazzам меъморий ёдгорлигига мутаносиб равишда Адиллар хиёбони барпо этилгани маданий ҳаётимиздаги улкан воқеаларга айланди.

Жонажон Ватанимиз “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” деган бош тамойил асосида тараққиётнинг бутунлай янги босқичига қадам қўйиб, янги Ўйғониш даври – Учинчи Ренессанс пойдеворини яратा�ётган бугунги кунда Алишер Навоийнинг безавол адабий мероси мисолида ўзбек адабиёти ва маданиятини чуқур

ўрганиш ва оммалаштириш ҳар қачонгидан ҳам мухим аҳамият касб этмоқда.

Алишер Навоий асарларида теран ифода топган миллий ва умуминсоний гояларнинг жаҳон тамаддунида тутган ўрнини ҳамда ўсиб келаётган ёш авлоднинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, улар қалбида юксак ахлоқий фазилатларни тарбиялашдаги бекиёс аҳамиятини назарда тутиб, шунингдек, улуғ шоир ва мутафаккирнинг адабий-илмий меросини мамлакатимизда ва халқаро миқёсда янада чукур тадқиқ қилиш ва кенг тарғиб этиш мақсадида:

1. Маданият вазирлиги, Фанлар академияси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамда кенг жамоатчилик вакилларининг 2021 йилда буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Куйидагилар:

Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини нишонлаш бўйича ташкилий қўмита (кейинги ўринларда - Ташкилий қўмита) таркиби 1-иловага мувофиқ;

Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини нишонлаш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастури (кейинги ўринларда – чора-тадбирлар дастури) 2-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

Ташкилий қўмитага Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини нишонлаш доирасида ўtkaziladigancha tadbirlarni yuksak saviyada tashkil etishi, mazkurni qaror va chora-tadbirlar dasturining yuz vaqtida, sifatli va t'ulik amalga oshiriliшини muvofiqlashтириб бориш vazifalari yuqlatilsin.

3. Вазирлар Маҳкамаси тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда:

Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини мамлакатимиз ва халқаро миқёсда кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фондини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори лойиҳасини ишлаб чиқсан;

Алишер Навоийнинг ижодий меросини чукур ўрганиш ва оммалаштиришга улкан ҳисса кўшган мамлакатимиз ва хорижий давлатлар фуқароларини ҳамда илмий-ижодий муассасаларини тақдирлаш мақсадида Алишер Навоий орденини таъсис этиш юзасидан таклиф киритсан;

Афғонистон Ислом Республикасининг Ҳирот шаҳридаги Алишер Навоийнинг мақбараси мажмуасида курилиш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш имкониятларини ўрганиб чиқсин ва натижаси бўйича таклиф киритсан.

4. Маданият вазирлиги Ташқи ишлар вазирлиги, Фанлар академияси, Давлат божхона қўмитаси билан ҳамкорликда хорижий давлатларда сакланаётган Алишер Навоий қаламига мансуб ва у яшаган даврга оид қўллэзмаларнинг факсимиле нусхаларини мамлакатимизга олиб келиш чораларини кўрсинг.

#### 5. Фанлар академияси:

Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги билан биргаликда 2020-2021 йиллар давомида Алишер Навоийнинг қўллэзмалари асосида шоир асарларининг мукаммал илмий нашрини яратиш ишларини амалга оширсан;

Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги билан биргаликда 2020 йил декабрга қадар Алишер Навоий ижодий меросининг шарҳини яратиш ишларини якунига етказсан ҳамда уларни “Навоий ва ёшлар” маҳсус дастурида жойлаштириш учун Ёшлар ишлари агентлигига тақдим этсан;

Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейида 2021 йил ноябрь ойида Алишер Навоий яшаган давр, шоир ҳаёти, ижоди, адабий муҳити, устозлари, замондошлари ва издошлари хақида ҳикоя қиливчи, асарларининг қўллэзма ва нашр нусхалари тўғрисида маълумот берувчи адабий-бадиий кўргазмани ташкил этсан.

6. Инновацион ривожланиш вазирлиги тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда Алишер Навоий ҳаёти ва ижодий меросини тадқиқ этиш бўйича илмий тадқиқот ишларига давлат буюртмаси талабларига мувофиқ илмий лойиҳалар танловини зълон қилсан.

7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги, Фанлар академияси билан биргаликда 2021 йил охирига қадар Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Алишер Навоий асарлари ҳамда навоийшунослик фани бўйича амалга оширилган илмий тадқиқотларнинг электрон платформасини яратсан.

8. Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Ҳалқ таълими вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси

хузуридаги Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги Алишер Навоий асарларини узлуксиз ўқитиш концепциясини ишлаб чиқсин ҳамда 2021/2022 ўкув йилидан барча таълим муассасаларида шу асосда ўқитишни йўлга кўйсин.

9. Ёшлар ишлари агентлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргалиқда 2020 йил декабрга қадар қуйидаги масалаларни ўз ичига олган “Навоий ва ёшлар” маҳсус дастурини ишлаб чиқсин ва амалга оширсин:

умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида “Навоий ворислари” ғазалхонлик танлови, Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар ўқувчилари ўртасида “Навоийни англаш” мавзусида иншолар танловини ўтказиш ва ғолибларни муносиб тақдирлаш;

бешта муҳим ташаббус доирасида ёш дастурчиларни кенг жалб этган ҳолда Алишер Навоий асарларининг мобил иловаларини яратиш ва уларни ёшлар ўртасида оммалаштириш.

10. Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги ва Тошкент шахар ҳокимлигининг 2021 йилда Тошкент шаҳрида Алишер Навоий номидаги ижод мактабини ташкил этиш ҳақидаги таклифига розилик берилсин.

11. Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Маданият вазирлиги, Фанлар академияси, Навоий вилояти ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари тегишли вазирлик ва идоралар билан биргалиқда 2021 йил ноябрь ойининг биринчи ўн кунлигига Навоий шаҳрида “Алишер Навоий ижодий меросининг башарият маънавий-маърифий тараққиётидаги ўрни” мавзусидаги ҳалқаро илмий-амалий конференцияни ҳамда Тошкент шаҳрида Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигига бағишланган тантанали адабий-бадиий анжуманни юқори савияда ўтказсин.

12. Маданият вазирлиги 2021 йилда Алишер Навоий ҳаёти ва асарлари асосида янги спектакллар яратиш ҳамда “Навоий сиймоси ва асарлари саҳнада” республика театрларининг фестивалини ўтказиш, шоир ғазаллари асосида “Назм ва наво” кечаларини, мақом танловларини ташкил этишни таъминласин.

13. “Ўзбеккино” миллый агентлиги 2021 йил давомида Алишер Навоий асарлари асосида бадиий ва мультиликацион фильмлар, шоир ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ янги маълумотлар ва манбалар

асосида тўлиқ метражли бадий-публицистик фильм яратиш чораларини кўрсинг.

14. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Молия вазирлиги Фанлар академияси, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги билан биргаликда 2021 йилда “Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллиги” рукни остида шоир асарлари, унинг ҳаёти ва ижодига илмий ва оммабоп китоблар туркумини чоп этиш чораларини кўрсинг.

15. Ташки ишлар вазирлиги 2021 йилдан бошлаб мунтазам равишда:

Фанлар академияси, Ёзувчилар уюшмаси ва бошқа мутасадди вазирлик ва идоралар билан биргаликда мамлакатимизнинг хориждаги дипломатик ваколатхоналарида Алишер Навоий ҳаёти ва ижодига бағишиланган тадбирлар ташкил этиш;

чет элда истиқомат қилаётган ўзбек тили мутахассислари, таржимонларни жалб этган ҳолда Алишер Навоийнинг асарларини чет тилларга таржима қилиш, нашр этиш ва хорижий мамлакатларда тақдимотларини ўtkазиш бўйича тизимли ишларни амалга оширсин.

16. Молия вазирлиги, Маданият вазирлиги, Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музеи биносини тўлиқ реконструкция қилиш, янги замонавий экспозиция яратиш, зарур техник ва ашёвий жиҳозлар билан таъминлаш учун керакли маблағлар ажратиш чораларини кўрсинг ҳамда 2021 йил октябрга қадар таъмирлаш ишларини якунига етказсин.

17. Ўзбекистон Бадий академияси ва Республика «Хунарманд» уюшмаси 2021 йил февраль ойида Алишер Навоий ҳаёти ва ижодига бағишиланган тасвирий санъат асарлари, миниатюралар, халқ амалий санъати намуналари кўргазмаларини ўtkазсин.

18. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш, шоир асарлари асосида маҳсус кўрсатув ва эшиттиришлар, ўкув-маърифий фильмлар яратиш тавсия этилсин.

19. Мазкур карорда назарда тутилган чора-тадбирларни молиялаштириш манбалари этиб Давлат бюджети маблағлари,

ташкилотчиларнинг ўз маблағлари ҳамда қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар белгилансин.

20. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Баш вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**  
Тошкент ш., 2020 йил 19 октябрь, ПҚ-4865-сон

## КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш, ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларнинг бўш вактини мазмунли ташкил этиш бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган 5 та муҳим ташаббусда ёшларни мусиқа, рассомлик, театр, адабиёт, китобхонлик соҳасига қизиқтириш масаласига ҳам катта эътибор қаратилган<sup>1</sup>.

Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганлариdek, “Адабиёт халқнинг юраги, элнинг маънавиятини кўрсатади. Бугунги мураккаб замонда одамлар қалбига йўл топиш, уларни эзгу мақсадларга илҳомлантиришда адабиётнинг таъсирчан кучидан фойдаланиш керак. Аждодлар меросини ўрганиш, буюк маданиятилизга муносиб буюк адабиёт яратишимиз учун ҳамма шароитларни яратамиз”<sup>2</sup>, “Адабиёт масаласи – бу маънавият масаласидир”<sup>3</sup>, “Маънавият инсонга она сути, ота намунаси, аждодлар ўғити билан бирга сингади”<sup>4</sup>, “Китоб – инсон тафаккурининг канотидир” (Ойбек), “Китоб (битик) – барча бунёдкорлик, яратувчанлик ва акл-идрокнинг, илму донишнинг асосидир, хаётни ўргатувчи мураббийдир”<sup>5</sup>.

Кўриниб турибдики, ёшлар онгини юксалтириш, уларнинг маънавий дунёсини бойитиш, Ватанинни севиш, ардоқлаш, кези келса, унинг обрўси, осойишталиги, равнақи йўлида жон фидо эта олиш хислатларини тарбиялашнинг улкан воситаларидан бири бадий адабиётдир.

Академик лицей, умумий ўрта таълим ва касб-хунар мактаблари адабиёт дарсларида бадий матн билан танишиш, уни таҳлил килишга киришишдан аввал, ёзувчи ёки шоирнинг таржими ҳоли билан танишилади.

Бу босқич – таълим ва тарбия ишидаги энг муҳим восита, ҳам маърифий, ҳам таълимий, ҳам тарбиявий аҳамиятга молик бўлган масалалардан бири ҳисобланади.

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларнинг бўш вактини мазмунли ташкил этиш бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2019 йил 19- мартағи видеоселектор йигилишида сўзлагаян нутки. “Халқ сўзи” газетаси, 2019 йил 20 март.

<sup>2</sup> daryo.uz / k / 2020 / 05 / 20 / toshkentda - adiblar - xiyoboni - ochildi - foto/

<sup>3</sup> Каримов И. Адабиётта эътибор-маънавиятга, келажакка эътибор. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – Б.23.

<sup>4</sup> Каримов И. Ватан ва халқ мангу колади. – Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Милий кутубхонаси нашриёти. 2010.

<sup>5</sup> “Edu.uz” расмий канали. “@ covid 19 ni engamiz”. 2020 йил 6 апрель.

Буюк шахслар – таникли сўз санъаткорларининг таржимаи ҳолини ўргатиш – улардаги бекиёс маънавий бойлик, истеъдод, меҳнатсеварлик, халқпарварлик, ватанпарварлик, фидойилик, ростгўйлик, камтарлик, ҳиммат, саховат, ғамхўрлик, адолатпарварлик каби гўзал фазилатлар билан ўқувчиларни танишириш, уларда миллий ифтихор, ғуур хисларини шакллантириш демакдир.

Таникли адабимиз Мақсад Шайхзода буюк кишилар ва буюк қалам згаларининг илм-фан тараққиysi учун олиб борган курашлари ҳамда уларнинг ҳаёт йўли ёшлиаримизни тарбиялаш ва вояга етказишида жуда муҳим восита эканлигини уқтириб, бу далилларни ёшлиаримиз онгига сингдириш вазифасини қуидагича таъкидлаган эди: “Хоразмий ким? Ибн Сино ким? Улуг аллома ким? - деган саволларни қўйиб, ўzlари: “агар ҳар бир ҳалқ ўз улуғ аждодларини эъзозлаб, уларнинг қадрига ета билмас экан, бундай эл истиқболдан ҳам маҳрум бўлиши мумкин”, - деб жавоб бергандилар. Яна домла “биз – маданият арбобларининг, айниқса, ёзувчиларнинг энг муҳим вазифаларидан бири шу улуғ аждодларимиз образларини хоҳ китоблар орқали, хоҳ саҳна асарлари орқали ҳалққа намойиш қилишимиз ҳам фарз, ҳам қарз, йўқса биз уларга лойик авлод бўйламаймиз”<sup>6</sup>.

Буюклик ва мангуликнинг бетакор тимсоли, юксак истеъдод эгаси, мутафаккир шоир, олим, туркий тилда шоҳ асарлар битган, биринчи Президентимиз И.А.Каримов: “Агар бу улуғ зотни авлиё десак, у авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак, шоирларнинг сultonидир”<sup>7</sup>, - дея таърифлаган бобомиз ҳазрат Мир Алишер Навоий шахси, адабий мероси ҳам маънавий камолотга эришиш ва ўзликни англашда бебаҳо хазина вазифасини ўтаб келмоқда.

Ана шу хазина сирларидан баҳраманд бўлиш, ўзгаларни ҳам баҳраманд этиш биз, улуғ бобомиз авлодларининг, муқаддас бурчимиздир.

Ёш авлодни ана шу ибратли манбалардан баҳраманд этиш оила, мактабгача таълим муассасалари, умумий ўрта таълим мактабларидан бошлиш, узлуксизлиги ва узвийлиги таъминлаш мақсаддага мувофиқдир.

Дарҳақиқат, ҳар бир ёзувчининг таржима ҳоли у яшаган давр ва шу даврдаги ҳалқ тарихининг узвий қисмидир.

<sup>6</sup> Мақсад Шайхзода замондошлари хотирасида. // Тўпловчилар: Зокирова М. ва Отаёр. - Т.: Адабиёт ва салъат нашриёти, 1983. - Б18.

<sup>7</sup> Каримов И. Юксак маънавият - енгилмас куч. - Т.: Маънавият, 2008. - Б. 47.

Ўқувчилар ёзувчи таржимаи ҳолини ўрганиш орқали у яшаган давр, ижтимоий тузум, жамиятдаги ўзаро муносабатлар, ижтимоий-сиёсий воқеалар ҳақида тасаввур ҳосил қиласидилар, улар санъаткорларнинг ижодий таомилига таъсир этган далил ва ҳодисарларни ҳамда уларнинг ёзувчилар асарларида акс эттирилганини билиб оладилар. Шунингдек, ўқувчилар ёзувчи таржимаи ҳолини ўрганиш орқали асарларининг яратилиш тарихи, уларга сингдирилган гоявий фикрлар, ёзувчининг асар яратиш устида олиб борган изланишлари, унинг бу ижодий маҳсули замондошлари томонидан қандай кутиб олингани ва ниҳоят, мазкур асар ўз даври ва ундан кейинги даврлар учун қанчалик аҳамиятли эканлигини тушуниб оладилар.

Шунинг учун ўқитувчи ёзувчининг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги манбаларни танлашда унинг ҳаётига оид далилларнигина ўрганиб қолмасдан, балки ижодкорнинг дунёқарашига, адабий мұхитига, ижтимоий идеалига, ватанга, халққа бўлган муносабатига ҳам баҳо беришга лойик даражадаги билимларни эгаллаши керак. Таржимаи ҳолга оид далилларни баён этишда эса, ўқитувчи дастлаб ёзувчига ўз даврининг ижтимоий ҳодисалари билан маҳкам боғланган тарихий шахс сифатида ёндашади. Шунинг учун у ёзувчининг шахс сифатида дунёқараши ва ижодий методининг шаклланишида мухим ўрин тутган ижтимоий-тарихий далилларга алоҳида аҳамият бераб, асосий далилларни майда, ёзувчи турмушини тор доирадаги шахсий далиллардан ажратиб олади. Буларни ўрганишда эса, “Ўзбекистон тарихи” дарслигидаги материалларга, таржимаи ҳолига доир ўз асарларига ва замондошлари томонидан яратилган тарихий, бадиий асарларга таянади. Ўқитувчи таржимаи ҳолга оид далилларни танлашда қўйидаги тамоилларга риоя қилиши зарур:

1. Танланган далилларнинг ёзувчи ижтимоий-сиёсий қарашларининг шаклланишидаги аҳамияти ҳамда ижодини ёритишига ёрдами;

2. Уларнинг маърифий аҳамияти, ҳодисаларнинг типиклиги;

3. Тарбиявий аҳамияти. Бу ўринда ёзувчи маънавий қиёфасининг тарбиявий иш учун кимматли бўлган томонларини тўла ва ёрқин очилиши назарда тутилади.

Ҳар бир ёзувчининг ҳаёти ва ижод йўли ўзига хос, такрорланмас бўлганлиги сабабли уларни ўрганишда бир хил шакл, методларни кўллаш мумкин эмас. Ўқитувчи ёзувчи ҳаёти ва ижодининг таълим-тарбиявий қиммати ва таъсир кучини назарда тутиб, материалнинг

хажми ва характерини ҳисобга олиб, уни ўқувчиларга қандай етказиш йўлларини олдиндан белгилайди.

Биз юқоридаги талаблардан келиб чиқиб, ўзбек адабиётининг асосчиси ва йирик жамоат арбоби Алишер Навоийнинг таржимаи ҳолини ўргатишига бағишлиланган машғулотларда фанлараро интеграциядан фойдаланиш ҳақидаги фикрларимизни баён этамиз.

Жумладан, улуғ аждодларимиз бой тарихини, адабий меросини ёш авлодга етказиш биз, педагогларнинг ҳам асосий бурчимиз эканлигини чуқур ҳис этган ҳолда, унинг тизимли – узлуксизлик ва узвийлик асосида ўргатилишини таъминлаш кутилган натижаларнинг самарадорлигига эришиш омили эканлигини алоҳида таъкидлашни истар эдик .

Ушбу муаммонинг таълим тизими босқичларида ёритилишини умумий ўрта таълим мактабларининг М.Умарова<sup>8</sup> ва С.Матжонов ва бошқалар<sup>9</sup> томонидан яратилган 3-, 4- синф “Ўқиш” дарслклари мисолидан бошлаб кузатадиган бўлсак, анчагина ижобий натижаларга эришилганлигининг гувоҳи бўламиз.

Юкорида таъкидланган дарслкларга Жалолиддин Мангуберди, Алишер Навоий, Абу Али ибн Сино, Амир Темур, Захириддин Муҳаммад Бобур, Паҳлавон Маҳмуд, Абу Райҳон Беруний каби буюк алломалар ҳаёти ва ижоди ҳақидаги маълумотларни ҳикоя қилувчи қатор ибратли матнларнинг киритилганлиги фикримизнинг исботидир. Хусусан, 3-синф “Ўқиш” дарслигидаги Миркарим Осимнинг “Жалолиддин Мангуберди” [8,69], Ойбекнинг “Бола Алишер” (Қиссадан парча [8,77]), Миркарим Осимнинг “Ёш ҳаким” [8,79], “Ибн Синонинг шогирдлари” ривояти [8,128], Бўрибой Аҳмедовнинг “Элим деб, юртим деб яшаган инсон” [8,130], “Соҳибқирон Темур бобо” ҳикояти [8,133], Абдуқодир Ҳайитметовнинг “Доноларнинг доноси” [8,134], “Навоийнинг дўсти” ривояти [8,137], Ҳайридин Султоннинг “Захириддин Муҳаммад Бобур” (Асаардан парча [8,138]), Мирзо Каримнинг “Сайилда” [8,140], Пиримкул Қодировнинг “Бобур ва Ҳумоюн” (Асаардан парча [8,172] асаrlари; 4-синф “Ўқиш” дарслигидаги Ҳомиджон Ҳамидовнинг “Паҳлавон ва шоир” ҳикояси [9,114], Ойбекнинг “Алишернинг ёшлиги” (Қиссадан парча [9,116]), “Султон Маҳмуд ва Беруний” ривояти [9,222], Ҳондамирнинг

<sup>8</sup> Умарова М. Ўқиш китоби [Матн]: 3-синф учун дарслк // М.Умарова, Ҳ.Ҳамроқулова, Р.Тожибоева; - Тошкент: Ўқитувчи, НМУ, 2012. – 2246.

<sup>9</sup> Матчонов С., Шожалилов А., Фуломова Х., Сарисев Ш., Долимов З. Ўқипп китоби: умумий ўрта таълим мактабларининг 4 - синфи учун дарслк. – Тошкент: Янтийўл полиграф сервис, 2007. – 2716.

“Танбек” ривояти [9,224], Турсунбой Адашбоевнинг “Навоий бобомлар” [9,227] шеъри, “Ҳиди, тилими ва мазасидан” [9,228] ривоятлари шулар жумласидандир.

Ўкув дастурлари, режаларида юқорида санаб ўтилган ибратли матнларни изчил ўргатиш учун алоҳида дарс соатлари ажратилған.

Умумий ўрта таълим мактаби 5-11-синфларида Алишер Навоининг ҳаёти ва ижодини изчиликда ўргатиш давом эттирилади. Бунинг учун ўкув режасида куйидагича дарс соатлари ажратилған: 5-синфда<sup>10</sup> “Ҳайратул-аброр” достонидан олинган “Эгрилик ва тўғрилик” ҳикояси – 3 соат, 6-синфда<sup>11</sup> “Маҳбубул қуслуб” дан парча – 4 соат, 7-синфда<sup>12</sup> “Сабъаи сайёр” достонидан бешинчи иқлим йўлидан келтирилған мусоғир ҳикояси – 3 соат, 8-синфда<sup>13</sup> рубоий, туюқ, ғазалларидан намуналар – 4 соат, 9-синфда<sup>14</sup> “Фарҳод ва Ширин” достони – 10 соат, 10-синфда<sup>15</sup> шоир замондошлари хотирасида, лирикаси: ғазал, рубоий, қитъалари таҳлили – 6 соат, 11-синфда<sup>16</sup> ҳаёти ва ижоди, “Садди Искандарий” достони – 4 соат.

Академик лицей II<sup>17</sup>, III<sup>18</sup> семестрларида: шоир ҳаёти ва ижоди – 2 соат, лирикаси – 2 соат, эпик асарлари – 2 соат, “Ҳайратул-аброр” достони – 2 соат, “Фарҳод ва Ширин” достони – 2 соат, “Лайли ва Мажнун” достони – 2 соат, “Сабъаи сайёр” достони – 2 соат, “Садди Искандарий” достони – 2 соат.

<sup>10</sup> Адабиёт: Умумий ўрта таълим мактабларининг 5-синфи учун дарслик. 1-, 2-кисм / С.Ахмедов, Б.Қосимов, Р.Қўчкоров, Ш.Ризаев. – Т.: Шарқ, 2015. – 176 б.

<sup>11</sup> Ахмедов, Суннат. Адабиёт [Матн] К.1,2. / С.Ахмедов, Р.Қўчкоров, Ш.Ризаев. – Т.: Маънавият, 2017. – 160 б.

<sup>12</sup> Адабиёт: Умумий ўрта таълим мактабларининг 7-синфи учун дарслик-мажмуя. / Қ.Йўлдошев, Б.Қосимов, В.Қодиров, Ж.Йўлдошбеков. – Т.: Шарқ, 2017. – 368б.

<sup>13</sup> Султонмурод Олим, Суннат Ахмедов, Раҳмон Қўчкоров. Адабиёт. 1-,2-кисм. Умумий ўрта таълим мактабларининг 8-синфи учун дарслик-мажмуя / Faafur Fулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. – Т.: 2014. – 190 б.

<sup>14</sup> Йўлдошев Қ. Адабиёт: Умумий ўрта таълим мактабларининг 9-синфи учун дарслик / Қ.Йўлдошев, В.Қодиров, Ж.Йўлдошбеков.[Масъуль муҳаррир: В.Рахмонов]. Қайта ишланган 4-нашри. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2019. – 368 б.

<sup>15</sup> Адабиёт [Матн]: дарслик-мажмуя (10-синф). 1-, 2-кисм / Б.Тўхлиев [ва бошк.], - Тошкент: “Ўзбекистон милийи энциклопедияси” Давлат итмий нашриёти, 2017. – 184 б.

<sup>16</sup> Тўхлиев Б. Адабиёт [Матн]. 11-синф: дарслик-мажмуя. 1-, 2-кисм. /Б.Тўхлиев [ва бошк.], - Тошкент: “Ўзбекистон милийи энциклопедияси” Давлат нашриёти, 2018. – 200 б.

<sup>17</sup> Адабиёт (Мажмуя): Академик лицейларнинг 1-боскич ўкувчилари учун / Тузувчиilar Б.Тўхлиев, Б.Абдураҳмонова. – Т.: Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2007. – 216 б.

<sup>18</sup> Адабиёт (Мажмуя) : Академик лицейларнинг 2-боскич ўкувчилари учун / Тузувчиilar Б.Тўхлиев, Р.Мирсамикова, О.Аметова. – Т.: Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2007. – 432 б.

Биз адабий таълим жараёнида фанлараро интеграциядан фойдаланишдек кенг қамровли, қизиқарли масалани ўрганишга доир изланишлар олиб бораётганлигимиз боис, Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодини таълим боскичларининг 5-11-синфларида ўргатиш жараёнида ҳам тарих, тасвирий санъат, мусиқа, тарихий, бадиий асарлардан янги педагогик технологиялар асосидаги “КЕЙС - СТАДИ”, “Кластер”, “БББ”, “Эркин ёзиш”, семинар, конференция, мунозара, учрашув, комплекс, онлайн, видео дарс каби турларининг кўлланишида фойдаланиш кутилган натижаларга эришиш имкониятини бераётганлигининг гувоҳи бўлмоқдамиз.

Маълумки, кейинги йилларда республикамизнинг бир қатор методист олимлари, тажрибали ўқитувчилар мактабда Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини ўрганишга доир анчагина илмий-методик тадқиқотлар, кўлланмалар яратдилар<sup>19</sup>.

Бу тадқиқот ва кўлланмаларда шоирнинг таржимаи ҳоли, дастурга киритилган асарларини ўрганиш методлари, кўргазмали қуроллардан фойдаланиш усуллари, шарҳлашнинг ўқувчилар билими даражасини кўтаришга таъсири ҳақидаги умумий фикрлар баён этилган бўлиб, фанлараро интеграциядан фойдаланиш ҳақида аниқ тавсия, кўрсатмалар мавжуд эмас.

Фақат М.Суюнов “Юкори синфларда ўзбек адабиётини ўрганиш жараёнида архитектура ёдгорликлари ва тасвирий санъат асарларидан фойдаланиш” мавзусдаги номзодлик диссертациясида ўрта мактабларнинг юкори синф адабиёт дарсларида санъат асарлари (архитектура ва тасвирий санъат) дан фойдаланишнинг самарали усул ва методларини аниқлаш ҳамда ишлаб чиқишига харакат қилган.

Унинг тадқиқот обьекти анча кенг қамровли бўлиб, обзор мавзуларни, Навоийнинг ҳаёти ва ижодига бағишлиланган, шунингдек, унинг “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун” асарларини, Фурқатнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш дарсларида ҳамда синфдан

<sup>19</sup> Рахимова Г. Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодини саккиз йиллик ўзбек мактабларида ўрганиш. Педагогика фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т., 1966, 243б., Мирфаёзов М. IV-VII синфлар адабиёт дарсларида кўргазмалилик. – Т., 1985., Усмонов Р. Юкори синфларда ёзувчи таржимаи ҳолини ўрганиш: Адабиёт ўқитувчилари учун кўлланма. – Т.: Ўқитувчи, 1968. Ҳасанова А., Зуниунов А. Мактабда Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш: Ўқитувчилар учун методик кўлланма. – Т.: Ўқитувчи, 1983., Суюнов М. Использование памятников архитектуры и изобразительного искусства при обучении узбекской литературе в старших классах: Автореферат дис.. канд. пед. наук. – Т., 1990. – 24 с., Долимов С. 8-синф ўзбек адабиёти тарихи дарслити учун методик кўлланма. – Т., “Ўқитувчи”, 1980, 144б.

ташқари тадбирларни амалга ошириш давомида ўз тавсияларини тажрибадан ўтказган.

Бизнинг тадқиқотимизда ҳам тасвирий санъат асарларидан фойдаланиш ҳақида сўз юритилгани учун М. Суюновнинг бу масаладаги фикрларини кенгрок шарҳлаш ва шу орқали фикрларимизнинг фарқли томонларини ойдинлаштиришни лозим деб топдик.

М. Суюнов тасвирий санъат асарлари деганда, кўпроқ қадимий, нафис санъат тури – минатюраларга мурожаат этган (баъзи собиқ Иттифоқ мусаввирларининг асарлари ҳам бор, албатта) ҳамда дарс ва дарсдан ташқари машғулотларда улардан фойдаланишнинг ўрни, аҳамияти ҳақида умумий фикрлар айтган. Унинг тадқиқотида биринчи аспектда тасвирий санъатнинг аҳамияти, дарс жараёнини фаоллаштиришдаги роли кўрсатилган. Биз эса, кўпроқ, асосан, ҳозирги давр мусаввирларининг асарларига суюнган ҳолда иш олиб бордик. Тадқиқот обьектимиз ҳам чекланган бўлиб, ёзувчи (Алишер Навоий) таржимаи ҳолини ўргатиш, матн устида ишлаш машғулотлари ва синфдан ташқари ишлар жараёнида тарихий, бадиий манбаларни тушуниш, алломалар ҳақидаги воқеаларни оз бўлса-да, кўз олдиларига келтириш (тасаввур қилиш) учун восита сифатида тасвирий санъат асарларидан фойдаланиш; тасвирий санъат, тарихий, бадиий ва мусика асарларини уйгун ҳолда қўллашнинг самаралари ҳақида фикр юритамиз.

Миллий қадриятларимиз эъзозланаётган ҳозирги кунда юқорида тилга олинган манбаларни етарли деб ҳисоблаб, бобомиз меросини ўрганиш ва ўргатишга оид изланишларни тўхтатмаслигимиз керак. Чунки бу буюк шоирнинг улкан ҳаёти авлодлар учун намуна, абадий мероси бебаҳо хазинадир.

Тадқиқот обьектимиз ана шу буюк шахснинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш масаласи экан, республикамиизда бу соҳада олиб борилаётган ишларнинг аҳволига бир назар ташлашни зарур деб ҳисоблаймиз.

Бугунги кунда умумий ўрта таълим мактаби, академик лицей, қасб-хунар мактаби ва олий ўқув юртларида Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижоди анча кенг, чукур ўрганилаётгандек туюлса-да, бу соҳадаги амалга оширилаётган ишлардан қониқиши хосил қилиш қийин. Амалдаги дастур, кўлланма, дарсликлардан унинг ижодига мансуб ижтимоий-иктисодий ҳамда сиёсий лирикадан айрим намуналар, жумладан, рубоий, газал, айрим достонлардан парчаларгина ўрин олган. Баъзи дарсликларга киритилган шоир

асарлари, сирасини айтганда, ўкувчиларнинг ёши, қобилияти ва иқтидорига мос эмас. Буюк сўз санъаткори қаламига мансуб нафис, гўзал, ўкувчи ва талабаларда энг эзгу фазилатлар, хис-туйғуларни тарбияладиган, бадий ижод сиру-асорлари билан таништирадиган асарлар дастур ва дарсликларимиздан тўлиқ ўрин эгаллаган, – деб айтиш қийин. Алишер Навоий ижоди адабиётимизнинг, бадий сўзнинг юксак чўққиси экан, бинобарин, унинг ижодиёти мисолида ўкувчиларда бадий ва гўзал дидни, нафосатни ҳис этиш қобилиятини таркиб топтириш муҳим вазифалардан бири бўлиб қолаверади.

Айни пайтда умумий ўрта таълим мактабларининг 5-11-синф ўкувчилари учун адабиёт фанидан яратилган дастур ва дарсликларда ҳам Алишер Навоий ҳаёти ва серқирра ижодини изчил ўрганиш юзасидан таҳсинга лойик ўзгаришлар амалга оширилганлигини эътироф этган ҳолда бобомиз меросини янада чукурроқ ўргатиш усулларини қидиришдан тўхтамасликни таъкидлашни истар эдик. Фикримизнинг далили сифатида Алишер Навоийнинг таваллуд тўйи муносабати билан ёшларнинг шоир ижодига муносабатларини аниклаш учун тайёрланган саволларга Тошкентдаги олий ўкув юртларида таҳсил олаётган талабаларнинг жавобларидан айримларини ва шоир Абдураҳмон Жўраевнинг фикрини келтирмоқчимиз:

“Навоий ғазалларининг мазмунини тушунишга қийналмайсизми?”  
деган саволга жавоблардан намуналар:

“Мазмунини тушунишга қийналаман, албатта. Бунинг учун Шарқ фалсафасини, тасаввурни яхши билиш керак” (Олим Усмон).

“Биз озрок ўқитилгани учун қисман тушунамиз. Бошқалар-чи?  
Она тилида битилган асарларни тушунмаслик фожиа эмасми?”  
(Бахтиёр Останакулов ).

“Навоий ҳаёти ва ижодига боғлиқ муаммолар(...ўқитилиши, ўрганилиши, нашри ва хоказо ) ҳакида сизнинг фикрингиз?”- деган саволга жавоблардан парчалар:

“Мактабларда, олий таълим муассасаларида Алишер Навоий асарларининг ўқитилиши жуда оғир аҳволда. Буни тубдан ўзгартирмасак, ҳали жуда кўп марта уялиб қоламиз. Айнича, дидактик асарларни кўйи синфларданоқ ўқитиш керак” (Обида Ҳикматова).

“Булар ҳаммаси бемор ҳолатда. Уларни согайтириб, дил кувонадиган даражага етказиш учун гадоликдан (“Сиз сеҳргарсиз. Ушбу улкан тўйга қандай ҳисса кўшган бўлардингиз?” – деган

саволга жавоб бериб: “... Навоий ва Бобур боболаримизнинг хокини кўчириб келтирадим. Кейин гадо бўлиб, дарвешсифат бўлиб юрсан ҳам майли эди” – деганди) яна сеҳргарликка қайтишим керак” (А. Жўраев, шоир).

“Навоий номини эъзозлаб насиҳат қилаётган кексаларни (зиёлилардан ташқари) учратганмисиз?” – деган саволга жавоблардан айримлари: “Бундай кишиларни кўп учратганман. Улар ҳаммаси Куръонни, Исломни яхши билган кишилар эди. Улар Навоийни пир, ҳазрат деб аташган. Биз ҳали Навоийнинг диний асарлари ҳақидаги маълумотларни яхши билмаймиз” (Бахтиёр Останақулов).

“Бундай кишиларни қишлоғимизда илгарилари учратиш мумкин эди. Улар Пиримиз Алишер Навоий деб чексиз ҳурмат билан эслар эдилар ва бирор ривоятни айтиб берардилар” (Обида Ҳикматова)<sup>20</sup>.

Юқоридаги жавоблардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ўзбек мумтоз адабиётини ўрганишга жиддий эътибор бериш керак, айниқса, Шарқ фалсафасини, тасаввуфни чукур билиш ва ўқувчиларга буларни тушунарли тарзда етказиш масаласини ҳал қилиш жуда зарурдир. Бунинг учун, бизнингча, янги дастур ва дарсликларни таомиллаштиришда юқоридаги фикрларни хисобга олиш, ўзбек санъаткорларининг, шу жумладан, улуг аждодимиз Алишер Навоий қаламига мансуб энг яхши асарлар, бадиий сўзнинг куч ва қурдатини намойиш қила оладиган, ўқувчиларда ҳалқимизга хос маънавий-ахлоқий қадриятларни тарбиялашга хизмат қиласиган, улардаги мавжуд қобилияtlарнинг рӯёбга чиқишига турткি берадиган ранг-баранг жанрдаги асарларнинг ўрин олишига эътиборни кучайтириш лозим. Шунингдек, адабиёт ўқитувчиларига ёрдамчи манбалар, қўлланмалар, методик тавсиялар ишлаб чиқилишини кўпайтириш зарур. Ана шундагина биз буюк устозимиз Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди барча таълим тизими босқичларида етарлича ўрганилишига эришишимиз мумкин.

Биз мавзуга оид тадқиқот ва қўлланмаларнинг қисқача изоҳи, мавжуд аҳвол таҳлили ва дарсликлар материалларига муносабатлардан келиб чиқиб, тадқиқотимизда Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини ўргатишда фанлараро интеграцияни йўлга қўйиш воситаси сифатида Ўзбекистон тарихи материаллари, тарихий, бадиий, тасвирий

<sup>20</sup> Фикримизча, келтирилган фикрлар талабаларнинг ўзбек мумтоз адабиётини ўрганишга бўлган муносабатини ифодалаганлиги ва улар доимо долзарблик касб этишини алоҳида таъкидлашни истар эдик.

санъат ва мусиқа асарларидан фойдаланиш усулларини батафсилрок ёритишга ҳаракат қилдик.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 октябрдаги “Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги Қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадидаги ушбу монографияда “Сўз мулкининг сultonни”нинг ҳаёти ва ижодини адабиёт дарслари ва синфдан ташқари ишлар жараёнида ўргатишда фанлараро интеграциядан фойдаланиш усуллари ва тавсиялар кўп йиллик амалий тажрибалар асосида ёритилган бўлиб, ундан адабиётшунос ва методист олимлар, мазкур соҳа бўйича изланишлар олиб бораётган тадқиқотчилар, олий ўкув юртлари филология йўналиши талабалари, академик лицей, умумий ўрта таълим ва касб-хунар мактаби ўқитувчилари, маънавий-маърифий ишлар ташкилотчилари ҳамда шоир ҳаёти ва ижоди билан қизиқувчи мутахассислар фойдаланишлари мумкин.

Ўйлаймизки, ушбу кимматли манбалардан барча таълим босқичлари адабиёт дарслари ва дарсдан ташқари тадбирлар жараёнида Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини узлуксизлик ва узвийлик асосида ўргатиш жараёнида фойдаланиш: ДТС ларда кўрсатилган зарур билим, малака ва кўнимкамларни кенгрок эгаллашга ёрдам беради; ўрганилаётган материалларни тўлиқроқ, чуқурроқ тушунишга кўмаклашади; дарснинг сифат ва самарадорлигини таъминлайди, оғзаки ва ёзма нутқни ўстиради, мустақил-ижодий ишлаш малакаларини ривожлантиради; ўкувчиларнинг билимини бойитади, изчилаштиради, умумлаштиради; тафаккурини, тасаввурини, дунёқарашини ривожлантиради, қизиқишларини орттиради; маънавий дунёқарашини кенгайтиради, санъатга, Ватанга муҳаббат ҳисларини тарбиялади; адабиётга, ҳаётга қизиқишларини, буюк алломалар, хусусан, улуғ бобомиз Алишер Навоий шахсига ҳурмат ва тақлидларини оширади; ватанпарварлик, инсонпарварлик, миллий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат, ифтихор руҳида тарбиялашга хизмат қиласди.

# **БИРИНЧИ БОБ АДАБИЙ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ФАНЛАРАРО ИНТЕГРАЦИЯНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ**

## **1.1. Фанлараво интеграцияни йўлга қўйишининг педагогик- психологик асослари**

Кун сайин катта ҳаётий ўзгаришлар рўй бераётган мамлакатимизда ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича Президентимиз томонидан илгари сурилган 5 та муҳим ташаббус<sup>21</sup> да белгилаб берилган устивор йўналишлар: ёшларни мусика, рассомлик, театр, спорт, компьютер технологиялари ва интернет, адабиёт, китобхонлик соҳасига қизиқтириш масалаларини амалга ошириш йўлидаги энг муҳим вазифалардан бири ўкувчиларга асосий назарий билимлар бериш билан бир қаторда, уларда турли предметлар бўйича олган билимларидан фан, маданият, ишлаб чиқаришнинг мураккаб топшириклиарини ҳал қилишда ижодий ва мустақил фойдалана олиш кўнимкамларини тарбиялаб боришдан иборатdir.

Шунинг учун ҳам, ҳозирги кунда умумий ўрта таълим мактаби ва академик лицей таълим-тарбия жараёнида фанлараво интеграцияни йўлга қўйиш имкониятларидан самарали фойдаланиш жуда муҳимdir.

Фанлараво интеграцияни йўлга қўйиш масаласига қизиқиши жуда қадим замонлардан бошланган. Я.А.Коменский грамматика ва фалсафани, фалсафа ва адабиётни, Д.Локк эса, тарих билан географияни ўзаро алоқада ўрганиш ҳақида фикр юритганлар. И.Гербарт, А.Дистервеглар ҳам ўз вактида фанлар ўртасидаги чегараларни камайтириш, уларни ўзаро алоқада ўрганишни ҳимоя қилганлар.

Россияда фанлараво интеграциянинг аҳамиятини В.Ф.Одоевский, К.Д.Ушинский, П.П.Вахтеров, П.Ф.Каптерелар асослаганлар. Н.Г.Чернишевский, Н.А.Добролюбов, шунингдек, В.Я.Стоюнин, Н.Ф.Бунаков, В.И.Водовозовларнинг педагогик асарларида ҳам фанлараво интеграцияни йўлга қўйиш ҳақидаги фикрларни учратамиз.

<sup>21</sup> Мирзиёев Ш.М. Ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларнинг бўш вактини мазмунли ташкил этиш бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2019 йил 19 мартағи видео-селектор йигилишида сўзлаган нутки // Халқ сўзи, 2019 йил 20 март.

А.П.Павлов ҳамма ўкув фанларида илмий, ахлоқий, эстетик қисмлар доимий бўлади деб ҳисоблаган. В.А.Вагнер билимларни политехник қисмга ажратган, В.М.Шимкевич борликни яхлит тушунишда ҳамма фанларнинг табиий-илмий замини бирлигини, уларни ўзаро алоқада ўрганиш муҳимлигини исбот қилган. П.П.Блонский мактабда инсоншунослик фанини ўқитилишини таклиф қилган.

К.Д.Ушинскийнинг асарлари ҳам фанлараро интеграция назариясининг ишлаб чиқилишига ўз ҳиссасини қўшган. Айнан, у мазкур муаммонинг баъзи бир психологик жиҳатларини асослаб бергани ҳолда ўқитиш жараёнида ўкув фанларининг ўзаро алоқасини рўёбга чиқаришнинг методик концепциясини ишлаб чиқкан.

Н.К.Крупская ҳам бу масалага дикқат қаратиб, уни ривожлантиришга ҳаракат қилганлардан бири ҳисобланади. Унинг таъкидлашича, фанларни ўқитища улар ўртасидаги алоқани объектив қонуният сифатида очиб бериш, уларнинг умумий ўхшашликларини, муштараклик хусусиятларини кўрсатиб бериш керак. Бунинг учун ҳеч бўлмагандан, комплекс дастурлар ишлаб чиқишни таклиф қилган.

Кейинги даврлар жараёнида фанлараро интеграцияга бўлган қизиқиш масаласида ҳам кескин ўзгаришлар бўлганлигини кузатиш мумкин. Чет элдаги ва мамлакатимиздаги баъзи педагоглар ҳам фанларни умумлаштириб яхлит дарсликлар яратиш учун ҳаракат қилмоқдалар. Масалан, XX асрнинг 50-60-йилларида АҚШда тарих, география, гражданшунослик фанларининг элементларини ўз ичига олган “Жамият фанлари” курси ташкил этилган. Польшада эса, “Маданият” деб номланган умумлашган курсни синаб кўрилган. Бизнинг мамлакатимизда ҳам жамиятшунослик ва табиатшунослик фанларини ўз ичига бирлаштирган маданият тарихи курсини синовдан ўtkазиш тажрибasi амалга оширилган. 2020-2021 ўкув йилидан бошлаб, умумий ўрта таълим мактабларида “Одабнома”, “Динлар тарихи”, “Ватан туйғуси” каби фанларни бирлаштирган “Тарбия” фанининг жорий қилинишини ушбу изланишларнинг натижаси сифатида баҳолаш мумкин.

2020 йил 21 апрелда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлигининг фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-

тадбирлар тўғрисида”ги хукумат қарори<sup>22</sup> да билан тасдиқланган “2020-2025 йилларда ижод мактаблари фаолиятини такомиллаштириш концепцияси”га кўра, ижод мактаблари ўқувчиларининг асосий кўрсаткичлари куйидагилардан иборат бўлиши белгиланган:

- Ўзбек ва дунё адабиётининг энг сара 50 та асарларини ўқиши.
- Бир йилда камида 50 та шеър ёд олиши.
- Ўзбек ва дунё кинематографиясининг 100 та энг яхши намунасини томоша қилиши.
- Ўзбек ва дунё тасвирий санъатининг 100 та энг етук асари билан танишиши.
- Ўзбек ва дунё мумтоз мусиқасининг 100 та энг мукаммал асарини тинглаши зарур.

Ушбу концепция талаблари ҳамда 2019-2020 ўқув йилида Давлат тест маркази имтиҳонлари саволлари таркибига: тарих ва география фанларидан ёзувсиз ҳарита, жадвал, расмли тест топшириклари кўлланилганлиги; абитуриентларнинг тест топширикларини тез англай олиши, фикрлаш кўникмаларини ривожлантириш мақсадида эндиликда яна чет (инглиз, немис, француз) тилларидан ҳам ҳолатни ифодалаш учун расмли тест топшириклари шакллантирилаётганлиги, шунингдек, биология, кимё фанларидан расмли тест топшириклари кўпайтирилаётганлиги; булардан ташқари, она тили ва адабиётдан мустақил ўқиш учун тавсия килинган бадиий асарлар ва фанга оид чизмали тест топшириклари сонини кўпайтириш устида изланишлар давом эттирилаётганлиги<sup>23</sup> ҳам фанлараро интеграцияни йўлга кўйилиши масаласи ривожлантирилишини тақозо этаётганлигининг яна бир далили, ҳозирги куннинг энг долзарб масалаларидан эканлигининг исботи сифатида таъкидласақ, мақсадга мувофиқ бўлади.

Шундай жараёнларнинг муваффақиятларини эътироф этган ҳолда, умумий ўрта таълим мактаби ва академик лицей ўқув фанларининг ўзаро алоқадорлигини ҳар томонлама ўрганиш учун катта имкониятларга эга эканлигимизни таъкидламоқчимиз. Бу борада кўплаб ишлар қилинди, фанлараро интеграциянинг назарий масалалари бўйича изланишлар давом этмоқда: мақолалар, тўпламлар,

<sup>22</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 240-сон қарори. “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси хузуридаги Президент, ижод ва иктинослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлигининг фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”. Тошкент ш., 2020 йил 18 апрель.

<sup>23</sup> “Тест сиповларига тайёргарлик қандай?” 1-мақола. 2020 йил 27 апрел. Давлат тест маркази матбуот хизмати.

монографиялар нашр қилинмоқда, номзодлик ва докторлик диссертациялари ҳимоя қилинмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, кўп қиррали аҳамиятга эга бўлган фанлараро интеграциянинг методик томони табиий фанларни ўқитиш жараёнида анча кенг тадқиқ этилган.

Г.И.Беленъкий, Н.И.Курдяшев, К.П.Королева, Е.Д.Демяшева, Н.И.Запорожец, П.Г.Кулагин, Н.А.Лошкарева, В.Г.Мирецкая, Т.Г.Пеня, У.Култоева каби олимлар гуманитар фанлар, жумладан, адабиёт ва тарих, тарих ва санъат, адабиёт ва мусиқа фанларини ўзаро алоқада ўрганишнинг ўкувчилар билим ва қобилиятларини камол топтиришдаги ролини кўрсатиб беришга бағишиланган тадқиқотлар олиб борган бўлсалар-да, буларни етарли деб ҳисоблаб бўлмайди.

Республикамиизда бу соҳадаги ютуклар сифатида А.Зуннунов ва А.Алиевларнинг “Адабиётни бошқа гуманитар фанлар билан боғлаб ўрганиш”, О.Ёқубжонованинг “Она тили дарсларида бошқа ўкув предмети материаларидан фойдаланиш”, мазкур сатрлар муаллифининг “Ўзбек классик адабиётини ўрганиш жараёнида предметлараро алоқадан фойдаланиш методикаси” мавзусидаги номзодлик тадқиқоти, “Адабиётдан синфдан ташқари ишлар жараёнида фанларларо алоқа” номли услубий қўлланмаси ва қатор мақолалари, Д.Отакўзиев, М.Ҳакимова, М.Собироваларнинг “Сўз - улкан хазина”, Н.Улуков, М.Муҳаммадалиеваларнинг “Она тили мадҳи” ва “Тил ва адабиёт таълими” методик журналида чоп этилаётган қатор мақолаларни тилга олишимиз мумкин. Шунингдек, бошқа: тарих, тасвирий санъат, мусиқа, география, химия, биология, математика, информатика фани ўқитувчилари томонидан яратилган синфдан ташқари ишларни ташкил масаласига бағишиланган услубий қўлланмаларнинг таркибида адабий манбалардан (алоҳида тадқиқот иши олиб борилмаган бўлса-да) фойдаланилганлигини алоҳида таъкидлаш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Фанлараро интеграцияни йўлга қўйишга интилиш ўқитувчининг билимини ўткирлаштиради, бойитади, ижодий-мустақил ишлашга унрайди. Бу соҳада жуда катта тажриба тўпланган.

Фанлараро интеграциянинг жуда кўп йўналишлари тадқиқ этилган, турли хилдаги тасниф тизимлари ишлаб чиқилган бўлишига қарамай, ҳалигача фанлараро интеграциянинг ҳамма учун умумий, аниқ бўлган бўлининини кўрсатувчи тадқиқот йўқдир. Мактаб шароитида эса, бир фаннинг иккинчи фан билан алоқаси ёки жуда кам учраса-да, бир фаннинг икки ёки уч фан билан боғлик ҳолда

ўрганилишини ташкил этаётган ўқитувчиларни кузатиш мумкин. Аммо бу ўқитувчилар ҳам ўқитиш жараёнида фанлараро интеграциядан фойдаланишда бошқа фанлардан олинган билимларни эслатиш усулидан, ёки бирор парчани шунчаки ўқиб бериш, ёки бирор расмни кўрсатиш билангина чекланадилар. Улар фанлараро интеграция мазмунидаги семинар дарси, мунозара дарси, комплекс дарс каби хилма-хил дарс шаклларини ташкил этмайдилар. Синфдан ташқари тадбир (адабий кеча, адабий саёҳат, ҳафталик, конференция)ларни кам ўтказадилар ва бу жараённи ташкил этишда турли фан ўқитувчиларининг ҳамкорлигини йўлга қўймайдилар.

Фанлараро интеграциянинг турли йўналишлари ўрганилган кўп тадқиқот ишларида унинг педагогика фани ва амалиётдаги жуда муҳим аҳамияти очиб берилган. Н.С.Антонов, Г.И.Беленъкий, Н.Ф.Борисенко, Д.В.Васильев, Г.В.Воробьев, Ш.И.Ганелин, М.П.Данилов, И.Д.Зверев, П.Г.Кулагин, Н.А.Лошкарева, В.Н.Максимова, И.Д.Огородников, Л.И.Резников, В.И.Федорова, А.В.Усова, Н.А.Шмелова, В.И.Янценларнинг тадқиқот ишларида фанлараро алокаларнинг дидактик-педагогик асослари кўрсатилган.

Бу олимларнинг тадқиқот ишларида фанлараро интеграциянинг ўқитиш жараёнидаги таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи вазифасини хисобга олган ҳолда фикр юритилади.

Куйидаги масалаларни дикқат марказига қўйганимизда, фанлараро интеграциянинг ўқитиш жараёнидаги хусусий йўналишлари намоён бўлади:

а) ўқувчиларда илмий дунёкарош асосларини шакллантириш масаласи (Ш.И.Ганелин, Н.Ф.Борисенко, Э.Я.Моносзон, Е.Е.Менченков, В.Н.Федорова, А.И.Френкель, В.Н.Янцен, Г.А.Батурина, Н.А.Лошкарева, Г.К.Беленъкий, В.Н.Максимова ва бошқалар);

б) маънавий-маърифий, ахлокий, меҳнат тарбияси масалалари (И.Д.Зверев, В.В.Неверов, Г.И.Беленъкий, В.Н.Максимова ва бошқалар);

в) билимга қизиқиш, ижодий фаоллик ва мустақилликни шакллантириш масаласи (И.И.Воробьев, В.П.Шуман, А.К.Громцева, В.Н.Максимова, М.И.Махмутов, Г.Ф.Федорец ва бошқалар).

Кўриб ўтганимиздек, фанлараро интеграцияни ўрганишга турлича назарий ёндашувлар, уларни ўқув-тарбия жараёнида йўлга қўйишнинг кўп усувлари тадқиқ этилган.

Ана шундай тадқиқотлар ва адабиётларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, “Фанлараро интеграция” тушунчасининг моҳияти ва

унинг педагогик категория сифатидаги ўрни хақида турлича қарашлар мавжуд. Масалан, И.Н.Черкес-Заде, Н.А.Сорокин, Ф.Н.Федорова, Д.М.Кирюшкин каби тадқиқотчилар фанлараро интеграция дидактик томондан таълимнинг илмий ва тушунарли бўлишини оширишга ёрдам беради, – деб ҳисоблайдилар. Н.Ф.Федорованинг таъкидлашича эса, фанлараро интеграция таълимнинг изчилиги дидактик тамойилининг ажралмас қисми сифатида намоён бўлади.

Н.С.Антонов фанлараро интеграцияни “таълим жараёнининг ўзига хос тузилиши” сифатида белгилайди.

Олимларнинг катта гурухи (И.Д.Зверев, К.П.Королева, П.Г.Кулагин, Н.Г.Казанский, Г.И.Беленъкий, Н.М.Дружинина ва бошқалар) фанлараро интеграцияни таълимнинг изчилиги дидактик тамойилига киритадилар, Г.И.Беленъкий уни “бу тамойилни ифодловчи бир кўриниш (модификация)дир” деб ҳисоблайди.

Кузатилган бундай назарий қарашлар фанлараро интеграцияни таълим жараёнидаги мазмуний-методик ва функционал яхлитликни таъминлайдиган метододогик тузилиш вазифасини аниқ ифодалагани учун мустақил тамойил сифатида тасдиқлайди.

И.Д.Зверев ва В.Н.Максимоваларнинг таъкидлашича, “фанлараро интеграция мустақил тамойил сифатидаги ўрни билан ўзининг тузилиши жиҳатдан вазифасини бажаради; ўкув дарслеклари, дастурлари, режалари тузилишига, таълимнинг шакл ва методлари учун мазмун танлашга таъсир кўрсатади”, “умумийлик хусусиятига эга бўлади”, “таълим жараёнининг ҳамма қисмларига алоҳида талаблар тақдим қиласди...”<sup>24</sup>

Фанлараро интеграция таърифининг кўплиги унинг кўп вазифалилиги ва бирлаштирувчи яхлитлиги билан изоҳланади.

Г.И.Беленъкийнинг фанлараро интеграцияни тушуниши билан шу маънода келишиш зарурки, унинг таърифика, “ўкув-тарбия жараённида фойдаланиладиган фанлар элементлари мазмуний ва тузилиши вазифасининг бундай яхлит бирлиги билимларни умумлаштириш, изчилиштириш ва мустаҳкамлашга, шу билан бирга, шахснинг ҳар томонлама баркамол ривожланишига, яхлит илмий дунёқарашни шакллантиришга ёрдам беради”.<sup>25</sup>

<sup>24</sup> Зверев И.Д., Максимова В.Н. Межпредметные связи в современной школе. – М.: Педагогика, 1981. – С.52.

<sup>25</sup> Беленъкий Г.И. О сущности и видах межпредметных связей. – В кн.: Некоторые теоретические и практические аспекты межпредметных связей. – М., 1982. – С.8.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб айтиш мүмкінки, фанлараро интеграциянинг кўп қиррали хусусияти ўқувчилар билимини чукурлаштириш, дунёқарашини кенгайтириш, уларнинг маънавий-маърифий, меҳнат ва эстетик тарбиясини таъминлаш учун ундан уйғун тарзда фойдаланиши талаб этмоқда. Бундай уйғунликни бирданига йўлга қўйиш мүмкін эмас. Лекин мақсадга босқичма-босқич эришишнинг йўлларини қидириш муҳимлигини айтиш билангина чекланиб қолмасдан, амалий иш олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Бу ўринда хусусий методика катта роль ўйнаши мүмкін.

Таълим жараённада фанлараро интеграциянинг зарурати шундаки, ўқитувчи биринчидан, ўз фани материалларини ўргатишида ўқувчиларнинг бошқа фан материалларидан олган билим ва малакаларига таяниши, иккинчидан, уларнинг фикрлаш қобилиятларини фаоллаштириши, учинчидан, ўрганилган материални тақрорлаш орқали уларнинг билимларини чукурлаштириши, ниҳоят, ўқувчиларга барча фанлар ўзаро боғланиш борлигини кўрсатиши ва уларга бошқа фанларни ўрганиш орқали олинган маълумотлардан ўринли фойдалана билишни ўргатищдан иборатdir.

Бундан ташқари, ўкув фанларини ўзаро алоқада ўрганиш ўқувчиларнинг фан моҳиятини ва жамиятдаги ўрнини чуқур англаб олишларига ёрдам беради, билимларининг изчил бўлишни таъминлайди. Уларнинг ўрганилаётган материални тўла ўзлаштиришларига, мустақил фикр юритишларига, дарсга бўлган қизиқишларини оширишга, назарий фикрларни юзага келтиришга, аввал ўзлаштирилганларни янги билим билан бойитишга, далил ва ҳодисалар моҳиятини тушунишларига кўмаклашади.

Шуни ҳам унутмаслик керакки, фанлараро интеграция турли фанларни сунъий равища бир-бирига боғлаш деган гап эмас, албаттa. Уларни ўзаро алоқада ўрганиш фанлар ўртасидаги умумий ўхшашибликни, ҳар бирига хос хусусиятни ва ҳар бирини тадқиқ этиш методларини пухта, аниқ билиб олган тақдирдагина самарали бўлади.

Ўқитувчилар билимининг илмийлик даражасини бойитиш манбаи, ўкув-тарбия ишларининг самарадорлигини ошириш воситаси бўлган бу жараённи амалда қўллай билиш ўқитувчидан фанлараро интеграцияни амалга оширишнинг методик усусларини билишини тақозо этади.

И.Д.Зверев ва В.Н.Максимовалар фанлараро алоқаларни йўлга қўйишни шартли равища 2 гурухга ажратадилар: фанлараро

интеграцияни амалга оширишнинг одатдаги шакл ва усуллари ҳамда таълим методларининг мураккаб изчиллигини ўз ичига олган, фанлараро интеграциянинг ўзига хос хусусиятларига асосланган янги шакл ва усуллар.

Биринчи гурухга қуйидагилар киради: бошқа фанлар юзасидан уй вазифаси топшириш, ўқитувчининг бошқа фан материаллари асосидаги баёни, бошқа фанлардан олинган билимларни эслатиш орқали сухбат ўюштириш, кўргазмали қуроллар, приборлар, кинофильм, видеофильм ва диафильмлардаги лавҳалар, интернет материалларидан фойдаланиш; муаммолли саволлар қўйиш, билим олиш қобилиятини мустаҳкамловчи фанлараро интеграция мазмунидаги кроссвордлар каби мураккаб ақлий топшириқлар бажариш, ўқувчиларнинг турли фанлардан олган билимларини эслатиш.

Иккинчи гурухга қуйидаги методик усуллар киради: дарсда бир неча ўқув фанлари материаллари асосида иш олиб бориш, бир неча ўқув фанлари материалларини умумлаштирувчи – жамланма кўргазмали қуроллар тайёрлаш ва улардан фойдаланиш; бир-бирига яқин фан ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилган ва яхши баҳоланган мустақил ёзма ишларни бажариш; фанлараро интеграцияга асосланган матнлар, турли фанларга оид материаллар уйғунлашган топшириқлардан фойдаланиш; фанлараро интеграция дафтари (уйғун йўналишдаги умумий ўқув материалларини ҳал қилиш учун турли фанлар бўйича берилган топшириқларни бажариб бориш учун)ни юритиш<sup>26</sup>, фанлараро интеграцияни йўлга қўйиш учун ўқитувчиларнинг ҳамкорликдаги фаолияти<sup>27</sup>.

Бизнингча, ўқувчиларнинг ақлий фаолияти, уларнинг мустақил ишлаш кўникмаларини ривожлантириш учун қаратилган усуллар фанлараро интеграцияни йўлга қўйишда энг самарали натижаларни кўлга киритишнинг омили ҳисобланади. Шунинг учун турли ўқув фанларидан бериладиган билимларни умумлаштирувчи алоҳида топшириқлар ишлаб чиқиш ва уларни ҳал қилишни ўқувчилар зътиборига ҳавола қилиш фойдалидир. Масалан, газета, журнал, интернетдан адабиётнинг турли фанлар (тарих, тасвирий санъат, мусиқа, ахборот коммуникацион технологиялари, география, она тили каби) билан алоқасини ифода этувчи материалларни тўплаш, шу

<sup>26</sup> Зверев И.Д., Максимова В.Н. Межпредметные связи в современной школе. – М.: Педагогика, 1981. – С.52.

<sup>27</sup> Максимова В.Н. Межпредметные связи в процессе обучения. – М.: Просвещение, 1988. – 192 с.

материаллар асосида савол-жавоблар, хафталиклар, конференциялар, адабий кечалар ўтказиш ёки ишо, такриз, реферат, маърузалар ёздириш; слайд, тақдимот, видео роликлар яратиш кабилар.

Ўқитувчи дарсга тайёргарлик жараёнида фойдаланиши лозим бўлган материаллар, воситалар билан бир қаторда машғулотнинг самарадорлигини таъминлайдиган усулларни аниқлаб олиши зарур.

Ўқитувчининг дарсда куляй вазиятни вужудга келтиришга эътибор бериши, шунингдек, мавзуни ўтишда диккат қаратилиши лозим бўлган масалаларни аниқлаб олиши муҳимdir. Бу ишларни амалга ошириш учун мавзуга доир муҳим далилларни, қўшимча манбаларни тайёрлайди, илмий-методик адабиётларни кўриб чиқади, ўқувчиларга бериладиган савол ва топшириклар, ўзаро алоқага киришадиган фанлар бўйича дарсликлардан олинган қўшимча материалларни аник ажратиб олади.

Демак, ўқитувчи фанлараро интеграцияни амалга ошириш учун ўз фанининг асослари, моҳияти, ҳозирги ҳолати, унинг тараққиётидаги асосий босқичлар, бошқа фанлар, ижтимоий муносабатлар, кундалик турмуш ва амалиёт билан алоқасини, уларни ўзаро ҳамкорликда ўрганишнинг аҳамиятини пухта билиши муҳим роль ўйнайди.

Юқоридаги фикрлардан кўриниб турибдики, адабий таълим жараёнида фанлараро интеграция технологияларидан, асосан, тарих, тасвирий санъат, мусиқа, ахборот-коммуникацион технологиялари, география, она тили, хорижий тиллар (рус тили, инглиз тили, немис тили, араб тили), математика фани материалларидан фойдаланиш учун фан билан санъатнинг диалектик алоқаси, фанларнинг ўзаро алоқадорлиги тўғрисидаги таълимотларга асосланиш талаб этилади.

Биз фан (факат гуманитар фанлар устида фикр юритамиз) билан санъатнинг диалектик алоқаси тўғрисида фикр юритганимизда, уларни яқинлаштирадиган ва бир-биридан фарқлайдиган жиҳатларни назарда тутамиз.

Диалектик таълимот фаннинг санъатдан фарқларини мутлак фарқлар сифатида амас, балки нисбий фарқлар сифатида белгилайди, шу билан бирга, улар ўртасида узвий алоқа борлигини қайд килади. Бу умумийлик, аввало, шундан иборатки, уларнинг гносеологик илдизлари диалектиканинг билиш назарияси асосида аникланди. Бинобарин, фан ҳам, санъат ҳам объектив дунёнинг инсон онгидаги субъектив инъикоси сифатида намоён бўлади, чунки улар ўртасидаги асосий алоқа мазмун умумийлигида рўёбга чиқади. Гуманитар фанлар ҳам воқеликни ўзлаштиришнинг алоҳида тури сифатида

кишилик жамияти қонуниятларини тадқиқ этади. Бу бизни кизиқтираётган ҳамда тадқиқот ишларини олиб боришга ундаётган фан ва санъат ўзаро алоқасининг биринчи мухим жиҳатидир.

Улар ўртасидаги тафовут фақат шундан иборатки, тарих фани ижтимоий тараққиёт қонуниятларини мантикий тушунчалар асосида изоҳласа, адабиёт, тасвирий санъат, мусиқа эса, буни аниқ воқеалар асосида бадиий сўз, тасвирий восита ва оҳанглар ёрдамида образли ҳикоя қилиш орқали изоҳлайди.

Иккинчидан, фан билан санъат ўртасидаги умумийлик улар бажарадиган вазифаларнинг ўхшашлигига ҳамdir. Фан ҳам, санъат ҳам инсоннинг ҳар томонлама камол топишига, дунёқарашининг кенгайишига, эстетик завқ олишига ёрдам беради. Бунда фан ва санъат ўзаро алоқасининг иккинчи жиҳати келиб чиқадики, бу эса, адабий таълим жараёнида фанлараро интеграциядан фойдаланишининг асоси ҳисобланади.

Адабий таълим жараёнида фанлараро интеграциядан фойдаланиш бадиий асарларнинг билиш, тарбия ва гносологик функцияларини яхлит кўриб чиқиш учун шароит яратади. Бу жиҳатдан адабиёт, тарих, тасвирий санъат, мусиқа дарсларининг ўзаро муносабатлари воқеликни ўзлаштириш усули сифатида изоҳланади. Олим фикрлаш жараёнида турли ҳис-туйғуларни сезса, санъаткор воқеликни ўзлаштиришда мантиқан фикрлаган ҳолда ҳиссиёт оғушида бўлади. Буларнинг натижалари биринчи ҳолда фан мантикий тушунчаларга кирса, бошқа ҳолда бадиий образларда намоён бўлади. Шу билан бирга, ҳақиқий санъат даврнинг ижтимоий, тарихий хусусиятларини мантиқан ишонарли тарзда акс эттиради. Ҳақиқий илмий асар назариялар, қонунлар ва исботларни мантикий асослашда муайян образлийкни талаб қиласди.

Ижтимоий соҳа илмий асарларидаги образлийк аниқликка хизмат қиласа, санъат асарларидаги аниқлик образлийкка хизмат қиласди. Улар ўртасидаги алоқа шу билан изоҳланадики, фикрлар сўз, тасвир, оҳанглар воситасида етказилади, воқелик тилда умумлаштирилади. Бу адабиёт дарсларидаги фан билан санъатнинг ўзаро алоқаларидан келиб чиқадиган сўнгги жиҳатини вужудга келтиради. Бу жиҳатнинг моҳияти шундаки, адабий таълим жараёнида фанлараро интеграциянинг амалда рӯёбга чиқарилиши ўқувчиларнинг умумлашма маҳоратини бойитади. Маълумки, адабиётни тарих, тасвирий санъат ва мусиқага боғлаб ўрганишда ўқувчиларнинг амалий маҳоратлари даражаси уларнинг оғзаки ва ёзма нутқида ифодаланади.

Зеро, мактаб ўқувчиларининг оғзаки ва ёзма нутқига бўлган ҳозирги талаб унинг образли, аниқ, равшангина эмас, балки мазмундор, таъсирчан, мантиқий ва ишонарли далиларга бой бўлишини, қўйилган гояларни амалда асослай олиш қобилиятини ҳам тақозо этади.

Шундай қилиб, фан билан санъатнинг умумий ўрта таълим мактаби, академик лицей таълими жараёнидаги гуманитар фанларни ўқитишда фанлараро интеграциясини амалга ошириш асосини ташкил этувчи ўзаро алоқалари куйидаги уч жиҳатда намоён бўлади:

- мазмун муштараклигига;
- таълим жараёнида бажарадиган вазифалари яқинлигига;
- воқеликни идрок этиш усулларининг ўхшашлигига.

Бу жиҳатлар фанлараро интеграция ўқитишнинг педагогик - психолого-педагогик табиатига ҳамоҳанг эканлигини кўрсатади.

Дидактик нуқтаи назардан ўқув жараёни бир-биридан ажралмас учта – ўқитиш, тарбиялаш, ривожлантириш қисмдан иборатdir. Шунинг учун билишнинг “жонли мушоҳададан абстракт тафаккурга ва ундан практикага – ҳақиқат билишнинг, объектив реалликни билишнинг диалектик йўли ана шундайдир”, – деган назариясини мактаб ўқувчиларининг ўқув – билиш фаолиятига татбик этиш мумкин.

Демак, жонли мушоҳада билиш жараёнининг бошлангич боскичидир. Ўқув фанларини ўзаро боғлиқликда ўрганиш методи у ёки бу фан бўйича ўрганилаётган воқеа ва ҳодиса ҳақида ўқувчидаги жонли мушоҳада килиш малакасини ўстиради, жонли мушоҳада қилиш орқали ўқувчи воқеа, ҳодиса ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлади. Ўқитувчи уларда ҳосил бўлган бу тасаввурларни умумлаштиради, натижада, ўқувчиларда у ёки бу фан ҳақида ёрқин тушунча шаклланади.

## 1.2. Адабиётнинг бошқа фан (тарих, тасвирий санъат, мусиқа)лар билан алоқаси.

Маълумки, фан билан санъатнинг ўзаро алоқаси кўп қиррали ва мураккабдир. Биз эътиборни фан билан санъат ўртасидаги алоқаларнинг мактаб таълимида хисобга олиниши керак бўлган қисмларгагина эътибор қаратамиз. Бу ўқитиш жараёнида фанлараро интеграцияни амалга ошириш учун асос бўлади.

А.Зуннунов ва А.Алиевларнинг “Адабиётни бошқа гуманитар фанларга боғлаб ўрганиш” номли методик қўлланмаси<sup>28</sup>да тўғри

<sup>28</sup> Зуннунов А., Алиев А. Адабиётни бошқа гуманитар фанларга боғлаб ўрганиш. – Т.: Ўқитувчи, 1982. – 72 б.

кўрсатилганидек, мактабда ҳар бир ўкув фанини, жумладан, адабиётни ўрганишда ўқувчиларнинг англаш, фикрлаш, айниқса, нутқий фаолияти алоҳида ўринни эгаллайди. Шу сабабли дарсларда ўқувчилардан адабий матнни тўғри ўкиш, англаш, ўқиганларини амалий тажрибада бевосита кўллаш малакаларини ўстиришга аҳамият берилади. Шу билан бирга, уларда объектив ҳаётдаги воқеа ва предметлар орасидан муҳимларини ажратиб олиш, белги ва хусусиятларига қараб уларни гурухлаштириш кўнкимаси ҳам тарбиялаб борилади, Шу боисдан ҳам, адабиётни бошқа гуманитар фанлар – она тили, тарих, тарбия, география ва эстетик йўналиш фанлари – тасвирий санъат, мусиқа билан боғлаб ўқитилади.

Биз қуйида адабиёт дарсларида тарих, тасвирий санъат ва мусиқа фани материалларидан фойдаланиш тажибасини ёритишни мақсад қилганимиз сабабли адабиётнинг бу фанлар билан алоқаси масаласига алоҳида тўхтамоқчимиз.

Адабиёт реал воқеликни бадиий образларда ифодалаши жиҳатидан тарих фани билан ниҳоятда яқиндир. Тарихий билимларсиз ёзувчи ижодини ёки унинг алоҳида олинган асарини тўлалигича тушуниш жуда қийин. М.Н.Нечкина таърифи билан айтганда, “тарих гуманитар билимларнинг хавосидир”<sup>29</sup>.

Ёзувчи ҳаёти ва ижоди у яшаб ижод этган даврдаги ижтимоий-сиёсий воқеалар билан чамбарчас боғланган бўлади. Шу сабабли ёзувчининг ҳаёти ва ижодий йўли у яшаган даврдаги тарихий воқеаларга боғлиқ ҳолда ўрганилади, адабий-тарихий жараён эса ижтимоий ва тарихий ҳодисалар инъикоси сифатида тушунтирилади.

Тарихийлик адабиёт ўқитишда асосий тамойил хисобланади. Тарихийлик тамойилида ижоднинг ривожи – ёзувчи ижтимоий биографиясининг қисми, асари у ёки бу давр адабиёти тараққиётидаги ҳодиса сифатида ўрганилади.

Бинобарин, тарихийлик тамойили ёзувчи ижодини санъатнинг бошқа турлари билан ҳам боғлиқ ҳолда ўрганишни тақазо қиласди.

Инсон идеали фақат ҳозирги даврда эмас, балки ўтмишда юз берган қаҳрамонона воқеалар ва тарихий шахслар фаолиятини ўрганиш жараёнида ҳам шаклланади.

Тарих дарсларида тарихий ҳодисаларни, шунингдек, тарихий шахслар фаолиятини баён этишда реал ҳужжатларга асосланилади. Ёзувчининг ҳаёти ва ижодини ўрганишда ҳам адабиёт ўқитувчиси аниқ далилларга, тарихий, бадиий манбааларга суюниши керак.

<sup>29</sup> Ўша манба. – Б.4.

Масалан, Алишер Навоий ва Захириддин Мұхаммад Бобур ҳаёти ва ижодини ўрганишда тарих дарсида ўтилган “ХV асрнинг охири – XVI асрнинг бошларида Мовароуннахр ва Хуросондаги сиёсий вазият”, “Ўзбекистонда маънавий ва тарихий мероснинг тикланиши”<sup>30</sup> бўлимидаги мавзуларга асосланиш, шоирларнинг мемуар шаклидаги асарларидан, замондошлари хотираларидан, улар ҳақида яратилган тарихий, бадиий асарлардан ўринли фойдаланиш ижобий натижалар беради.

Шунинг учун ҳам ўқитувчи ўқувчиларнинг дарсда олган билимлари асосида бу ўкув фанлари ўртасидаги алоқани аниқ англаб олишларига алоҳида эътибор берган ҳолда тарихий, бадиий асарлардан ўринли фойдаланади. Бунда ўқувчиларнинг ҳар бир давр учун аҳамиятли бўлган воқеалар, ҳодисалар ўртасида ҳам алоқа – боғланиш борлигини билиб олишларига эришиш – уларда илмий дунёқарашнинг шаклланиши ва ривожланишида муҳим аҳамиятга эгадир.

Санъат инсон руҳий холатининг энг нозик томонларигача забт этади. У фақат ҳис-туйғуларгагина таъсир этиб қолмасдан, инсон эрки ва мақсадини ҳам ифода этади. Шу ерда унинг ўз-ўзини англашни ривожлантириш, ахлоқий туйғуларни тарбиялаш ва дунёқарашни шакллантиришдаги энг муҳим аҳамияти кўзга ташланади. Шунинг учун шахсни ҳар томонлама баркамол инсон сифатида тарбиялашда санъат асарларидан фойдаланиш энг муҳим воситалардан бири ҳисобланади.

Бугунги кунда умумий ўрта таълим мактабларида санъатнинг анъанавий уч тури (адабиёт, тасвирий санъат, мусика)ни ўргатишдан фойдаланиб келинади. Ҳар бир санъат турининг алоҳида манбалари мавжуд бўлса-да, уларнинг асосий тилини белгилайдиган нарса бор. Бу образдир.

Образ сўзи ўзида ҳаётий маънодор ва жозибали мазмунларни мужассамлаштиради. Шунинг учун унга эстетик йўналиш фанларини ўқитиши жараённида дикқатни қаратиш жуда муҳимдир.

Ўқувчи, томошабин, тингловчи бадиий образ муаллиф томонидан унинг тасаввурлари асосида яратилишини билиши, адабиёт, тасвирий санъат, мусика асарларининг ўзаро алоқадорлигини, уларнинг мантикий ривожланиб боришини ҳис қилиши ва тушуниши зарур.

<sup>30</sup> Жўраев Н., Замонов А. Ўзбекистон таріхи (Мустакиллик даври). Ўрта таълим мактабларининг 11-синф ўқувчилари ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими мусассасалари учун дарслик. 1-нашрн. – Фағур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижоди уйи, Тошкент, 2018. – Б.95.

Адабий образларда акс эттирилган воқеалар ўқувчилар учун ҳаётда кўрганларининг умумлашмаси, натижаси бўлиши лозим. Мусаввирлик санъатида бевосита амалга оширилган бу жараён ёш томошабин учун кўриш шаклини идрок этишнинг натижаси яширинлигича қолади. Мусикада эса, бадиийлик мураккаб образлар тизимидан иборат бўлиб, ижро этилиши ўзига хос ифода воситалари – куй, гармония, полифония орқали амалга оширилади ва воқеаларни, ҳис-туйғуларни ўзича ривожлантиради.

Шунга қарамасдан, ҳар бир санъат ўзининг бой ифода воситаларига эга бўлиб, улар доимо бир-бири билан алоқада бўлади, бир-бирини тўлдиради.

Адабиётни мусика, тасвирий санъат билан ҳамкорликда ўрганиш бу санъат турларининг умумий табиатидан келиб чиқади, чунки буларнинг ҳаммаси ҳам ҳаётни образлар орқали акс эттиради. Санъат асарлари ўртасида умумийлик, ўхшашлик бор бўлгани ҳолда уларнинг фарқли томонлари ҳам мавжуддир.

Адабиёт – сўз санъати. Унинг қуроли сўздир, шу хусусияти билан у санъатнинг бошқа турларидан фарқ қиласди. Максим Горький таъбири билан айтганда эса, ёзувчи “тил воситаси билан характер яратади”.

Мусика – ҳис-туйғуларнинг тили. Ундаги энг асосий нарса кетма-кет интонация орқали уланиб кетадиган куйлардир. Куй киши рухиятига аста-секин таъсир қўшиб, танада ўзига хос ўзгаришлар ҳосил қиласди. Олий асаб силсиласи, бошқа аъзолар ҳовуридан тушади, ўзига келади, маромида ишлайди. Баъзи куйларнинг оҳангига, яъни маъносига қараб киши беихтиёр фикрлар, ҳиссиётлар оламига шўнгигб кетади. Куйлар борки, кишининг кучига куч қўшиб, оғирини енгил қиласди. Гоголь сўзи билан айтганда, “у – буткул эҳтирос, у кишини турган заминидан бирданига, бир йўла узиб олади-да, уни қудратли товушлар гулдуроси билан гангитиб қўяди ва шу ониёқ, ўз оламига мафтун қиласди. Мусика кишининг бутун асабига, унинг бутун вужудига гўё нозик пардаларга урилгандек азим куч билан урилиб, кишини бир бутун эҳтирос, ҳаяжонга айлантиради”.

Наим Каримов эса, лирика билан мусиканинг бир-бирига яқинлигини куйидагича таърифлайди: “Лирика ва мусика образли айтганда, санъатнинг Фотима ва Зухролари, унинг эгизак фарзандлари”<sup>31</sup>. Шундай экан, мусика билан лирика уйғунлиги

<sup>31</sup> Каримов Н. Ҳамид Олимжоннинг поэтик маҳорати. – Т.: Фан, 1964. – Б.52.

таассуротларни кучайтиради, ҳиссиётларни қитиқлайди, натижада санъатнинг энг мухим вазифаси амалга ошади.

Тасвирий санъат – бўёклар, чизиклар, овозлар тилидир. Нодир Норматов таъбири билан айтганда, “ранг тасвир ҳамиша инсон қалбини ташки олам билан боғлашда кўприк ролини ўйнайди. Бу кўприк нафис, мустаҳкам ва қонуний...”<sup>32</sup>.

Демак, санъатнинг турли тармоқлари ўз олдига қўйган вазифасини бажаришда ҳар хил воситалардан фойдаланади. Адабиётнинг қуроли сўз бўлса, мусиқачи турли-туман товуш ва оҳанглардан, мусаввир хилма-хил ранг ва бўёклардан, ҳайкалтарош ганч, тош, мармар ва бошқалардан фойдаланиб образ яратади. Бадиий адабиётда хаёт, воқелик ва кишилар ривожланишда, тараққиётда тасвирланади. Шу жиҳати билан адабиёт санъатнинг мусаввирлик ёки ҳайкалтарошлик каби турларидан фарқ қиласди. Чунки, расм ва ҳайкалда маълум лавҳа, ҳолат акс этади.

Хулоса қилиб айтганда, санъатнинг турлари бир-биридан фарқланса-да, улар воқеликни акс эттиришда ўзаро муштараклик хусусиятига эгадир.

Таълим жараённада фанлараро интеграцияни йўлга қўйиш воситаси сифатида адабиётни санъатнинг бошқа турлари билан уйғунликда ўрганиш юзасидан кўплаб тадқиқотлар олиб борилган бўлса-да, адабиёт ва санъат асарларининг яқинлиги тўлиқ тадқиқ этилди деган хулосани айтиб бўлмайди. Бу масаланинг назарий томонларини чукурроқ очиб бериш, адабиёт дарсларида санъат асарларидан фойдаланишнинг ўрни ва аҳамиятини акс эттирувчи қарашлар тамойилларини ишлаб чиқиши, энг самарали шароитларни аниқлаш ва улардан ўқитувчиларнинг унумли фойдаланишларини ташкил этиш жуда мухимлигини йирик методист олимлар ҳам таъкидламоқдалар.

Бизнингча ҳам, адабиёт дарсларида турли хилдаги санъат асарларидан фойдаланиш ўқув жараённини фаоллаштиришнинг энг мақсадли йўлларидан бири ҳисобланади. Бу психологик-дидактик тамойилда кўрсатилган “ўқитиш ўқувчилар тасаввури, ҳис-туйгу органлари, англаш фаолиятининг ҳар томонлама ривожланишига таъсир этиши керак”лиги ҳақидаги фикрларни тасдиқлади.

Ўқувчи шахсининг ҳар томонлама ривожланиши учун санъатнинг фақат бир тури билан эмас, бошқа турлари билан ҳам таништириб бориш катта аҳамиятга эгадир.

<sup>32</sup> Норматов Н. Камалак яшайдиган ўй: Ҳужоқатли кисса: Кичик ва ўрта мактаб ёшидаги болалар учун. – Т.: Юлдузча, 1989. – Б.77.

Бола тафаккури икки, баъзан уч турдаги санъат асарларини қабул қилиш қобилиятига эга. Айниқса, бу ҳолат адабиёт дарсларида бадий асар таҳлили жараённида ёрқинроқ намоён бўлади. Кўплаб назарий манбаларда ҳам бу педагогик жараённи қуидагича юқори баҳоланган: “Агар пайдо бўлган тасаввур олдинги ҳолатнинг такрорланиши бўлса, бундай ҳолда у фақат хотираидаги одинги изни чукурлаштиради ва жадаллаштиради... Лекин тасаввурда олдин учраган бир қанча, шу билан бирга, олдин бўлмаган таркибий қисмлар бўлса, у ҳолда мутлақо янги ҳолат юзага келади: ўхшаш белгилар, бир хил таркибий қисмлар бир-бирига мос келади, бир-бирини кучайтиради ва шу билан бирга, янги тасаввурлардаги ҳар хил томонларни бир-бирига маҳкам боғлайди”.

Дарсда санъат асарларидан фойдаланиш эмоционал муҳит ва рухни ҳосил қиласди. Чунки ҳис-туйгулар бекиёс даражада бой бўладики, сўз билан ифодалаб бўлмайдиган туйгуларни мусиқа ёки тасвирий санъат орқали чуқур ва аниқ ифодалаб бериш мумкин.

Турли хилдаги санъат асарларидан дарс жараённида фойдаланиш синфда эмоционал муҳит, рух ҳосил қилибгина қолмасдан, ўрганилаётган матнни чуқур тушуниб етишга ҳам хизмат қиласди. Бизнингча, бу масалани логик ва эмоционал жиҳатдан тўғри ҳал қилиш учун ҳар бир адабиёт ўқитувчиси ўз тажрибасида ўқувчиларга матнни чуқур тушуниш, ижодий ўқиш, имкони борича тасаввур эта олишларини ўргатиб боришга ҳаракат килиши керак. Турли санъат асарлари, жумладан, мусиқа тасаввурларни кенгайтиришга, фаҳмлаш, тафаккур ва ҳис-туйгуларнинг ривожланишига хизмат қиласди. Энг муҳими, инсон ривожланган тафаккур, фантазияга эга бўлмаган тасаввур билан ижодий фикрлай олмайди.

Демак, адабиёт дарсларида фанлараро интеграцияни йўлга қўйиш воситаси сифатида турли хилдаги санъат асарларидан фойдаланиш ўқувчиларнинг бадий дидини шакллантиришда, эстетик жиҳатдан тарбиялашда катта роль ўйнайди. Бизнинг фикримизча, юқорида айтилган фикрларни адабиёт дарсларининг турли босқичларида, ўрни билан амалга оширилгандагина кутилган натижага эришиш мумкин бўлади, акс ҳолда, дарс зерикарли, тартибсиз, ноизчил бўлиши ҳам мумкин.

Бадий асарда ифодаланган ёки ёзувчи яшаган тарихий давр ҳақида гапиргандга, кириш дарсларида, асарни ўқиш ва таҳлил қилиш жараённида, алоҳида образ устида ишлаш вактида, якунловчи дарсларда тасвирий санъат асарларидан фойдаланиш ўринли бўлади.

Давр рухи, ғоясими ифодалаш учун мусиқадан ҳам фойдаланиш мумкин.

Маълум бир матн ёки адабий қаҳрамон образи устида ишлаш жараёнида мусиқага мурожаат қилиш мумкин.

Матнни таҳлил қилиш жараёнида мусиқадан фойдаланиш ўқитувчидан жуда катта маҳорат талаб қиласи. Чунки матннинг ўзига хослиги мусиқадан фойдаланишнинг шакл ва характеристики ўзгартириб юбориши мумкин.

Адабий қаҳрамон образи устида ишлаш жараёнида мусиқага мурожаат қилинганда, қаҳрамоннинг ҳаётида санъатнинг ўрни ва роли, бадиий диди, характеристики ва қарашларидаги ўзаро боғлиқлик каби масалаларга эътибор қаратилади. Дарснинг ҳамма босқичларида ҳам санъат асарларидан унумли фойдаланиб бўлмайди. Баъзан тасвирий санъат асарларидан, баъзан мусиқадан, баъзан ифодали ўқишдан фойдаланилади.

Масалан, лирик асарларни ўрганиш жараёнида расмлардан фойдаланиш ҳолати кам учрайди, аксинча, насрый асарлар таҳлилида мусиқа камроқ қўлланади. Бизнингча ҳам, мусиқа ва шеърият ҳамоҳанг бўлганлиги учун лирик асарларни таҳлил қилиш жараёнида мусиқадан фойдаланиш ўринли ва самарали бўлади.

Дарс ва дарсдан ташқари ишлар жараёнида турли фан материалларидан уйғун ҳолда фойдаланиш муҳим педагогик жараён бўлиб, у мавзу характеристига, дарсни ташкил этиш шаклига, қўйилган мақсадга караб амалга оширилади.

Синфдан ташқари ишларни ташкил этишда турли фан (тариҳ, география, биология, мусиқа тасвирий санъат, меҳнат таълими, жисмоний тарбия, психология) материалларидан уйғун ҳолда фойдаланиш жуда бой имкониятларга эгаки, бу ҳақдаги фикрларни алоҳида мавзу сифатида батафсил ёритиш мақсадга мувофиқ.

Фанлараро алоқадан унумли фойдаланиш хисобига ташкил этилган дарс оддий дарсдан жуда катта фарқ қиласи. Чунки дарс жараёнида фанлараро алоқалардан фойдаланиш ўқитувчидан педагогик маҳорат, машақкатли меҳнат, кучли қизиқиш талаб қилиш билан бирга, ундан бу тадбирни амалга ошириш учун қўйиладиган дидактик талабларни билишни ва уларни тўғри амалга оширишни ҳам тақозо этади.

Бу дидактик талаблар қуйидагилар<sup>33</sup> :

<sup>33</sup> Беленъкий Г.И. О сущности и видах межпредметных связей. – В кн.: Некоторые теоретические и практические аспекты межпредметных связей. – М., 1982. – С.120-123.

1. Фанлараро интеграцияга асосланган дарсда бошқа фан материалларидан фойдаланишнинг мақсади ва вазифалари аниқ белгилаб олиниши керак.

2. Бундай дарслар жараёнида ўқувчиларнинг фаоллиги юқори даражада бўлиши таъминланиши зарур.

Ўқитувчи ўзининг нутқида бошқа фанлардан олинган материалларни такрорламаслиги лозим. Фанлараро интеграциянинг мақсади ўқувчиларнинг турли фанлардан олган билимларини янги савол-топшириклар асосида мустакил баён этишларига эришишни таъминлашдир. Бунинг учун дарснинг кириш қисмида ёки янги материални баён этиш жараёнида турли фанлардан эгалланган билимларни эслатиш учун такрорлаш сұхбатлари уюштирилади; турли фанлардан олган билимларни эслаб келишни олдиндан вазифа қилиб топширилади; синфда амалга ошириладиган оммавий ўқув ишларида якка-якка ёки оммавий топшириклар (қизиқишлиларига қараб, танлаб олиш ва албатта бажариш шарти қўйилган ҳолда) билан таъминлаш; турли фанлардан олинган билимларни умумлаштиришда синфдан ташқари ишлардан фойдаланилади.

3. Фанлараро интеграцияни йўлга қўйища воқеаларнинг ўзаро алоқадорлиги сабабларини тушунтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилиши мақсадга мувофик.

4. Фанлараро интеграция асосида ўтилган дарс турли фанлар алоқасига асосланилган билимларнинг дунёқарашни шакллантириш ва хулосаловчи вазифаси мазмунини сақлаши, ўқувчилар ҳам бундай объектив хулосалар турли фанлардан олинган билимлардан фойдаланиш орқали вужудга келишини хис қилишлари лозим.

5. Фанлараро интеграцияга асосланган дарс ўқувчиларда ижодий муносабатларни шакллантириши, уларда турли фанлардан эгалланган билимларнинг ўзаро боғлиқлигини билишга қизиқишиларини уйғотиши керак.

Бу эса қуидагиларни талаб қиласи:

фанлараро интеграция асосидаги топширикларнинг ўқувчилар кундалик ҳаёти, уларнинг амалий фаолияти билан узвий боғлиқлигига эътибор беришни;

фанлараро интеграция мазмунидаги ҳисоблаш топширикларини бажаришни;

фанлараро интеграция асосидаги амалий, мустакил, ижодий ишларни бажаришни;

бошқа фанларга доир күргазмали қуроллардан, илм-фаннынг замонавий ютуқлари билан тұлдирилган илмий-оммабоп, құшимча адабиётлардан фойдаланиши.

Әңг асосийси – үқувчиларнинг бошқа фанларга бүлған қизиқишиларини кучайтириш учун мустақил ишларни ташкил этиш жараёнида уларнинг билимларини такомиллаштириш ва мустаҳкамлашга эътиборни қаратищдир.

6. Фанлараро интеграцияга асосланған дарс бир-бирига яқын бүлған турли фан дарслерлерининг үқув материалларидан ажратиб олинған манбаларни асослаб бериши зарур. Шунинг учун фанлараро интеграциянынг асосий вазифасини таъминловчы үқитиши ташкил этишининг турли хил шакллари: фанлар үйғуналишидаги үй вазифалари топшириш, тақрорлаш-мустаҳкамлаш, маъруза, конференция, семинар, баҳс, комплекс, онлайн, видео, тақдимот, “Жажжи тадқиқот”, онлайн учрашув, саёҳат дарслари ташкил этиш; адабий кечалар, саёҳатлар уюштириш каби синфдан ташқари табдирлардан кенг фойдаланиш зарур.

Биз ҳам юкоридаги фикрларга күшилған ҳолда шуни таъқидлашни истардикки, бу умумий дидактик талаблар таълим жараёнидаги барча үқув фанлари дарсларига тааллукли бўлиб, адабиёт дарсларидаги фанлараро интеграцияни йўлга қўйиш жараёнида ҳам буларга амал қилиш зарур.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, фанлараро интеграцияни йўлга қўйишда муваффиқиятларга эришиш фақат үқитувчиларнинг маҳоратигагина эмас, балки үқув дастурлари ва дарслерлерига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқки, бу муаммоларни тадқиқ этиш ва умумий ўрта таълим мактаблари турли фан үқитувчиларнинг ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш бўйича олиб борилаётган изланишларни ривожлантириш таълим сифати ва самарадорлигини таъминлаш учун хизмат киласи.

**ИККИНЧИ БОБ  
АЛИШЕР НАВОЙ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИНИ ЎРГАТИШ  
ЖАРАЁНИДА ФАНЛАРАРО ИНТЕГРАЦИЯДАН  
ФОЙДАЛАНИШ**

**2.1. Алишер Навоий таржимаи ҳолини ўргатишда Ўзбекистон тарихи материаллари, тарихий, бадиий, тасвирий санъат ва мусиқа асарларидан фойдаланишнинг ўрни.**

Алишер Навоий таржимаи ҳолини ўргатишда фанлараро интеграцияни амалга ошириш ва ўқувчиларнинг ўзбек мумтоз адабиёти бўйича чуқур билим олишлари учун, аввало, ўқитувчиларнинг ўзи шоир ҳақида кенг маълумотга эга бўлиши, ҳаёти ва ижодининг энг нозик нуқталаригача ўрганиб чиқиши, қўшимча илмий, бадиий, услугубий манба ва дарслик, қўлланмаларни пухта билиши зарур.

Бизнингча, Алишер Навоий таржимаи ҳолини ўрганиш жараёнида куйидаги манбаларга суюниса, мақсадга мувофиқ бўлади:

- а) ўзининг асарларига;
- б) замондошларининг асарларига ва “Ўзбекистон тарихи” дарсликларига;
- в) ёзувчи ҳақидаги илмий асарларга;
- г) дарсликка;
- д) адабиёт ва санъат вакилларининг асарларига.

Ёзувчи таржимаи ҳолини ўргатишда энг асосий манбалардан бири унинг автобиографик асарларидир. Бундай асарлардан парчалар ўқиб бериш, бир томондан, ўқувчига ёзувчига нисбатан муҳаббат уйғотса, иккинчидан, унинг автобиографик асарларини ўқишга замин хозирлайди.

Шуни назарда тутган ҳолда, Алишер Навоий таржиаи ҳолини ўрганиш ишини илмий ва методик жиҳатдан тўғри ташкил этиш учун ўқитувчи, аввало, шоир асарлари, хусусан, улардаги автобиографик ўринларни, шунингдек, унинг ўз ижоди ва айрим асарлари ҳақидаги фикрларини аниклаб олган бўлиши керак. Бундай ўринларни Алишер Навоийнинг деярли ҳамма асарларидан топиш мумкин. “Лисонуттайр” нинг хотима қисмидаги шоирнинг болалик чоғида “Мунтиқуттайр”ни ўқиганлиги ҳақидаги маълумот, “Мажолисун-нафоис” асаридаги шоирнинг ўз даври шоирлари ва адиллари (масалан, Шарофиддин Али Яздий, Лутфий, Биной ва бошқалар) билан, “Хамсатул-мутаҳайирин” асаридаги Абдураҳмон Жомий билан муносабатлари ҳақидаги хотиралари, барча асарларининг муқаддима

ёки хотима қисмida шу асарнинг ёзилиш тарихини баён қилувчи маълумотлар шулар жумласига киради.

Қатор Давлат мукофоти соҳиби Рazzоқ Ҳамраев Алишер Навоий образини яратишдаги машаққатларини куйидагича хотирлайди:

“Буюк гуманист шоир, ўз замонасинг акл-идроқи, улкан мутафаккири, ҳалқпарвар ҳамда сиёсатдан давлат арбоби Алишер Навоийнинг ҳаққоний сиймосини гавдалантириш накадар мураккаб, масъулиятли вазифа эканлигини яхши англар эдим, – деган эди Рazzоқ Ҳамраев, – Навоийнинг улуғлиги факат ҳалқимизга эмас, балки ҳамма қитъалар ҳалқига ҳам озми-кўпми маълум. Мақсадим-кишилар тасаввуридаги ана шу тарихий сиймонинг тирик тасвирини чизиш, жонлантириш, томошабинда Навоий образига нисбатан чукур ишонч тугдириш эди....

Алишер Навоий ва унинг замонига алоқадор бўлган тарихий китоблар, обидалар, рисолалар, ривоятлар, қиссалар, назарий ҳамда адабий асарлар дунёсига шўнгигиб кетдим. Образ яратилгунча бу дунёдан ажралмадим. Навоий яшаган даврнинг кескин мухитини, оғир нафасини чукур хис этдим, ўша замондаги сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий зиддиятларнинг келиб чиқиш сабабини давримиз талаби нуқтаи назаридан яхшироқ билиб олишга интилдим, қаҳрамонларнинг ана шу шароитдаги ҳаётини, фаолиятини, тирикчилигини ўнлаб-юзлаб тасаввуримдан ўтказдим. Натижада, Навоий ва у яшаган давр тўғрисида маълум тушунчага эга бўлдим. Хусусан, улуғ мутафаккир ўз замонасида кечирган фожианинг туб сабабини охирига қадар тўла аниклаш учун жиддий изланишлар килишга тўғри келди. Чунки шоир кечган фожианинг сабаби – образнинг ўзаги, уни ҳаракатга келтирувчи куч эди. Навоий фожиасининг сабаби эса – у ўйлаган ва умид боғлаган олижаноб, муқаддас ниятларнинг пучга чиққанлигидир. То шу сабаб тўла-тўкис аникланмагунча Навоий образи хосил бўлмади....”<sup>34</sup>.

Рazzоқ Ҳамраевнинг ушбу гапларидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ўқувчиларга Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижоди, у яшаган давр ҳақида чуқурроқ тушунча бериш учун ҳам “шоирлар замонига алоқадор бўлган тарихий китоблар, обидалар, рисолалар, ривоятлар, қиссалар, назарий ҳамда адабий асарлар дунёсига шўнгигиб кетиш”, вақтинча “Алишер Навоий яшаган даврнинг кескин мухитини, оғир нафасини чукур хис қилиш”, “ўша замон зиддиятларининг келиб чиқиш сабабларини билиб олиш”, унинг “шу шароитдаги ҳаётини, фаолиятини, тирикчилигини ўнлаб, юзлаб тасаввурдан ўтказиш”

<sup>34</sup> Жўраев Ф. Ҳамон барҳаёт ижод. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 1991. 8 март.

зарур. Бунинг учун улуғ боболаримиз ҳақидаги тарихий, бадиий манбаларга кўпроқ мурожаат қилинади.

Улуғ боболаримиз замондошлари бўлган тарихчилар ҳамда адибларнинг уларга бағишлиган асарлари таржимаи ҳолни ўрганишда мурожаат қилиниши лозим бўлган ғоят муҳим материалларни беради. Хондамирнинг “Макоримул-ахлоқ (“Яхши хулклар”), “Ҳабибус-сияр” (“Суюкли хислатлар”), “Хуласатул-ахбор” (“Воқеалар хуласаси”); Давлатшоҳ Самарқандийнинг “Тазкиратуш-шуаро” (“Шоирлар тазкираси”), Заҳиридин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома”, Восифийнинг “Бадоеъул-вақоёй” (“Гўзал воқеалар”) асарлари шулар жумласидандир.

Бу тарихий, бадиий асарлар шоирлар таржимаи ҳолининг маълум томонларини очиб беришда тарихий ҳақиқат асосида юзага келган ҳикоят ва ривоятларга, хотираларга суяниб яратилган бўлса-да, ўша даврдаги ижтимоий-сиёсий ҳаёт, илмий, маданий муҳит, ҳалк санъатини ўрганишда ҳам ноёб манба ҳисобланади.

Алишер Навоий яшаган давр ҳақида аниқ ҳамда тўлиқрок маълумот олиш учун 7-, 8-синф ўқувчилари учун мўлжалланган “Ўзбекистон тарихи” дарслигига, Ўзбекистон ФА Тарих ва археология институти томонидан нашрга тайёрланган Ўзбекистон тарихи 4 жилдлигидаги баъзи маълумотларга мурожаат қилиниши энг маъкул имкониятлардан бири саналади.

Ўқитувчи шоир таржимаи ҳолини ўргатишга бағишлиган дарсда бу манбаларга асосланибина қолмай, айни вақтда уларни дарс давомида ўрни билан бир-бирига қиёслаб фойдаланиши лозим. Бундай ҳолат дарснинг жонли ва қизиқарли ўтишига, ўқувчиларда шоир таржимаи ҳолига оид кўлгина масалалар ҳақидаги фикрларга ишонч ҳосил қилишга ёрдам беради.

Адабиёт ўқитувчиси ўзбек, шунингдек, қардош ҳалқлар адабиётшунослигининг шоирлар ҳаёти ва ижодини ўрганиш соҳасида эришилган ютуқлари билан ҳам таниш бўлиши керак<sup>35</sup>.

<sup>35</sup> Бертельс Е.Э. Навоий. – М.-Л., I-я. тип. Изд. АН. СССР в Л-де., 1968.. Навоий дахоси. Мақолалар. Бадиий адабиёт нашриёти. – Т., 1970.. Султонов И. Навоийнинг қалб дафтари. – Ўзбекистон адабий нашр. – Т., 1968.. Ойбек Навоий гулшали. Навоий ҳақидаги мақолалар. – Т.: Бадиий адабиёт нашриёти, 1967.. Ҳакимов М. Алишер Навоий лирикаси ва ҳалк оғзаки ижоди. – Ўзбекистон: Фан, 1979.. Санъатшунослик илмий текшириш институти. Навоий сўзига мусикалар. Нашрга тайёрловчи Акбаров И. Ўзбекистон Давлат нашриёти, 1949.. Ҳаққулов И. Занжирбанд шер кошида. – Т.: Юлдузча, 1989.. Ахмедов Н. Тарихий шахс талкини: Рисола. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989.. Алишер Навоий. Муножот – Т.: Fafur Fулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991.. Алишер Навоий. Газаллар, шархлар. – Тошкент.: Камалак, 1991.. Алимов П. Тарих, шахс, бадиа. – Т.: Ўзбекистон, 1991..

Шундагина у Алишер Навоий таржимаи ҳоли ҳакида унутилмас тасаввур ҳосил қиласи. Бу каби асарларда баён қилинган илмий хулосаларни ўкувчилар онгига мумкин қадар соддалаштирилган, ихчам ҳолда етказилиши лозимлиги ўз-ўзидан маълум бўлиб, ўқитувчидан анча маҳорат ва изланишни талаб этади.

Республикамиз мактабларида ўтказилган тажриба-синовлар давомида Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини муваффақиятли ўрганишда, улар ҳакидаги маълумотларни ўкувчилар онгига сингдиришда қўргазмали материаллар сифатида тасвирий санъат асарларидан фойдаланиш ва уларни шарҳлашда боболаримиз тўгрисида яратилган тарихий, бадиий асарлардан олинган парчаларни ўрни билан қўллаш катта ёрдам берди.

Шахсий кузатишлар, ўқитувчи ва ўкувчилар билан бўлган сухбатлар, анкета саволларига олинган жавобларга асосланиб, шу хулосага келдикки, адабиёт фани ўқитувчилари адабиёт билан санъатнинг ўзаро алоқадорлигига жуда ҳам кам эътибор берадилар, улуг бобомиз ҳаёти ва ижодини бўёқ ёрдамида акс эттирган таникли мусаввирларимизнинг санъат асарлари билан тўлиқ таниш эмаслар, таниш бўлганларида ҳам унинг моҳиятини, ундан дарснинг қайси ўринларида, қандай ҳолатда фойдаланишни амалга оширишда кийналадилар.

Шуларни ҳисобга олиб, Алишер Навоий сиймосини гавдалантирган мусаввирлар ҳамда уларнинг асарлари ҳакида маълумот беришни лозим деб ҳисоблаб, Тошкентдаги 241-мактабнинг тажриба синф

Ўролов А., Сувонқулов И. Алломалар олами. – Т.: Ўзбекистон, 1991., Махкамов А., Содиков Х., Суратларда Ватан тарихи. – Т.: Юлдузча, 1990., Алишер Навоийнинг табаррук дастхати. – Буклет. – Т.: Faafur Fулом номидаги нашриёт-матбаса бирлашмаси, 1991., Аъзамов А. Шеърият даҳоси – Оллоҳ инъоми. – “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 2001, 2 февраль., Ибратли хикоятлар ва хислатли хикматлар. Нашрга тайёрловчилар А.Тилавов, И.Сайдуллаев. – Т.: Sano - standart нашриёти, 2016., Ҳондамир. Макоримул аҳлок. Faafur Fулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти. – Тошкент, 1967., Эл деса Навоийни ... (Ҳазрат Мир Алишер Навоий ҳакида ривоятлар) . – Т.: Чўлон, 1991., Fулом Faafur. Муқаммал асарлар тўплами. 12 томлик{ Масъуль муҳаррир С.Эркинов]. З - том. – Т.: Фан, 1984. Қаюмов Азиз. Алишер Навоий (Шоир ҳаёти ва пижоди ҳакида лавҳалар). – Тошкент, 1976., Алишер Навоийнинг адабий маҳорати масалалари. – : Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг “Фан” нашриёти, 1993.. Ҳожнахмедов А. Навоий арузи нафосати. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг “Фан” нашриёти, 2006.. Исоков Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Т.: O'zbekiston, 2014.. Воҳидов Э. Сўз латофати. – Т.: O'zbekiston, 2014.. Юнусов М., Саидов М. Ўзбекистон меъморий ёдгорликлари. – Т.: Наврӯз, 2018.. Буюк юрт алломалари [Матн] / Тузувчи ва нашрга тайёрловчи У. Уватов; Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Ўзбекистон мусулмонлар идораси. Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази. Учинчи нашр. – Т.: O'zbekiston, НМИУ, 2020.. Sirojiddinov Sh., Yusupova D., Davlatov O. Navoiyshnoslik [Матн] Q. I.: Darslik / Sirojiddinov Sh. [va boshq.]. – Тошкент: TAMADDUN, 2018.

(IX“в”) ўқувчиларининг пойтахтдаги Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейи кўргазмалари асосида тузган рўйхатлари намунасини келтирамиз.

<b>№</b>	<b>Мусаввирнинг фамилияси ва исми</b>	<b>Тасвирий санъат асарининг номи</b>
1	Абдулаев А.	“Алишер Навоий”
2	Абдуллаев Л.	“Навоий қурилишда”
3	Абдураҳмонов Г.	“Алишер Навоий”
4	Аҳмаров Ч.	“Алишер Навоий” “Абдураҳмон Жомий”
5	Бобоев Б.	“Алишер Навоий ва Ҳусайн Бойқаро мактабда”.
6	Воронский М.	“Алишер Навоий”
7	Ган Г.В.	“Навоий қўзғолончилар орасида”
8	Икромов И. Воронкин П.Д.	“Навоий сайдра”
9	Кайдалов В.Е.	“Алишер Навоий”
10	Кедрин	Минатюра услубида ишланган
11	Кириакиди И.	“Навоий мадраса қурилишида”, “Навоий”
12	Кузнецов В.	“Навоий дағн маросими”
13	Муҳамедов С.	“Алишер Навоийнинг Ҳусайн Бойқаро билан сўнгги марта учрашуви”
14	Набиев М.	“Алишер Навоий ва Абдураҳмон Жомий”
15	Назаров А.	“Навоий ва Ҳусайн Бойқаро Абдулқосим Бобур хизматида”
16	Петров А.	“Алишер Навоий “Хамса” устида ишламоқда”
17	Саъдуллаев Т.	“Навоий ва Беҳзод”
18	Уста Мўмин	“Навоийнинг Астрободга келиши”
19	Цигленцев А.	“Навоийнинг Шарофиддин Али Яздий билан учрашуви”, “Навоий Ҳусайн Байқародон Астрободга жўнаш хақида фармон олмоқда”.
20	Эминов К.	“Улуғбек мадрасасида Алишер Навоий шеър ўқимоқда” “Навоий ва Жомий шайх Низомий хузурида”.
21	Қўзибоев Н.	“Алишер Навоий Ҳусайн Бойқаро хузурида”

## Ҳайкалтарошлиқда:

1	Дитрих Л.	Алишер Навоий ҳайкали
2	Крымская А	Алишер Навоий бюсти

Бадиий адабиётда Алишер Навоий образини акс эттирган асарлар анчагина ташкил қилади<sup>36</sup>.

Агар улуғ боболаримизнинг ҳаёт йўли бир забардаст китоб бўлса, санъаткор ва ёзувчилар шундан фақат бир варагинигина ёритиб, шу йўл билан бўлса ҳам, улуғ бобомиздек баҳри мухитдан бир ирмок чиқариб, унинг мўъжизакор сувидан халқимизни баҳраманд этиш шарафига эришган бўлсалар, биз, ўқитувчилар ҳам ана шу мўъжизакор сувнинг томчилари билан ўқувчиларни таништира олсан деган эзгу ниятда ушбу ишга киришдик.

Биз кўп йиллар давомида тажриба-синов ишлари олиб борган Тошкентдаги 241-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Баҳодирова Мамлакатхон юқоридаги талаб ва манбаларни чуқур ўрганиб чиқиб ҳамда уларга амал қилган ҳолда Алишер Навоий таржимаи ҳолини ўрганишга багишланган машгулотнинг мазмуни ва тузилишини аниқ белгилаб олди. Гарчи, мактаб дастурида Навоийнинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш учун 2 соат белгиланган бўлса-да, у шоир ҳаётининг катта тарбиявий аҳамиятини ҳисобга олиб, унинг фаолиятини кенгрок ёритиш мақсадида ва бизнинг тавсияларимизга асосланиб, 3 соат вақт ажратди ва уни қуидагича тақсимлади<sup>37</sup>.

I соат:

1. Алишер Навоий ҳақида кириш сўз.
2. Навоийнинг оиласи: отаси, тогалари ҳақида маълумот.
3. Алишернинг болалиги. Шарофиддин Али Яздий ва Алишер.
4. Дастлабки шеърлар. Лутфий Навоий ҳақида.
5. Навоий Абдулқосим Бобур саройида.
6. Абусаид ва Навоий.
7. Навоий Самарқандда.

II соат:

1. Навоий – давлат арбоби. Унинг ижтимоий-сиёсий ва маданий фаолияти.

<sup>36</sup> Ойбек Навоий. – Тошкент: Ўқитувчи, 1985., Л.Бать. Ҳаёт бўstonи. Алишер Навоий ҳақидағи повесть. – Тошкент: Ёш гвардия, 1968., Миркарим Осим. Зулмат ичра нур. Хикоялар. – Тошкент: Ёш гвардия, 1968., Мақсуд Шайхзода. “Алишер Навоий” балладаси. Асарлар. 6 томлик. 4-том. – Т., 1972., Уйғун. Иззат Султон. “Алишер Навоий” пьесаси. Мухтор. Омон. Навоий ва рассом Абулхайр: Романлар. – Т.: Шарқ, 2006..

<sup>37</sup> Тавсия килинаётган усулларни талқиқотчи ўзининг 37 йиллик фаолияти давомида тажрибадан ўтказган.

2. Навоий ва ўзбек адабий тилининг тараққиёти.
3. Навоийнинг ўзбек адабиётини ривожлантириш учун кураши. Жомий ва Навоий. “Хамса” нинг яратилиши.

III соат:

1. Навоий Астрободда. “Хазойинул-маоний” нинг яратилиши.
2. Навоий ҳаётининг сўнгги даври.
3. Адабиёт ва санъатда Навоий образи.

Дарсликда “Адабиёт ва санъатда Навоий образи” энг сўнгги машғулотда ўрганилиши кўзда тутилган. Аммо ўқитувчи бизнинг маслаҳатимиз билан бу мавзуни шоир таржимаи ҳолини ўрганиш машғулотининг 3-соатида ўтишни режалаштириди. Чунки бу машғулот шоир таржимаи ҳолининг якунига бағишлиланган бўлиб, унинг вафотидан сўнг қайғуга тушган ўқувчилар Навоий адабиёт ва санъатимизда доимо барҳаётлигини ҳис этади, дарснинг таълим-тарбиявий ва адабий аҳамияти ошади. Бу эса, ўз навбатида кейинги машғулотларнинг, синфдан ташқари тадбирларнинг муваффақиятли ўтишига замин ҳозирлади.

Алишер Навоий таржимаи ҳолини ўргатишда қўлланиладиган асосий метод маъruzadir. Лекин маъруза жонли сухбат, савол-жавоб, ахборот коммуникацион воситалари асосидаги лавҳалар орқали бойитилади. Зотан, ўқитувчининг мазмунан бой, методик жиҳатдан пухта ўйлаб тузилган, ёркин далиллар, ихчам ва аниқ ҳулосалардан иборат бўлган маъруzasигина кузатилган натижани бера олади.

Ўқитувчи Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди ҳақидаги маъруzasини куйидагича режалаштириди:

1. XIV-XVI асрларда ижтимоий ва маданий ҳаёт (Ўқувчиларнинг шу мавзудаги обзор маърузадан ва Ўзбекистон тарихи дарсидан олган билимларини ёдга тушириш ва мустаҳкамлаш мақсадида савол-жавоб асосида).

2. Навоий портрети устида сухбат.

3. Навоийнинг болалик йиллари:

а) ота ва онаси; б) зийрак гўдаклик; в) Ирокқа сафар;

4. Навоийнинг ўқиши йиллари:

а) Ҳиротга қайтиш;

б) “Куш тили” мутолааси;

в) Эрта уйгонган ижод;

г) Лутфий билан учрашув;

д) Абдулқосим Бобир хизматида;

ж) Машҳадда ўтган йиллар.

5. Алишер Навоий ва шоҳ Абусаид муносабатлари.
6. Навоий Самарқандда.
7. Алишер Навоий Ҳусайн Бойқаро хизматида:
  - а) муҳрдорлик, сўнгра вазирлик мансаби;
  - б) фан ва маданият ривожига ҳомийлик;
  - в) юрт ободончилиги учун кураш;
  - г) сарой интригаларининг кучайиши.
8. Буюк “Хамса” нинг майдонга келиши.
9. Навоий Астрободда:
  - а) Навоий душманларининг қабиҳ ниятлари;
  - б) Навоийнинг Астрободга сургун қилиниши;
  - в) “Ҳазойинул-маоний” нинг тартиб қилиниши;
  - г) суиқасд.
10. Навоий ҳаётининг сўнгги йиллари:
  - а) яна Ҳиротда;
  - б) шоҳ салтанати теварагидаги янги можаролар, ифбо ва фитналарнинг буюк шоирга таъсири;
  - в) яна қизғин ижодга берилиши;
  - г) шоирнинг сўнгги куни;
  - д) Ҳирот мотамда.

11. Навоий образи адабиёт ва санъатда (бадиий адабиёт, театр, кино, тасвирий санъат, мусиқа ва ҳайкалтарошлиқ каби санъат турларида Навоий образига бағишлиланган энг яхши мавзулар).

Бу режа ўкувчиларга тақдим қилиниб, маъруза давомида маҳсус экранда намунали слайдлар орқали тақдимот шаклида намойиш этиб турилади. Бу ўкувчиларнинг маъруза мазмунини ўзлаштиришини осонлаштиради, маъруза қисм ва бўлими, ҳар бир масаланинг чегарасини аниқ белгилайди, ўз навбатида ўкувчиларнинг ёзувчи ҳаёти ва ижоди юзасидан китоб мутолааси, мустақил-ижодий ишлари ҳамда ўқитувчи томонидан қўйиладиган саволларга жавобларининг аниқ ва ихчам бўлиши учун хизмат қиласди.

Ўқитувчи кириш сўзини бошлашдан аввал ўтилган мавзуни сўраш учун қуйидаги саволлар ва топшириклардан фойдаланди:

1. XIV-XVI асрлардаги ижтимоий ва маданий ҳаёт ҳақида қисқача маълумот беринг.
2. Бу давр ҳақида яратилган қандай тарихий, бадиий асарларни биласиз? Улардан қайсиларида Алишер Навоийнинг буюк инсоний фазилатлари ёритилган?
3. Улуғбекнинг буюк хизматлари нимада деб хисоблайсиз?

4. Буюк тарихий шахс сифатида Алишер Навоий ҳақида билганларингизни гапиринг.

5. “Доно Навоий”, “Эл деса Навоийни” тўпламидаги афсона ва ривоятларда Навоий шахси қандай талқин қилинган?

Бу каби савол ва топшириклар ўқувчиларнинг ўтилган дарсдаги обзор маъруза ва Ўзбекистон тарихи дарсидан олган билимларини эслатиш ва мустаҳкамлаш учунгина хизмат қилмай, балки ўтилажак мавзууда ўқитувчи қайси тарихий далилларга кўпроқ диккатни қаратиши лозимлигини, қайси ўринларни тақорорлаш шарт эмаслигини аниқлаб олиши ва дарснинг изчил, қизикарли ҳамда мазмунли ўтиши учун ҳам замин ҳозирлайди.

Биз ўз кузатишларимиз жараёнида шундай дарсларнинг ҳам гувоҳи бўлдикки, ўқитувчилар Ўзбекистон тарихи материалларига, улардан адабиёт дарсларида фойдаланиш масаласига зътибор бермайдилар; кўпчилик қисмлари эса, қуруқ далилларни тақорорлаб, дарснинг зерикарли, савиясиз бўлишига сабабчи бўлмоқдалар.

Бизнинг фикримизча, “Ўзбекистон тарихи” фанининг ўқитилиши масаласидаги ютуқларга таянган ҳолда “Адабиёт” дарслиги талабларидан келиб чиқиб, ўз тарихимиз, маданиятимизга кўпроқ, зътиборни қаратавериш ҳам факат ижобий натижалар беради.

Юқоридаги саволларга ўқувчиларнинг жавоблари шуни кўрсатдики, улар XIV-XVI асрлардаги ижтимоий ва маданий ҳаёт ҳақида маълум тушунчага эгалар. Улуғбек ва Алишер Навоийнинг буюк хизматларини фақат фан, маданият, адабиётимизнинг равнакига катта хисса қўшган олим, шоир, инсонпарвар, адолатли инсон сифатида баҳоладилар, холос. Бу даврда яратилган тарихий, бадиий асарлар ҳақида етарли тушунчага эга эмасликлари маълум бўлди.

Шундан сўнг ўқитувчи ўқувчиларнинг жавобларини тўлдириб, умумлаштирган ҳолда хulosалади: XIV асрнинг II ярмидан XVI асрнинг охиригача бўлган давр Ўрта Осиё ҳалқлари, жумладан, ўзбек ҳалқи маданияти, санъати ва адабиётининг жуда бой ва сермаҳсул даврларидан биридир. Айниқса, 15 ёшида таҳтга чиққан Улугбекнинг мамлакатни 40 йил (1409-1449) идора қилиш даврида ҳалқ ижтимоий ҳаётида кескин кураш давом этганлигига қарамай, ички урушлар деярли бўлмади. У мамлакатнинг бирлигини саклашга, давлатни мустаҳкамлашга, иқтисодий ва маданий ҳаётни кўтаришга ҳаракат килди. Унинг ҳукмронлиги даврида Мовароуннаҳр, хусусан, унинг пойтахти Самарқанд иқтисодий ва маданий жиҳатдан Темур давлатига қараганда анча юксалди. Аммо Улугбек ўғли Абдулатиф

томонидан ўлдирилгач, мамлакатда парокандалик бошланди. Отасининг қотили бўлишга ундан Абдулатифнинг душманлари уни ўзини ҳам ўлдирдилар. Тахт Иброҳим Султоннинг ўғли темурий Абдуллага ўтади. У ҳам кўп турмайди. Натижада тахт учун кураш авж олиб кетади.

Навоий ҳам Темурийлар давлатида ана шундай феодал курашлар ниҳоятда кучайган бир даврда яшади, ижод қилди. Унинг бутун онгли ҳаёти ўша ижтимоий-сиёсий муҳити шароитида кечди.

Навоий бу шароитнинг оддий кузатувчиси бўлиб қолмай, унинг тараққиёт жараёнига фаол таъсир кўрсатган шахс ҳамдир. Шахс, файласуфларимиз таъбири билан айтганда, “барча ижтимоий муносабатларнинг мажмуи....” сифатида жамиятга bogliq бўлиши билан бир қаторда, жамият ҳам кишиларнинг ижодий фаолиятига боғлиқдир.

Маълумки, Алишер Навоий қарийб 30 йилга яқин турли давлат ишларини бошқарди. Султон Ҳусайннинг энг яқин маслаҳатчиси сифатида давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини белгилаш ва йўналтиришда фаол иштирок этди. Қисқаси, унинг бутун ҳаёти Хуросоннинг XV асрнинг II ярмидаги ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаёти билан чамбарчас боғлиқдир. Шундай бўлгач, Навоийнинг ҳаёт йўлини ўрганишда, унинг шахси билан боғлиқ бўлган масалаларга тўғри ёндашиш учун ўша даврда ёзиб қолдирган тарихий асарлар ва уларнинг саҳифаларида келтирилган хужжат ҳамда далилларнинг ахамияти каттадир. Шуни ҳисобга олган ҳолда, Навоий замонида ёзилган тарихий асарларнинг муҳимларини синчилаб ўрганиш ва уларнинг Навоий шахси ҳамда ижтимоий-сиёсий фаолиятига алоқадор қисмларини дарслик материаллари билан қиёслаб ўрганиш жуда зарурдир. Ҳондамир (1475-1535)нинг “Макоримул-ахлок”, “Ҳабибус-сияр”, “Холосатул-ахбор”, Давлатшоҳ Самарқандий (1435-1495) нинг “Тазкиратуш-шуаро”, “Зайниддин Восифий (1485-1566) нинг “Бадоевул-вақоев”, Захириддин Мухаммад Бобур (1483-1530) нинг “Бобурнома” асарлари шулар жумласидандир (Ўқитувчи дарс давомида бу манбаларга ўрни билан мурожаат қилиб борди ва дарс якунида улардан айримларини ўқиш учун тавсия этди).

Ўқитувчи Алишер Навоий ижоди ҳақидаги кириш сўзида эса, Навоий ўзбек адабиётининг буюк сиймоси эканлиги, ўз асарларида ижтимоий гояларни илгари суриб, адабиётимиз ривожига кучли ижобий таъсир кўрсатгани, 5-10-синф адабиёт дарсларида шоирнинг асарларидан намуналар билан танишилгани, 11-синфда эса, Алишер

Навоий ижоди атрофлича ва чукур ўрганилиши ҳақида маълумот берди. Сўнг биринчи соатда ижодкор ижтимоий-эстетик қарашларининг қандай шаклланганлиги, қайси омиллар воситасида унинг буюк сўз санъаткори бўлиб етишганини ўрганиш дарснинг асосий мақсади эканлигини айтди.

Дарс мусаввир В.Кайдалов томонидан ишланган “Алишер Навоий” портрети устидаги сухбат билан бошланди. Ўқитувчи уни танлашга алоҳида эътибор берган. Унда ёзувчи ижодий балогати характерининг асосий белгилари ёрқин акс этгани ва бу расмга оид сухбат ҳамма машғулотлар давомида ёзувчининг қиёфасини ўкувчилар тасаввурида қайта тиклашга ёрдам бериши хисобга олинган.

Дастлаб, ўкувчилар сухбатга жалб этилди. Бунда улар диққатини, асосан, шоирнинг ташки кўриниши, шоир атрофидаги нарсаларнинг тасвирига қаратилди. Бу вақт ичida ўкувчиларнинг диққати бир марказга – портретга – шоирнинг характерини очишга қаратилди. Шундан сўнг ўқитувчи портретни изоҳлади:

“Мана, улуғ шоир Алишер Навоий. Ўз хонасида ижод билан машгул. Унинг эгнида одми шоҳи тўн, устида кўнгир мовут чакмон, бошида учли кўк тақяга силлик ўралган кўркамгина салла. Нуроний юз, қора ва қисқа соқолли, хушбичим мийиклар текис ва силлик. Шоир чукур ўйга ботган ҳолда кўрпачада ўтирибди. Бир қўлида савағичи қалам(ручка), чап қўлида сўзлар ёзилган оқ қофоз, тирсаги болиш(ёстиқ)га кўйилган. Ёстиқнинг олдида дутор ва муковаси қалин китоблар, олдида паст бўйли хонтахта, унинг устида қаламдон, довот, китоб ва оқ қофозлар тартибли кўйилган. Шоирнинг чап ёнидаги гул идишларида чиройли гул, орқа томондаги деворга гўзал нақшлар ишланган. Деразадан қўхна Ҳирот қалъаси кўриниб турибди. Қалья ичida ғиштдан ишланган уйлар, миноралар...”

Ўқитувчи ўкувчилар диққатини шоирнинг нуроний қиёфасига, ақли ва донишмандлигини ифодалаб турган кўзлари ва хаёлчан боқишига, катта ҳаётий тажриба, машакқатларни кечирган шоирнинг юзи ҳамда пешонасидаги ажинларга жалб қилас экан, буюк шоирнинг маънавий дунёси мусаввирлар томонидан қандай ифодалангани ҳақида сухбат бошлади. Ўкувчилар расмдаги ҳар бир детални кузатиб, унда шоирнинг дид ва назокати, машғулоти ва талантини бўрттиришга ёрдам берган бўёкларни белгилайдилар. Навоий портрети ҳақидаги сухбатда шоир тимсоли ва маънавий қиёфаси тасвиirlangan бадиий матнлардан фойдаланди:

Асрларга элтиб хаёлни,  
Баъзан ёркин кўраман чолни...  
Нуроний юз, нуроний соқол,  
Кўзларида муҳаббат малол.

Даҳо порлар пешонасидан  
Гўё қуёш булут ичидан...  
Кўркам, мағрур, оз эгик боши,  
Куюқ, жиддий киприги, қоши.

Нигоҳининг маъноси нодир:  
Шундай боқар файласуф шоир.  
Чехрасида ҳаёт мазмуни,  
Тажрибалар ясамиш уни...

Оғса ҳамки умрин күёши,  
Ёшлик ўти унинг йўлдоши.  
Соч-соқолни қиров босса ҳам,  
Ижод ҳали чиройли кўклам<sup>38</sup>.

Ойбекнинг “Навоий” поэмаси портрет ҳақидаги суҳбат мазмунини бойитса, Мақсуд Шайхзоданинг “Алишер Навоий” балладасидан олинган қуйидаги парча Кайдалов ишлаган расмдаги Алишер Навоий сиймосини мукаммал идрок этишга ёрдам беради:

Ҳирот қальясида эски кошона,  
Акс-садо берар тунда паймона,

Оғир уйқуларга толгандир Ҳери,  
Гўёки чарчабди азалдан бери.

Ҳерининг энг танҳо бир гўшасида  
Боғларга элтувчи тор кўчасида  
Пойтахтнинг хилватгоҳ маҳалласи бор.  
Унда шинам уйнинг дарвозаси бор.

Боғчаси ям-яшил, девори сарик,  
Болохонасида доимо ёргуғ.  
Бу ерда қаламин юргизар шоир,  
Дунёи оламни ҳам кезар шоир<sup>39</sup>.

<sup>38</sup> Ойбек. Асрлар. 10 томлик. 2-том. – Т.: Фафур Ғулом номидаги бадший адабиёт нашриёти, 1968. – Б. 94-95.

Шоир портретига доир бу каби сұхбат күп вакт олмайды. Аммо унүтилмас таассурот қолдиради. Ўқувчиларнинг шоир ҳақидаги тушунчаларини кенгайтиради, қизиқишларини оширади, зўр эстетик аҳамият касб этади.

Сўнгра ўқитувчи Алишернинг оиласи билан таништириди. Бунда у эътиборни Алишернинг отаси Ғиёсиддин Кичкина межмондўст, маърифатпарвар киши эканлигига, уларнинг уйига олимлар, шоирлар, ҳофизлар, созандалар доимо йигилишиб туриши; тоғалари Қобулий ва Ғарифийлар шоир эканлиги ва булар ёш Алишерга, унинг ақлий камлотига катта таъсир кўрсатганлигига, уни 4-5 ёшида ўқишига берганликлари, аммо тож-тахт учун курашлар авж олганлиги туфайли Алишернинг Ҳиротдаги ўқиши узоққа чўзилмаганлигига қаратди. (Шу ўринда “Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди” номли маҳсус кўргазмали алъбомдаги “Ҳирот шаҳри”, “Алишер мактабга борган пайт”, “Саъдий Шерозийнинг “Бўстон”, “Гулистан” асарларининг ҳозирги нусхаси, “Мантиқуттрайр” асарининг эски нашри муқоваси, “Алишер “Мантиқут-трайр”ни ўқимокда” расм-слайдларини намойиш килди ва изоҳ берди).

Мамлакатдаги парокандаликнинг сабабларини тушуниришда қуйидаги тарихий далилдан фойдаланди (бу даврга келиб, Самарқанд таҳтини Абусаид, Ҳурисон (Ҳирот) ни Шоҳруҳнинг набираси Абулқосим Бобир эгаллаган эди):

“Бу иккала (Абусаид ва Абулқосим Бобир-А.К.) давлат бирбирига душман эди. XV аср ўрталариға келиб, Ҳурисонда феодал тарқоқлик жуда кучайиб кетди. Абдураззок Самарқандий феодал тарқоқликни қуйидагича тасвирлаб беради: “Энг қизиги шундаки, – деб ёзган эди у, – мамлакатдаги қалъаларнинг ҳар бирини бирорта бошлиқ эгаллаб олган. Мавлоно Аҳмад Ясовул Ихтиёруддин қалъасини босиб олган; Нурота қалъаси Парк мўғул кўлига ўтиб кетган; Сераҳс қалъасини амир Абдулла Пирзод қўриқлади; Саълук қалъасини Худойдод ва Тебес қалъасини амир Увайс (амир Ховандшоҳнинг ўғли) эгаллаб олганлар, булардан хеч ким бир кимсага бўйсунмаган-бундай аҳволни жуда камдан-кам учратиш мумкин”.

Бу каби далиллар биринчидан, Алишерлар оиласининг Ҳиротдан Ироққа вактинчалик кўчишларининг сабабини янада ойдинроқ ҳис қилишларига ёрдам берса, иккинчидан адабиёт билан тарихнинг

<sup>39</sup> Максуд Шайхзода. Асарлар. 6 томлик, 4-том. – Т.: Адабиёт ва сағъат нашриёти, 1972. – Б.369.

ўзаро боғлиқлигини, Навоий яшаган давр хусусиятларини тушуниб етишларига, учинчидан, ўша даврда яшаган тарихчиларнинг бири (Давлатшоҳ Самарқандий) ва унинг асари (“Тазкиратуш шуаро”) ҳакида маълумот олишлари учун муҳим манба бўлиб хизмат қиласи.

Ўқитувчи режаси асосида маъруза қиласи экан, буюк адаб дунёкарашнинг шаклланишида муҳим роль ўйнаган ва унинг юксак маънавий фазилатларини намойиш қилишга ёрдам берадиган таржимаи ҳолига оид далилларга алоҳида эътибор беради. Хусусан, “Ўзбекистон тарихи” дарслигидаги тарихий давр ҳакидаги материаллар, Алишер Навоийнинг ҳаёти ва фаолияти ҳакида замондошлари томонидан айтилган фикрлар ҳамда яратган асарларидағи эпизодлардан, ўз асарларидан, тасвирий санъат асарларидан фойдаланиш ёзувчи таржимаи ҳоли ҳакидаги мазмунининг мароқли бўлишини таъминлайди.

Навоий болалик ва ўсмирлик давридаёк ўша даврнинг буюк олим ва шоирлари Шарофиддин Али Яздий, Мир Шохий, Лутфийлар назарига тушади ҳамда улар билан самимий муносабатда бўлади. У буюк тарихчи олим Шарофиддин Али Яздий билан учрашувини ўзининг кейинчалик ёзган “Мажолисун-нафоис” асарларида шундай хотирлайди:

“Мавлоно соҳиб камоллиги олам ахли қошида мусалламдур... Иттифоқо манзил аларнинг хонақоҳи эшигига воқъе эрди... Мавлоно тушган жамоатнинг кайфиятин маълум қилмоқ учун атфолдин бирини тиладилар. Фақир алар сори борурга муваффақ бўлдум. Ҳар неки сўрдилар жавоб айтдум. Дедиларким: сен келиб биз била ошно бўлдинг, сенинг учун фотиха деб, ўз фотихаларига мушарраф қилдилар”.

Шу ўринда “Навоий” видеофильмидан (Ойбекнинг шу номли романи асосида яратилган) қўйидаги эпизод эслатилади: Ёш Алишер ўз дўстлари билан ўйнаб юриб, бир мўйсафидга дуч келадилар. Зийрак Алишер унга дарров сув олиб келиб беради. Мўйсафид (бу киши Шарофиддин Али Яздий эди) дуо қилиб: “Сен умрбокийликка эришгин”, – дейди. Шунда Алишер: “Ҳеч ким абадий яшамайди-ку? – деган гапи билан ўзининг мулоҳазали-лигини ва болаларга хос самимийлигини намойиш қилди. Шарофиддин Али Яздий унинг бу эътирозига шундай жавоб қиласи: “Ҳеч ким жисман абадий яшамайди. Лекин сен бир иш қилгинки, бундан халқ умрбод фойдалансин”.

Бу эпизодни ҳикоя қилишда замонавий техника воситалари (видеофильмдан олинган лавҳани компьютер орқали экранда намойиш қилиш)дан ҳам унумли фойдаланиш мумкин.

Ёш Алишер Ҳофиз Шерозий, Муслихиддин Саъдий, Лутфий, Саккокий, Атоий ва Фариддин Аттор каби шоирларнинг асарларини кунт билан ўқир ва ёд олар, шу билан бирга, ўзи ҳам шеърлар ёзарди. Айниқса, у Лутфий билан яқин муносабатда бўлган ҳамда уни ўз устози деб билган. Навоий ва Лутфий ўртасидаги муносабатларга тўхталиб ўтиш шоир шахсиятидаги фазилатларнинг ёрқинроқ намоён бўлишига ёрдам беради.

Маълумки, Алишер шеър ёза бошлаган пайтда Лутфий 83-84 ёшларда бўлган. Бутун Мовароуннаҳрга танилган Лутфийнинг эътиборини ёш, эндиғина 9-10 ёшга тўлган Алишер ўзига жалб этади. У ўзининг ёқимтойлиги, мулоим ва дилгирлиги билан Лутфийда муҳаббат уйғотади. Лутфий уни сидқидилдан яхши кўриб қолади, ўзига юксак эҳтиром билан қараган Алишердаги истеъоддининг камолга етишувига жиддий таъсир кўрсатади. Навоийнинг ўзи “Насойим-ул-муҳаббат” номли асарида бу ҳакда зўр ифтихор билан шундай ҳикоя қиласи: “Бу факир борасига кўп илтифоти бор эди (менга кўп хурмат, марҳамат кўрсатар эди) ва фотиҳалар ўкур ва доим волида мулизаматига ва ризои хотирига (онамга хизмат қилишга ва унинг кўнглигини олишга) тарғиб қилур эрди”<sup>40</sup>.

Навоий устози Лутфий тўғрисида “Мажолисун-нафонс” да характерли далилларни келтиради, булардан биз устоз ва шогирд ўртасида бир неча бор учрашувлар бўлиб ўтганлигини англаймиз. Чунончи: “Мавлоно Лутфий... ўз замонасининг маликул-каломи эрди, форсий ва туркийда назири йўқ эрди, аммо туркийда шуҳрати кўпроқ эрди ва туркча девони ҳам машҳурдур ва мутаззирул жавоб матлаълари бор....” дея икки тилда ижод қилганини, кўпроқ ўзбек тилида битганидан, “назири” – тенги йўқ эканлигидан хабар беради<sup>41</sup>.

Ўқитувчи бу фикрларнинг далили сифатида Хондамирнинг “Макоримул-ахлок” асаридан мисоллар келтиради: “Олий ҳазрат (Навоий) ёшлари эндиғина тўлиб, йигитлик даври бошланган пайтларда, бир куни Лутфий хизматига борди. Лутфий ўз нозик фикрларингизнинг натижаларидан юзага чиқкан бир ғазални ўқиш билан бизни баҳраманд этсангиз, – деб илтимос қиласи. Ул ҳазрат бир ғазал ўқийди, унинг матлаи мана шу:

<sup>40</sup> Алишер Навоий. Асарлар. 15 томлик. 15-том.

<sup>41</sup> Ўша жода, 12-том, 61-бет.

Оразин ёпқоч, кўзимдин сочилур ҳар лаҳза ёш,  
Бўйлаким, пайдо бўлур юлдуз, ниҳон бўлғоч қуёш.

Лутфий бу ғазални эштиш билан ҳайрат денгизига чўмиб, шундай дейди: “Воллоҳ, агар мұяссар бўлса эди, ўзимнинг ўн-ўн икки минг форсий ва туркий байтимни шу ғазалга алмаштирадим ва бу ишнинг юзага чиқишини зўр муваффақият ҳисоблардим”.

Бу каби мисоллар ўқувчиларнинг Алишер Навоий шахсиятидаги устозларни ҳурмат қилиш хислатини, унинг қобилиятли ва истеъодли эканлигини тушуниб етишларига ва уларда устозларига, таълим берайтган ўқитувчиларига алоҳида эътибор билан қараш, улар меҳнатини қадрлаш туйгуларини шакллантиришга, Алишер Навоий каби қобилиятли, истеъодли бўлиб етишиш орзусини пайдо бўлиши учун ёрдам беради.

Биз тадқиқотимизда Алишер Навоий таржимаи ҳолининг батафсил баёнини келтиришни лозим кўрмадик. Чунки, биринчидан, ёзувчи таржимаи ҳолини кенг шарҳлаш бизнинг вазифамиз доирасидаги асосий иш эмас, иккинчидан, Алишер Навоий таржимаи ҳолини ўрганишга оид далиллар ишимизнинг кўп ўринларида таъкидлаб ўтганларимиз Р.Усмоновнинг “Юқори синфларда ёзувчи биографиясини ўрганиш”, А.Ҳасанова ва А.Зуннуновларнинг “Мактабда Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш”, С.Долимовнинг 8-синф “Ўзбек адабиёти тарихи” дарслиги учун методик қўлланма”ларида анчагина кенг баён қилиб берилгандир. Шуни қайд қилиш лозимки, Алишер Навоий таржимаи ҳолини ўрганиш ҳақидаги дарсга тайёргарлик кўришда ўқитувчи бу уч манбадан асосий адабиётлар сифатида фойдаланади.

Лекин ўқитувчи фойданилиши лозим бўлган манбалар бу китоблар доирасида чекланмайди, албатта. Ёзувчи ҳаёти ва фаолиятининг ҳар бир даври ёки ижодининг бирон масаласини чуқурроқ ўрганиб чиқиш учун ўқитувчига тавсия қилинадиган адабиётлар ҳақида ўз ўрнида тўхталиб борамиз.

Ўқитувчи кундалик ўтиладиган материалга мос методларни излаганидек, кўргазмали қуроллар ва уларни шарҳлаш манбаларини ҳам излаб, шу асосда дарснинг муваффақиятини таъминлаши лозим. Тажриба-синовларимиз натижаси ва шахсий тажрибаларимиз шуни кўрсатдики, Алишер Навоийнинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганишда энг яхши кўргазмали материал “Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди” номли

максус альбомдир.<sup>42</sup> Аммо шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, альбомдаги расмларни дарс жараёнида бериладётган маълумотларга боғлик ҳолда кўрсатилиши ва уларни шарҳлаш учун Хондамирнинг “Макоримул-ахлоқ”, Ойбекнинг “Навоий” романидан олинган парчалардан ўринли фойдаланилгандагина дарс жонли ва мазмунли ўтади.

Ўқитувчи Мамлакат Баҳодирова Алишер Навоий таржимаи ҳолини ўрганишга багишланган дарсда куйидаги расм-слайдлардан фойдаланди (Юқорида таъкидлаганимиздек, дарснинг тўлиқ баёнини келтирмадик):

1. В.Кайдалов Навоий портрети (улкан ижодкор сиймосини ўқувчилар кўз ўнгига гавдалантириш учун ўқитувчи дарснинг бошланиш қисмида фойдаланди).

2. Альбомдаги расмлар: а) Ҳирот шаҳри;

б) Алишер мактабга борган пайт;

в) Саъдий Шерозийнинг “Бўстон”, “Гулистан” асарларининг ҳозирги нусхаси;

г) “Мантиқкүт-тайр” асарининг эски нашри муқоваси;

д) “Алишер “Мантиқкүт-тайр”ни ўқимоқда”.

3. Лутфий портрети. (Алишер Навоийнинг Лутфий билан муносабатини ёритишида).

4. К.Эминовнинг “Навоий Улуғбек мадрасасидаги мушоирода” расми ва “Гўри Амир”, “Улуғбек расадхонаси” нинг фотонусхаси (шоирнинг Самарқанд маданият ва санъат аҳлларининг ҳам эътиборини қозонгани ҳақида фикр юритганда).

5. Н.Кириакиди. “Навоий мадраса курилишида” ва “Навоий режалар билан банд” расмлари (Давлат ва жамоат арбоби сифатида мамлакатнинг ободончилиги учун олиб борган фаолияти ҳақида сўз юритганда).

6. А.Ган. “Навоий Ҳирот қўзғолончилари олдида” расми (халқнинг Навоийга ҳурмати, муҳаббати ва ишончи кучли эканлигини таъкидлаш учун).

7. “Навоий буюк шоирлар орасида” номли минатюра (шоирнинг Абдураҳмон Жомий, Низомий Ганжавий, Ҳусров Деҳлавий, Саъдий, Фирдавсий, Саноий, Анварий, Ҳоқонийлар билан мулоқотда бўлганлигини кўрсатишида).

<sup>42</sup> Алишер Навоий ҳаётини ва ижоди /Тузувчилар: Б.Тўхлиев, Г.Ашуррова, Д.Тўхлиева; масъул мухаррир Ё.Исҳоқов; ЎзР. Олий ва ўрта максус таълим вазирлиги Низомий номидаги Тош. дав. пед. ун-ти. – Т.: 2010. – 646.

8. М.Набиев. “Навоий ва Жомий” расми (бу икки шоир ўртасидаги муносабатни ёритиш. Навоий “Хамса”ни Жомийнинг маслаҳати билан ёзганини таъкидлаш учун).

9. Умар Хайём (1040-1123), Низомий Ганжавий (1141-1203), Шайх Саъдий (1204-1292), Хофиз Шерозий (1320-1389) расмлари (буларнинг асарлари шоир учун катта ижод манбаи бўлиб хизмат қилгани ҳақида гапирганда).

10. “Султон Ҳусайн ҳузурида базм” номли минатюра (шоирнинг душманлари рашқ-адовати кучайиб, икки дўст орасидаги муносабатнинг бузилиши ва Ҳусайн Бойқаронинг айш-ишратга берилиб кетиши ҳақида сўзлаганда).

11. А.Циглинцевнинг “Навоий Ҳусайн Бойқародан Астрободга жўнаш ҳақида фармон олмоқда” ва “Алишер Навоийнинг Астрободда кутиб олиниши” расмлари (Шоирнинг Астрободга кетишга мажбур бўлгани хусусида гап кетганда).

12. Алишер Навоийнинг “Занжирбанд шер” расми (Астрободдаги руҳий азобларини ифодалашда).

13. Н.Кириакиди. “Қизғин ижод” расми (ҳаётининг сўнгги йиллари ижоди сермаҳсул бўлгани ҳақида гапирганда).

14. М.Музахҳиб. Алишер Навоий портрети (шоирнинг кексайгани, жисмонан толиққани ҳақида сўз юритганда).

15. С.Муҳаммедов “Навоийнинг Ҳусайн Бойқаро билан сўнгги марта учрашуви” расми (шоир ҳаётининг охирги кунлари ҳақида гапирилганда).

16. В.Кузнецов “Навоий дафн маросими” расми.

17. Навоий мақбараси расми.

Юкоридаги расмлар ёзувчининг характеристида мавжуд бўлган кирраларни очиб бериш, ўкувчиларга эстетик завқ бағишлиш ҳамда дарсни яхши ўзлаштириш учун хизмат қилса, уларни шарҳлаш учун келтирилган парчалардаги шоирнинг энг яхши фазилатлари ҳақидаги маълумотлар ўкувчиларда энг яхши хислатларнинг шаклланишига фаол таъсир кўрсатади.

Чунончи:

“Арслонкул гишт, тош ташиб чиқаётганларга кўзи тушиб, иш бошлаганидан огохланди. “Кечиргайсиз!” – деб югурди. Юкорига гишт кўтариб чиққанда Арслонкул кучли таажжубда қолди: ҳалиги одам қимматбаҳо тўннинг этакларини белига қистириб, енг учларини шимарган ҳолда астойдил ишламоқда – усталарга гишт, ганж узатмоқда эди. Йигит кўз учини қисиб унга тикилди-да, елкасини

қисди: “Катта амалдорларга ўхшайди-ку, аммо феъли бошқача экан. Қани, шу ишлашда бирпас тоб берармикан!”.

Арслонкул ҳар гал унга зимдан бир қараб қўяр эди. Аммо унинг ишида сустлашиш эмас, аксинча, терлаган юзида борган сари ишга муҳаббат, кизиқиш сезди. Нижоят, Арслонкул чидамади-да, ўзи билан ёнма-ён тушиб борувчи биттасини туртди ва қўли билан юкорига ишорат қилди.

– Ул жаноб ким бўлди? Жуда берилиб ишляпти-да. Ё бизга ўхшаш саркардан кўрқадими? Хо-хох-хо.

– Вой гумроҳ, танимайсанми ҳали! – деб қадамини секинлатди у.

– Йўқ, ким?

Навоий ҳазратлари-ю! Кўпинча келиб шундай ғайрат билан ишлайдилар.

– Арслонкул чўчиб тўхтади: “Навоий!” деди у ўз-ўзига ва орқага қайрилиб, аллақандай тошқин меҳр билан кўзларини юкорига қадади...”<sup>43</sup>. (Бу парчадан “Навоий мадраса қурилишида” расмини шарҳлашда фойдаланилди).

– Кўзларимиз йўлингизда интизор эди!

– Юртнинг тирикчилиги, баҳти сизда!

– Дардимиз беҳад-беҳисоб, сиздан ўзга химоячимиз йўқ!

– Биздан сизни узоқлаштирувчилар қирилсингилар!<sup>44</sup>.

“Тавба, Алишер жаноблари....Хиротга бугун тунда қайтдилар. Хўш, ҳалойиқни ким огоҳлантирди? – ҳаяжонланиб сўради қоровул чол.

– Эҳтимол, ўзлари тушимизда башорат бергандилар, - кулиб деди бир дехқон.

– Ажаб эмас..... Чунки Навоийнинг дили билан ҳалқнинг дили ҳамиша пайванддир, – деди ишонч билан кўм-кўк кўлли бўёқчи.

Шу вақтда кимдир, бурунаки отгандек, қайта-қайта апшурди.

– Ҳаққаст рост! – бўёқчига қаради қоровул чол ва жиддий деди: – Бу замонда Навоий жанобларидек пок одам ҳаргиз топилмас, – у ишига киришди”<sup>45</sup>.

(Алишер Навоийнинг инсонпарварлик хислатлари ифодаланган бу икки парчадан ҳалқнинг шоирга бўлган юксак муҳаббатини ифодалашда ва “Алишер Навоий Ҳирот қўзғолончилари олдида” расмини шарҳлашда фойдаланилди).

<sup>43</sup> Ойбек. Навоий. Роман. – Ташкент, Ўқитувчи, 1985. – Б.184-185.

<sup>44</sup> Ўша жойда, Б.333.

<sup>45</sup> Ўша жойда, Б.186.

Шу ўринда ўқитувчи Ойбек ўз романида тарихий шахс сифатида ўз замондошларига нисбатан қилган буюк тарихий хизматларини ёркин кўрсатиб беришда, уни меҳнаткаш халкнинг, хунар, санъат ахлларининг меҳрибон устози, ҳомийси; камтар, оқ кўнгил,adolatпарвар, беозор инсон сифатида кўрсатиб берар экан, бу тарихда ҳам айнан шундай зикр этилган материалларга, асосан “Бобурнома”, “Макоримул-ахлок”, “Равзатус-сафо” ва “Бадойиул-вақое” каби тарихий, бадиий асарларга суянганлигини эслатди.

Сўнгра фикрининг исботи сифатида ана шу манбалардан ўрни билан фойдаланди. Ўқувчиларга романдан фойдаланилган манбага ўхаш парчаларни топиб, энг муҳим жойларини ёзишни уйга вазифа килиб топширди.

Куйида “Макоримул-ахлок” асаридан олиниб, дарсда фойдаланилган айрим парчалардан намуналар келтирамиз:

“874 йилнинг бошларида Мирзо Ёдгор Мухаммад Ҳасанбек туркман ёрдами билан Хурсонни қўлга киритиш пайига тушди. Султон Сохибқирон эса, бир тўда амир ва қўшинни душманга қарши юбориб, улар орқасидан ўзи ҳам жўнади. Нусрат нишонли байроқлар(галаба) Машҳаддан ўтганда, душманинг яқинлашган хабари аскар бошликларига кетма-кет эшитилди. Шу сабабли, Зафар байроқли подшо душман томонига тезлик билан ҳаракат қилишга буйруқ берди. Бироқ, у хайрли соатни аниглаш учун мунажжим чақирилсин, – деб қолди. Бу вақтда улуғ мартаба эгаси ва ҳазрати Султоннинг яқин дўсти (Алишер) арз қилдики, мунажжим чақириб, пайтнинг яхши-ёмонлигини ҳозирда текширишнинг фойдаси йўқ. Чунки пайт мувофик бўлса, ё бўлмаса ишни кечиктириш мумкин эмас ва тезлик билан ҳаракат қилиш лозим”<sup>46</sup>.

Навоийнинг камтарин давлат арбоби эканлиги ҳақида шундай ҳикоя килинади:

“Олий ҳазрат (Алишер Навоий) подшо илтимосини қабул қилгандан кейин, ул ҳазрат билан Амир Саид Ардашар бир кунда жубба ва кулоҳи наврузий кийиб муҳр босишилари муқаррар бўлди. Барчанинг хаёлида, подшо ҳукмига мувофик, тадбирли Амир ҳаммадан юқорига муҳр босади, деган фикр айланарди. Бироқ ўша куни, одатга мувофик, ул ҳазратнинг олдига яхши кунда муҳр босиш учун нишон олиб келдилар. Ул ҳазрат нишонни Амир Саид Ҳасанга берилсин, аввал у киши муҳр боссин, – дедилар. Амир Саид Ҳасан эса, ҳурмат изҳор қилиб, нишонни яна Амирга қайтарди. Ул ҳазрат

<sup>46</sup> Ҳондамир. Макоримул-ахлок. – Ўз. ФА нашриёти. – Тошкент, 1968. – Б.63.

қоғозни олиб, ўша камтарлик юзасидан шундай жойига мухр босдики, ундан куйирокқа хеч ким мухр босолмасди.

Амир Саид Ҳасан бу ҳолни кўриб изтиробга тушди ва бошқалар у амирлик доирасининг марказидаги (Алишер Навоийдаги) тавозуз даражасини кўриб, ҳайрат дengизига чўмдилар”<sup>47</sup>.

Тажриба синф ўкувчилари ўқитувчининг вазифасини тўғри бажариб, юқоридаги икки ҳикояга мос парчалар романнинг 69-120-бетларида ифода этилганини аниқладилар.

Шуни ҳам эслатиб ўтиш керакки, тарихий ҳақиқатга асосланган ёзувчи ундан ижодий фойдаланиши, бадиий тўқималар яратиши мумкин. Бир неча тарихий романлар муаллифи С.Злобин тарихий роман устида ишлаётган ёзувчига берилган бундай имкониятларнинг характеристири ҳақида шуларни ёзади: “Тарихий мавзуда асар ёзадиган ёзувчи ҳам шубҳасиз тўқимадан фойдаланади. Бусиз санъат йўқ. Бироқ унинг тўқимаси реал далилларга асосланади. Ёзувчи тарихий ҳужжатларни ўқишида, тарихий ҳодисаларни тушунишда уларга биринчидан, ҳозирги замон фани нуқтаи назаридан, иккинчидан эса, ўзича, ёзувчи сифатида ёндошади”<sup>48</sup>.

Маъруза режасининг кейинги қисмларида кўрсатилганидек, ёзувчининг таржимаи ҳоли далиллари унинг ижоди ривожланиши обзори билан узвий бирлиқда баён қилиб берилади. Бунда “Хамса” асарининг вужудга келишига кўпроқ эътибор қаратилиши, унинг ўзбек адабий тили ва адабиётини ривожлантириш соҳасидаги олиб борган кураши алоҳида таъкидланади.

Алишер Навоий фаолиятининг кўп қирралари унинг Астрободда ўтказган ҳаётида, умрининг сўнгги кунларидаги аянчли дақиқаларда юксак даражада гавдаланадики, бу шоирнинг ҳақиқий шахсий ҳаёт ва давр намунасидаги замонамизнинг ҳақиқий идеали қиёфасини кўришга, тарбиялашга катта ёрдам беради. Ўкувчиларнинг шоирга эҳтиром ва хурматларини оширади. Ўқитувчи ўз маърузаси материалларининг изчиллиги жиҳатидан ҳам, таъсирчан нутқи ва шоирга шахсий эҳтиромини ифодалаб ҳам, Алишер Навоий шахсини ўкувчиларда ватанпарварлик, инсонпарварлик, меҳнатсеварлик, матонатлилик, иродалилик ҳис ва сифатларини тарбиялашда намуна қилиб кўрсатишга эришмоги керак. Шундагина унинг маърузаси кутилган тарбиявий таъсир кучига эга бўлади.

<sup>47</sup> Ўша жойда, Б.54.

<sup>48</sup> А.К.Дремов. Художественный образ. – М.: 1961. – С.240.

Биз Алишер Навоий таржимаи ҳолини ўрганишга бағишиланган якунловчи дарсни куйидаги тартибда ўтказишни тавсия қиласиз.

(Тажриба синфларда ўтказилган дарс режаси ва намунаси).

Мавзу: Алишер Навоий ҳаётининг сўнгги даври.

Адабиёт ва санъатда Навоий образи.

Мақсад: Алишер Навоий ҳаётининг сўнгги даври, адабиёт ва санъатда Навоий образининг яратилиши ҳақида маълумот бериш, ўкувчиларни ватанпарварлик ва инсонпарварлик руҳида тарбиялаш.

Метод: Ўқитувчининг ҳикояси, сухбат, маъруза, ифодали ўқиш.

Кўргазмалик: “Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди” номли альбом асосидаги слайдлар тўплами, Навоий ҳақидаги расмлар, ёзувчи асарларининг кўргазмаси, бадиий, тарихий адабиётлар.

Дарснинг бориши: (Машгулотнинг кириш кисми ўқитувчи дарсдан кузатган мақсад ва вазифаларига кўра ташкил қилинади ҳамда ўкувчиларнинг жавоблари, мустақил ишларини баҳолаш ҳам унга ҳавола қилинади).

Янги дарснинг баёни:

1. Алишер Навоийнинг Астрободга жўнатилишининг сабаблари.  
2. Астрободдаги ижтимоий-тарихий аҳвол ҳақида (тарих фани материаллари асосида).

3. Навоий Астрободда:

- а) ободончилик ишларини олиб бориши;
- б) “Хазойинул-маоний” нинг тартиб қилиниши;
- в) суиқасд.

4. Навоий ҳаётининг сўнгги йиллари:

а) яна Ҳиротда;  
б) шоҳ салтанати теварагидаги янги можаролар, иғбо ва фитналарнинг буюк шоирга таъсири;

- в) яна қизғин ижодга берилиши;
- г) шоирнинг сўнгги куни;
- д) Ҳирот мотамда.

5. Алишер Навоий – абадий барҳаёт;

- а) Навоий юбилейлари;
- б) шоир хотирасининг абадийлаштирилиши;
- 6. Навоий адабий меросининг аҳамияти.

7. Адабиёт ва санъатда Навоий образи:

а) Навоий образи бадиий адабиётда (Ойбек, Уйғун ва Иzzат Султон, Мақсуд Шайхзода, Лидия Бать, Миркарим Осим, Faфур Ғулом, Омон Мухтор асарлари);

б) Навоий образи театр ва кинода (Олимжон Хўжаев, Рazzok Ҳамраев, Ёкуб Аҳмедовлар);

в) Алишер Навоий мусиқада (И. Акбаровнинг “Навоий сўзига мусиқалар” асари, Навоий газаллари билан айтиладиган қўшиклар, Мутал Бурхоновнинг “Алишер Навоий” операси).

г) Алишер Навоий образи тасвирий санъат ва ҳайкалтарошлиқда.

Уйга вазифа:

1. “Алишер Навоийнинг менга ёққан фазилатлари”, “Алишер Навоий видеофильмидан олган таассуротларим”, “Алишер Навоий таваллудига тухфаларим”, “Дониёр Содиков – Навоий ролида” мавзулари асосида ўз фикр ва мулоҳазаларини ёзиш.

2. Алишер Навоий ҳақида бадиий матнли слайдлар тузиш.

Дарс режаси намуна кўринишига эга бўлиб, бир неча синфда шароит ва тайёргарликни ҳисобга олиб, унга ўзгартиришлар ҳам киритиб борилади. Масалан, тавсия қилинаётган манбаларни, айниқса, мусика асарларини топиш ҳамма ўқитувчилар учун ҳам осон эмас. Ана шундай ҳолларда тарихий манбаларни –эсдаликларни ифодали ўқиш ҳам кутилган натижаларни бериши мумкин.

Дарс ўқитувчининг ҳикояси билан бошланади: ижодиёти, ёш олим ва санъаткорларга самимий ёрдами, халқнинг арз-додига қулоқ солиб, унга кўмаклашув унинг обру ва шуҳратини тобора орттирумокда эди. Бу ҳол эса, Навоий душманларининг рашк ва адоватини кучайтирас эди. Шоирнинг рақиблари ундан тезроқ кутулиш чораларини излар эдилар. Ниҳоят улар айш-ишратга муккасидан кетган Ҳусайн Бойқарони ўз таъсирларига олишга эришдилар. Ўқитувчи бу ҳакда гапирав экан, ўқувчилар эътиборини “Султон Ҳусайн ҳузурида базм” номли миниатюрага қаратади ва уни шарҳлайди:

“Султон Ҳусайн ҳузурида базм. Хорижий меҳмонлар ва овчилар унинг азиз меҳмонлари. Машшоқлар уларнинг хизматида. Тахтда кўлида қадаҳ билан ўтирган шоҳ олдида кўлида очиқ китоб тутган қария (Алишер Навоий) эҳтиросли киёфада турибди. Атрофдагилар бу қарияга ҳайрат билан боқишимокда.

Айтиш мумкинки, ўша қария – улуғ шоир уни огоҳлантирумокда, адолатга, хушёр бўлишга чақирмоқда.

Ҳусайн Бойқаро ва унинг амалдорларига эса, Алишер Навоийнинг бу хатти-харакатлари ёқмас эди.

Тарихдан маълумки, Ҳуросон подшоси (1469-1506), асосан, Ҳусайн Бойқаро ҳисобланса-да, Ҳуросоннинг турли ўлкаларида шаҳзодалар, бек, барлослар хукмдорлик қиласардилар. Улар ўзларига

топширилган ўлкаларда ўзбошимчалик билан иш юритар, эл-юртни талар эдилар. Жумладан, жуғрофий мавқеи қулай ва табиий бойликлари мўл бўлишига қарамай, Астробод шаҳри ҳам хароб қилинган, аҳолиси эса қашшоқ ҳаёт кечиради. Дастлаб, Астробод шаҳрининг хароб қилиниши ва аҳолисининг ночор ҳаёт кечиришига Амир Мўгулга ўхшаган бетартиб ва золим бекларнинг шаҳар ҳокими бўлиб туриши, шаҳарни обод қилиш, элни маъмур қилиш ўрнига кеча-кундуз қиморга, айш-ишратга берилиб кетишлири сабабчи бўлди. Иккинчидан, Астробод шаҳри Хуросон билан Ирок ва бошқа қатор мамлакатларни бирлаштирувчи кўприк ролини ўйнайдиган бу шаҳарга турли-туман мамлакатлардан турна-қатор савдогарлар келар, булар орасида шаҳардаги мол ва бойликларнинг асилини илиб кетадиганлар ҳам кўп бўлар эди. Улар билан бир қаторда Астрободда текинхўрлар, қиморбозлар, қарокчилар кенг томир ёйган эдилар. Буларнинг ҳаммаси бир бўлиб, шаҳар аҳолиси тинкасини қутилар, шаҳар иқтисодиётини тобора заифлаштиран ва харобаликларга олиб келарди.

Астробод аҳолисининг қашшоклиги, шаҳар аҳолисининг хароб бўлиши етмаганидек, ўша кезларда аҳоли орасида вабо касали тарқалган эди. Вабо кўплаб оилаларнинг ёстикларини куритарди. Навоий кейинчалик яратган “Мажолисун-нафоис” асарида астрободлик машҳур шоир Котибийнинг ўлеми олдидан шу мудхиш фалокатга бағишилаб айтган характеристли китъасини келтиради:

Зи оташи қаҳри вабо гардин ногаҳон хароб  
Астрободки хокаш буд хушбўтар зи мушк,  
Андар ўаз пиру барно ҳеч кас боки намонд,  
Оташ андар беша чун афтад на тар монанд, на хушк.

Мазмуни:

Вабо олови қаҳридан тупроғи мушқдан ҳам хушбўйроқ бўлган Астробод бирданига хароб бўлди. У ерда ёшу қаридан ҳеч ким қолмади, чунки “Ўрмонга ўт тушса, хўлу куруқ баробар ёнади”<sup>49</sup>.

Дарҳақиқат, Астробод шу ижтимоий-тарихий ва табиий оғатларга кўра таланган, вайронага айланган шаҳар эди.

Ниҳоят, Ҳусайн Бойқаро Алишер Навоийни Астрободга ҳоким килиб тайинлади. Бу билан у, биринчидан, Навоий душманларнинг талабини қондирди, иккинчидан, шоирнинг обрўйидан фойдаланиб, мамлакатнинг муҳим вилоятларидан бири бўлган Астрободда ўз

<sup>49</sup> Алишер Навоий. Асарлар. 15 томлик. 12-том. – Тошкент, 1966 йил. – Б. 13.

мавқеини мустаҳкамламоқчи бўлди. Чунки улуғ шоирнинг адолатпарварлиги Астрободга ҳам етиб борган эди.

Мусаввир А.Циглинцевнинг “Навоий Ҳусайн Бойқародан Астрободга жўнаш ҳакида фармон олмоқда” ва “Алишер Навоийнинг Астрободда кутиб олиниши” расм-слайдларини намойиш қилиш ҳамда уларни таққослаш орқали шу холосага келиш мумкинки, Ватандан узоклашиш шоир учун нақадар оғир бўлса, янги режалар, халқнинг умиди уни сал бўлса-да кўнглини тинчтиш учун таскин бўлди..

Улуғ шоир Астрободда қарийб икки йил яшади. Дарсда шоирнинг ана шу вакт ичидаги кечирган ҳаётини, руҳий ҳолатини, ички кечинмаларини ҳикоя қилиб бериш ўқувчиларда халқ ва Ватан учун қайғуриш ҳиссини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Навоий 1487 йилда Астрободга келди ва у ерда анча тартиб ўрнатди. Халқдан ортиқча соликлар ундираётган амалдорларни ишдан бўшатди. Шаҳарнинг ободончилиги учун тинмай ғамхўрлик қилди. Куйидаги тарихий манба фикримизнинг далилидир.

Хива хони Оллоқулихоннинг (1825-1842) Ҳурросонга қилган ҳарбий юришларидан кейин шу ҳақда “Сафарнома” асарини ёзган Муҳаммад Назар ибн Мулло Сайдниёз ал Хивақий Алишер Навоий билан боғлиқ қизиқ бир далилни баён қиласди: Оллоқулихон кўшинлари Ҳурросон йўлида Мир саройига кўнади. “Мир саройи отлиғ мавзеким, Султон Ҳусайн Мирзонинг салтанати айёми ва Мир Алишернинг Астробод мамоликига (мамлакатига) ҳокимлиги ҳангомида бир саройи дилкушой ва қасри фараҳ афзой бино қилдурғон эркан ерга нузули ижлол буюрдилар”<sup>50</sup>.

Муаллиф таъкидлашича, “дилкушо ва фараҳ, афзо”, яъни кўнгилни шодлантирадиган ва қувончни оширадиган бу сарой Астрободда 1837-йилларда ҳам мукаммал сақланганлиги ҳамда унинг Алишер Навоий номи билан боғлиқ ҳолда “Мир саройи” деб аталиши эътиборга лойикдир. Шунингдек, Навоий Астрободда Жомъе масжидини ҳам бунёд этади ва бошқа кўпгина ободончилик ишлари билан ҳам шугулланади.

Яна шуларни алоҳида таъкидлаш ўринлики, Алишер Навоий бир қанча булоқлар очдириб, каналлар қаздирди; ариқлар олдириб, қақраб ётган ерларга сув чиқаради; маҳалла ва гузарлар, масжид ва ҳаммомлар ёнида, зиёратгоҳ ва мозорлар кошида, карvon йўллари

<sup>50</sup> Үролов А., Сувонқулов И. Навоий ва мъемирчиллик. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 1991, 2 январь.

устида ҳовузлар бунёд этади; ҳалқпарвар, валий кишиларнинг қабрлари устига ёдгорликлар, сағаналар, хокакоҳлар ҳам курдиради.

Бу каби далиллар орқали Навоий шахсиятидаги тадбиркорлик, ташаббускорлик, тиниб-тинчимаслик хислатлари намоён бўладиким, улар ҳалқпарварлик, ватанпарварлик туйгулари заминига асосланганлигини ўқитувчи ўқувчилар онгига етказиши зарурдир.

Алишер Навоий Астрободда фақат ободончилик ишлари билан шуғуллангани йўқ. У адабиёт, санъатнинг янада гуллаб яшнаши учун ҳомийлик қилди. Олим, санъаткор, шоирлар билан мустаҳкам алоқада бўлди, уларга раҳномолик қилди.

Ўзи эса, ижодий ишда пешқадамлик намунасини кўрсатиб, “Хазойинул-маоний” ва “Девони Фоний” номли тўпламларини тузишга киришди. Бу далиллардан шоир шахсиятидаги санъатга, адабиётга ва ижодий ишга бўлган чинакам ихлос нақадар кучли эканлигини кўриш мумкин.

Навоийнинг Астрободдаги ҳаёти ҳакида гап кетар экан, ўқувчиларнинг дикқатини шоирдаги Ватани – Ҳиротни кўмсаш ҳисси кучлилигига қаратиш талаб этилади. Айникса, Ҳиротга кетиш учун қилган уринишларига жиддий аҳамият берилади. Чунончи, унинг Ҳусайн Бойқарога Ҳиротга кетиш мақсадида рухсат сўраб ёзган мактублари, ҳатто, бу билан қаноатланмасдан ўзи бориб, шоҳдан Ҳиротда қолишни илтимос килиши, аммо бу ҳаракатларининг ҳаммаси бехуда кетганлигини таъкидлаб ўтилади.

Бу фикрни ўқитувчиларга мукаммалроқ етказиш учун “Занжирбанд шер” номли (Навоийнинг ўзи чизган) расм-слайднинг “магзи чақиб” кўрсатилади. Ўқитувчи ўқувчилар дикқатини бир нуткага жамлагач, бу расм ҳакида хикоя қила бошлайди.

Жумладан, Навоий шер ўрнида ўзини тасвирлаб, унга рамзий маъно берганини, шундай кучли шер Астрободга Ҳусайн Бойқаро томонидан “занжирлаб” ташланганини тушунтиради. Ўз нутқида Үйғун ва Иззат Султон томонида яратилган “Алишер Навоий” драмасидаги “Занжирбанд шер, енгаман дер” мисраларини келтириш, фикрни янада равшанлантириш, тўлдириш учун хизмат қилади.

Бу каби маълумотлар шоирнинг Ватанидан узоқда зерикиб, сиқилиб яшаганининг далили, қолаверса, ундаги яна бир истеъоддомусаввирикнинг намоён бўлишини тушунишда яқиндан ёрдам беради.

Алишер Навоийнинг ўзи Астрободдаги ҳаётини<sup>51</sup> “Муншаот”даги бир хатида шундай ифодалайди:

Хазони ҳажр аро қолдим, йироқ баҳоримдин,  
Юрурмен итдек улуб айру шаҳриёrimдин.

Истарам Луқмон каби касб айласам паррандалик,  
То етиб ул остонаяга зоҳир этсам бандалик.

Астрободда уюштирилган фиску-фасод, иғвогарлик ва сүиқасдларнинг фош бўлиши Навоийнинг Ҳиротга қайтишини бир оз бўлса-да, тезлашишига сабаб бўлди. У Ҳиротга қайтгач, расмий тарзда саройда ишламаса ҳам, Ҳусайн Бойқаро фаолиятидан хабардор бўлиб туради, халқ манфаатларини изчиллик билан ҳимоя қиласди.

Ўқитувчи бу даврда саройдаги фитна ва иғволарнинг авж олгани, шоирнинг укаси Дарвеш Алиниң жазоланиши, Абдураҳмон Жомий, Мўминмирзо, Сабуҳийларнинг ўлими каби воқеалар Алишер Навоийни қаттиқ изтиробга солгани, қаддини буккани ҳақида маълумот беради. Бу ўринда “Навоий” романидан далил келтириш фойдалидир:

Мажидиддиннинг иғволари фош бўлиб, вазирликдан четлаштирилади, мол-мулки мусодара қилинади. У ана шундай кунларнинг бирида кечаси ”.....оиласи билан яшайдиган ҳароб бир ҳовлида Тўғонбекни қабул қилди. Милтиллаган шамнинг ёруғида узоқ гаплашди. Ҳаёт йўлини, қилган ишларини ёдлади. Ниҳоят, чукур афсус ва қайғу билан деди: “Умримдаги энг катта хато - Алишер Навоийга душманлигим бўлди. Мен йигирма йилдан ортиқ Алишерга қарши ҳаракат қилдим – не ишлар қилганим сизга маълум - Алишер юраги тоза одам эди.

– Тўғри, – деди Тўғонбек бошини қуи солиб. – Алишер Навоий тулкиликни билмайди. Юраги ўбдан соф одам

– Балли! – деди Мажиддин хўрсиниб, – Унинг ҳаҳри ҳам, раҳми ҳам самимий. Ҳар вақт самимий. Не қилайликки, вақт ўтди, хатони тузатиб бўлмайди”<sup>52</sup>.

Шундай бўлса-да, Алишер Навоий умрининг охирги йилларида зўр ижодий ишга киришди. Бу ўринда мусаввир Н.Кириакидининг “Қизгин ижод” ва XVI асрда яшаб ижод этган Маҳмуд Музахҳибининг “Навоий” портрети намойиш қилинади. Навоий портретида кексайиб

<sup>51</sup> Уйғун ва Иzzat Султоновнинг “Алишер Навоий” драмасидаги Астробод кўрининиши саҳнасини ролларга бўлиб ифодали ўқиш ёки уни тинглаш дарсинг марокли ўтишига ёрдам беради.

<sup>52</sup> Ойбек, “Навоий” романы, 365-бет.

қолган шоир, ҳиссага суюнган ҳолатда тасвиirlанган. Ватандан йироқда юришлар, илм-фан ва бадий ижод билан тинимсиз шуғулланиш, амирлик лавозимида давлат ишларини бошқариш, адолат ва тинчлик учун кураш Навоий қаддини бүккан, соchlарини оқартирган. Лекин дунёning бу ташвишлари унинг руҳини толиқтира олмаган. “Мен жисмонан кучсизландим, – дейди кексайган чогида Навоий, – аммо мен дадилман. Мен қилич кўттармайман, бироқ менинг сўзларим аввалгидек ўткир”.

Фикрларнинг исботи сифатида ўқитувчи бу йилларда Навоий яратган тарихий (“Тарихи мулуки Ажам”), илмий (“Мажолисун-нафоис”, “Мезонул-авzon”, “Муҳокаматул-лугатайн”), мемуар (“Холоти Сайд Ҳасан Ардашер”), фалсафий-адабий (“Лисонут-тайр) асарлари ҳақида тўхталиб, 1500 йили яратилган “Маҳбубул-кулуб” асарини кенгроқ таҳлил қиласди.

Буюк мутафаккир Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақидаги дарс унинг вафоти тўғрисидаги маълумот билан якунланади.

Ўқитувчи шоир ҳаётининг сўнгги дақиқаларини тушунарли тарзда баён қилишда Хондамирнинг шу лаҳзаларини яққол ифодаловчи ҳикоясини ўқиб беради. Матнни ўқишга киришишдан аввал тушунилиши қийин бўлган, эскирган (архаик), диний маросимларни ифодаловчи сўзлар шарҳланади. Дарслидаги шу мавзуга оид материаллар баён қилингандан кейин диққатни қуидагиларга жалб этилади. Душманларнинг Навоийга сунқасди фош бўлгач, бутун давлат ҳатто, даврнинг сиёсати-ю, асосий кучлари қўлида бўлган Ҳусайн Бойқародек кишининг Навоийдек тараққийпарвар куч олдида ожиз ва ноилож қолиб, унинг қаршисида бўйин эгиг: “Бу ҳолатни кўриб ажабланмангиз. Жаҳолат адолат қаршисида тиз чўқди. Мен адолат султони ҳазрати Алишер Навоийга сигиндим” – деб айтгани маълумлиги эслатилади ва шоирнинг буюклиги яна бир бор таъкидланади.

1500 йилнинг ёзида Алишер Навоий амир Муборизиддин билан Ҳиротни идора қилиб қолади, Султон Ҳусайн Бойқаро эса, Муҳаммад Ҳусайн исёнини бостириш мақсадида Астрободга йўл олади ва бунга мувваффақ бўлади.

31 декабрь куни Ҳусайн Бойқаронинг Ҳиротга яқинлашиб келаётганлиги тўғрисидаги хабар улуғ Алишер Навоийга етиб боради. У кутиб олиш учун шошилинч чора-тадбирларни кўради. Ўз мулозимлари билан биргаликда отланиб “Амир шоҳ Малик” работига

то Ҳусайн Бойқаро келгунча бориб туриш учун йўлга чиқади. У кўзланган манзилга етиб бораётган жойда беихтиёр ҳолдан кетиб йиқилади.

Ўқитувчи ўқувчиларни шу воқеалардан хабардор қилиб, уларнинг фикрини бир нуқтага тўплайди-да, мусаввир С.Мухаммедининг “Алишер Навоийнинг Ҳусайн Бойқаро билан сўнгги марта учрашуви” расм-слайдни намойиш қиласди ва бу ҳолатни ўз кўзи билан кўрган Хондамирнинг юқорида тилга олинган ҳикоясини ўқиб беради (шу ўринда жуда мунгли мусиқа (“Чўли ирок”)нинг аудио шакли паст овозда эшилтириб қўйилади):

“... у зотнинг муборак боши айланиб қолди. Олижаноб Амир (Алишер Навоий) Ҳожа Шаҳоббиддин Абдуллони ўз яқинига чақириб: “Мени сақлашдан ғофил бўлманг, аҳволим ўзгариб қолди”, – деди.

Шу пайт Алишер Навоий аъло ҳазратнинг қўлини ўпмоқ учун отдан тушди. Тўсатдан етишган касалликнинг оғирлиги охирги чекка бориб қолгани ва юришга мадор қолмаганидан мазкур амир ва Мавлоно Жалолиддин Қосим қўлтиқларига кириб, шу йўсинда илгари юриб, бошини баланд даражали подшо кучогига кўя олади...

Ул буюклик ва дабдаба доирасининг маркази аҳволида ўзгариш кўриб, аъло ҳазрат ғоятда қайгули ва ғамгин бўлди. Бу ер тўхташ ўрни бўлмаганидан аҳвол сўраш ва илтифот маросимларидан кейин ўтиб кетди. Шу онда бу касал сакта (хис-ҳаяжоннинг тўхтаб қолиши)га айланиб, олий насабли Амирда қайтиб ҳаракат қилиш ва сўзлашга мажол қолмади.

Қисқаси, жума куни ярим кечада хайрли бинолар курувчиси(Алишер Навоий)ни ўз уйига етказдилар. Эрта билан шаҳар табибларининг кўпчилигини ул ҳазратнинг бошига тўпладилар. Бу гурух ҳар қанча муолажа ва даволашга саъй ва ҳаракат қилиб, турли дори-дармонни ишга солсалар ҳам, тузалиш юз бермади, балки соатма-соат оғирлашиб, касаллик орта борди.

... Шанба куни ҳам яхши хислатли Алишернинг ҳоли шу хилда борарди, балки борган сари заифлик кучая бориб, касаллик шиддати ортиб бормокда эди. Охирда мазкур ойнинг ўн иккинчисида якшанба куни (1501 йил 3 январь) эрта билан Алишер... ҳаёт гулшани булбулини олий чаманга жўнатди.

Машхур куни ғавғоси ва тўполони бутун ер юзини қоплаб олди. Амир ва вазирларнинг йиги-сигиси, катта-кичикнинг фарёди ҳам ўтиб кетди.

Султон Соҳибқирон ва подшохнинг энг яқин кишилари ўша замониёқ у ҳазрат (Алишер Навоий) манзилига етиб келдилар ва иззат таҳтидан мотам палоси тушиб, нола-ю зор ва йигига бошладилар. Ҳирот ҳайитгоҳида жаноза ўқилди. Кейин Алишернинг ўзи солған масжиди жомеъ ёнидаги, илгаридан шу ҳодиса учун ясаб қўйилган гумбазга олиб келиб дафн қилдилар... Султон Соҳибқирон уч кунгача у аҳли диллар бошлиғи (Алишер Навоий) нинг уйида мотам тутиб ўтириди”<sup>53</sup>.

Мусаввир В.Кузнецов “Алишер Навоий дафн маросими” расмини жуда таъсири ишлаган. Бу расм ҳалқнинг Навоийга бўлган меҳр-муҳаббатини нақадар чексизлигини яна бир бор намойиш қилишга хизмат килади.

Ўлимидин ҳар бир уйга тушди мотам,  
Мамлакатнинг ҳар бурчидан чиқди фиғон,  
Темур юрак, тош юракли кишилар ҳам  
Бу даҳшатли мусибатдан ютдилар қон<sup>54</sup>.

Алишер Навоийнинг вафоти ўқувчиларга оптимистик кайфият, рух бахш этади. Ҳалқ учун фидокорона меҳнат қилган буюк кишиларнинг вафот этиши манзараси ўқувчи хотирасида абадий ўчмайдиган таассурот колдиради.

Ҳиротдаги Алишер Навоий мақбараси энг азиз зиёратгоҳлардан бири хисобланади. Кўргазмали альбомда тасвиrlанган шоир мақбарасининг расм-слайди кўрсатилиб, уни таниқли шоиримизFaфур Ғуломнинг “Алишер Навоий қабри устида” (25.11.1964. Ҳирот.) шеъри билан шарҳланади. Бу изоҳ ўқувчилар асрлардан асрларга, насллардан наслларга ўта ҳалқлар дилида барҳаёт бўлиш ёлғиз улуғларга, ўлмас ҳалқ даҳосини ўзида мужассамлаштирган ва доимо шу ҳалқ билан бирга бўлган, шу ҳалқнинг эзгу-умидларини, ажойиб орзуларини ифодалаган буюк шахсларга, жумладан, Алишер Навоийга ҳам хос хусусият ва қисмат бўлганини чукурроқ ҳис этишларини таъминлайди:

Алишер Навоий қабри устида  
Дилим равшанлигин ҳиссим йўлида офтоб айлаб,  
Мозоринг бошида турмакдурман сарҳисоб айлаб,  
Кулоғинг сўз эшитмас бўлса ҳам қалбдан хитоб айлаб,  
Ватандошлар саломин неча жилдли бир китоб айлаб,  
Навоий деб Мусаллога келибман интихоб айлаб.

<sup>53</sup> “Макоримул-аҳлок”, 68-71-бетлар.

<sup>54</sup> Форс-тоҷик тилидан Муинзода таржимаси.

Самарқанд, Андижон, Тошкенду, Урганжу Бухородан,  
Ўзинг нашъу намо топган шарафли-шонли маъводан,  
Сенинг орзуларинг рўёбга чиқсан янги дунёдан  
Гумон Фарҳоду Ширин сув чиқарган баҳтли сахродан,  
Ажаб гулдаста келтирдим, унга заррин таноб айлаб.

Китоб кирмаган ўзбек элида хонадон йўқдур,  
Рубобий куйларинг ёд билмаган жонажон йўқдир,  
Етук авлодларингдур илму донишли, гумон йўқдир,  
Башар тарихини юз бор ўқи, бундай замон йўқдир,  
Кўнгилларни ёритдик маърифатдан моҳитоб айлаб.

Ватан осмонида нурга тўла офтобни, юлдузни,  
Буюк иқболни ижод айлаган мингларча гул юзни,  
Қоронги шоми йўқ доим мунааввар баҳтли юлдузни,  
Жамолин кўришга бир умрлар юммайин кўзни,  
“Навоий ҳам ётар то рўзи машҳар тарки хоб айлаб”<sup>55</sup>.

Алишер Навоий вафот этди. Лекин унинг асарлари беш ярим асрдан бери тирик. Ҳамон одамларга маънавий озиқ ва завқ бериб келмоқда. Улуғ бобомиз ҳаёт йўли ва абадий мероси санъаткорларимиз – ёзувчи, шоир, мусаввир, бастакор, актёр, ҳайкалтарошларимиз учун илҳом манбаи бўлиб қолаверади.

Шу ўринда санъаткорларимизнинг энг яхши асарлари яна бир бор эслатилади ва ўқувчиларнинг эътибори “Ахлоқ ва одобга оид ҳадис намуналари”дан олинган қўйидаги ҳадисга қаратилади:

“Мўминнинг ўлимидан сўнг ҳам (унинг фойдасига) ёзилиб турадиган амаллар: тарқатган илми, қобил фарзанди, мерос қолдирган Куръони, курган масжиди, меҳмонхонаси, чиқарган суви, соғлик ва ҳаётлик пайтида қилган садақасидир”<sup>56</sup>.

Ҳа, бу каби ҳадисларни яхши билган ва уларга амал қилган Ҳазрат Алишер Навоийнинг “тарқатган илми..., қолдирган мероси, курган масжиди, меҳмонхонаси, чиқарган суви, соғлик ва ҳаётлик пайтида қилган садақалари” унинг номи бутун дунё узра ҳурмат билан ёд этилишига, кўпчилик инсонларнинг, айниқса, ёшларимизнинг қалбida эзгулик уруғларининг униши учун катта ёрдам бермоқда.

<sup>55</sup> Faфур Ғулом. Асарлар. 5 томлик, 2-том. – Т.: Бадиий адабиёт нашриёти, 1965. – Б.363.

<sup>56</sup> Ҳадислардан намуналар. – Тошкент: Фан, 1990. – Б. 52.

1991 йилда БМТнинг ЮНЕСКО ташкилоти қарори билан Алишер Навоийнинг 550 йиллик юбилейини зўр тантана билан нишонланди. Жумладан, Франция, АҚШ, Олмония, Малайзия, Япония, Туркия каби мамлакатларда “элларни бирлаштираётган шоирнинг” ҳаёти ва ижоди чукур ўрганилмоқда.

Республикамизда ҳам бу санани муносиб кутиб олиш мақсадида 1991 йил 29 январь<sup>57</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонига биноан, буюк шоир, мутафаккир, давлат арбоби Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллиги нишонланиши муносабати билан 1991 йил Ўзбекистонда Алишер Навоий или деб эълон қилинди, юбилей тантаналари ўтказилди.

Сўнгги йилларда ҳам улуғ бобомиз адабий меросини чукур ўрганиш, тарғиб қилиш ҳамда хотирасини абадийлаштириш бўйича амалга оширилаётган улкан ишлар узлуксиз давом эттирилмоқда. Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ташкил этилганлиги, республикамиз ҳамда бир қатор хорижий давлатларда улуғ сўз санъаткорининг ҳайкаллари қад кўтарганлиги, тўла асарлар тўплами нашрдан чиқарилганлиги, 2020 йил 19 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Буюк шоир ва мутуафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги ПҚ-4865-сон қарорининг қабул қилинганлиги шулар жумласидандир.

Ушбу қарорга кўра:

- Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини мамлакатимиз ва ҳалқаро миқёсда кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш мақсадида Алишер Навоий номидаги ҳалқаро жамоат фонди ташкил этилади;
- Алишер Навоийнинг ижодий меросини чукур ўрганиш ва оммалаштиришга улкан ҳисса қўшган мамлакатимиз ва хорижий давлатлар фуқароларини ҳамда илмий-ижодий муассасаларини тақдирлаш мақсадида Алишер Навоий ордени таъсис этилади;
- хорижий давлатларда сакланаётган Алишер Навоий қаламига мансуб ва у яшаган даврга оид кўлёзмаларнинг факсимиле нусхаларини мамлакатимизга олиб келиш чоралари кўрилади;
- Алишер Навоий ҳаёти ва ижодий меросини тадқиқ этиш бўйича илмий тадқиқот ишларига давлат буюртмаси талабларига мувофиқ илмий лойиҳалар танлови эълон қилинади;

<sup>57</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони. Алишер Навоийнинг 550 йиллигини нишонлаш тўғрисица. - Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1991 йил, 1 февраль.

- 2021 йил охирига қадар Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Алишер Навоий асарлари ҳамда навоийшунослик фани бўйича амалга оширилган илмий тадқиқотларнинг электрон платформаси яратилади;
- 2021 йилда Тошкент шаҳрида Алишер Навоий номидаги ижод мактаби ташкил этилади;
- 2021 йил ноябрь ойининг биринчи ўн кунлигига Навоий шаҳрида “Алишер Навоий ижодий меросининг башарият маънавий-маърифий тараққиётидаги ўрни” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция ташкил этилади.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**  
Тошкент ш., 2020 йил 19 октябрь, ПҚ-4865-сон

Ўқитувчи бу каби бекиёс ишлар Алишер Навоийга, қолаверса, ўзбек халқига берилаётган юксак баҳолар эканлиги ҳақида гапирап экан, ҳаётий мисоллар билан фикрини исботлайди.

Шу ўринда ҳозирги кунда ҳар куни республиканизнинг, қолаверса, қардош республикаларнинг қайсиdir бурчидаги Навоийнинг 580 йиллик тўйини нишонлаб, унинг руҳи шод этилаётгани эслатилади ва “Мұхабbat ўтини ёқдим...” мавзусида ўтказилган навоийхонлик оқшомида иштирок этган қозок шоири Насипбек Айтовнинг дил сўзлари ўқиб берилади:

“Улуғ турк халқига тангри улуғ одамдарни берган. Коммунизм курамиз, – деб биз – турклар бир-биримизни танимай қолдик. Қозоқ халқи ҳам Навоий бобосининг асарларини яхши билмайди. Мен юбилейга “Садди Икандариј”ни таржима қилиб, нашр эттирдим. Таржима жараёнида Навоий бобомнинг арвоҳи урмасин, деб кучим борича уриндим. Кечалари таржима қилиб ўтириб, қаттиқ таъсирланиб йиғлаган пайтларим ҳам бўлди. “Хамса”нинг бешала достонини ҳам тўла таржима қилсан, бобомнинг олдидағи бурчимни ўтагандай сезардим ўзимни”<sup>58</sup>.

Ўқитувчи дарсни якунлар экан, Алишер Навоий ижодини чукур ва ҳар томонлама тадқиқ этиш, шундай улуғ баҳри муҳитдан нафас олишимиз учун ўз тарихимизни, маданиятимизни, миллий урфодатимизни қунт билан ўрганишимиз, асрар қолиш ва муносаб давом эттиришга ҳаракат қилишимиз ила улуғ бобомизга ҳурматимиз, эътиқодимиз, садоқатимизни ифодалашимиз мумкинлигини ўкувчиларга тушунтиради.

<sup>58</sup> Саъдий М. Мұхабbat ўтини ёқдим. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 1991, 18 январь.

## **2.2. Алишер Навоий ғазалларини ўргатишда мусиқадан фойдаланиш**

Таълим соҳасида катта ислоҳотлар амалга оширилаётган мамлакатимизда ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш, ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган 5 та муҳим ташаббусда ёшларни мусиқа, рассомлик, театр, адабиёт, китобхонлик соҳасига қизиқтириш масаласига ҳам катта эътибор қаратилган<sup>59</sup>.

Ўқувчиларда гўзаллик туйғусини ривожлантириш, юксак эстетик дидни шакллантириш, санъат асарларини, жонажон табиат гўзаллиги ва бойлигини тўғри тушуниш, қадрлаш маҳоратини ривожлантириш таълим жараёнидаги энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Бу муҳим вазифани амалга оширишда фанлараро интеграциядан, хусусан, “Гуманитар билимларнинг ҳавоси” – тарих, “Санъатнинг Фотима ва Зухралари” – лирика ва мусика”, “Инсон қалбини ташки олам билан боғловчи нафис, мустаҳкам ва конуний кўприк” – тасвирий санъат, инсон қалбини ўзига ром этувчи - тарихий, бадиий асарлардан янги педагогик технологиялар асосидаги “КЕЙС – СТАДИ”, “Кластер”, “БББ”, “Эркин ёзиш”, семинар, конференция, мунозара, учрашув, комплекс дарс каби турларининг қўлланишида фойдаланиш кутилган натижаларга эришиш имкониятини бераётганлигининг гувоҳи бўлмоқдамиз.

Адабиёт дарсларида мусиқа асарларидан фойдаланиш фанлараро интеграция технологияларини йўлга қўйишда асосий восита бўлиб, ўқувчиларнинг эстетик дидини ривожлантиришга хизмат қиласи, уларнинг турмуш тажрибаларини бойитади, сезги, ирода, хаёл, тасаввурларини ўстиради, ижодий қобилиятларини камол топтиради. Шундай экан, адабиёт дарсларининг санъатнинг бошқа соҳалари билан мустаҳкам алокада олиб борилиши бир томондан дарснинг сифат ва самарадорлигини таъминласа, иккинчидан, эстетик тарбия талабларига ҳам жуда мос тушади.

Адабиёт дарсларида мусиқадан фойдаланиш тажрибасини Алишер Навоий ижодини ўрганиш машғулотларида муваффакиятли намойиш қилиш мумкин.

<sup>59</sup> Мирзиёев Ш.М. Ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевтинг 2019 йил 19 мартағи видео-селектор йигитлишида сўзлаган нутқи // Халқ сўзи, 2019 йил 20 март.

Шуни ҳам унутмаслик керакки, буюк сўз санъаткорининг ижодини ўрганишга бағишлиланган машғулотларнинг ҳамма босқичларида ҳам мусиқа асарларидан фойдаланиб бўлмайди. Унинг таржимаи ҳолини ўрганиш дарсларида, бой ижодий меросини шарҳлашда, асосан, лирик асарлари таҳлили жараёнида мусиқа асарларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Шундай лирик асарлар борки, уларда лирикани мусиқадан айриб турувчи чегара қарийб йўқолиб кетади. Ана шундай жанрлардан бири ғазалдир. Навоий ғазалларини ўрганиш машғулотларида уларнинг яратилиши, мусиқага солинишини таъкидлаш билан бирга, мусиқасини тинглаш, қўшиқларини атоқли санъаткорлар ижросида эшитиш ёки жонли ижросини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Бундай машғулотлар ўқувчиларни мусиқа воситасида янги хис ва туйгулар, янги тимсоллар дунёсига олиб киради. Улар шоирлар ўзлари яшаган давр руҳини қанчалар чуқур ифода эта олганликларини, асарларининг мусиқавийлигини тушуниб оладилар.

Куйида Алишер Навоийнинг “Мехрибоне топмадим” ғазалини ўрганиш<sup>60</sup> да мусиқанинг имкониятларидан фойдаланиш тажрибаси ҳақидаги фикрларимизни баён этмоқчимиз.

(Дарс Наманган шахридаги 75-умумий ўрта таълим мактабининг ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Абдуллаева Муяссар томонидан ўтказилди).

Маълумки, 10-синфда мазкур газални ўрганиш учун бир соат вақт ажратилган. Бизнингча, газални тўлиқ таҳлил қилиш, фикрларни изчил баён этиш, дарснинг қизиқарли ва тушунарли ташкил этишига эришиш учун бу вақт камлик қиласди. Шуни ҳисобга олган ҳолда, бу дарсни 2 соатга мўлжаллаб режалаштириш мақсадга мувофиқдир.

Ғазални ўрганишга бағишлиланган дарснинг дастлабки босқичи “Мехрибоне топмадим” ғазалини ифодали ўқиши, мазмунини кўрсатилган тартибда ўрганиш, Навоийнинг мусиқа ва мусиқачиларга муносабати, унинг ғазаллари ижроси ва ижрочилари ҳақидаги маълумотларни ўрганиш ва маълумотлар тўплашни аввалдан уйга вазифа қилиб топширишдан бошланади.

Ғазални ўрганишга қаратилган вақтни қуйидагича режалаштириш орқали кутилган натижага эришиш мумкин:

<sup>60</sup> Адабнёт [Матн]: дарслик-мажмуа (10-синф) / Б.Тўхлиев [ва бошк.]. - Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2017. - Б.184.

## I соат

1. Ғазалнинг яратилиши, мавзуси ва гояси ҳақида қисқача тушунча бериш.
2. Матн устида ишлаш.
3. Ғазалнинг насрый баёни билан танишиш ва таҳлил қилиш.
4. Тушунилиши қийин бўлган сўз ва ибораларни шарҳлаш.

## II соат

1. Алишер Навоийнинг мусика ва мусиқачиларга муносабати, унинг ғазаллари ижроси ва ижрочилари ҳақида сұхбат.
2. “Меҳрибоне топмадим” ғазалининг ижросини тинглаш.
3. Ўқувчиларнинг ғазал ва унинг ижроси ҳақидаги фикрлари билан ўртоқлашиш.

Дарс ўқитувчининг ғазалнинг яратилиш тарихи ҳақидаги кириш сўзи билан бошланади. Бу ўринда Навоийнинг кўпгина шеърларида, жумладан, ғазалларида, яшаган мұхитидан шикоят, нолиш ўз аксини топганлиги баён қилинади. Шоир ҳаётнинг гўзал, инсоннинг эса баҳт-саодатли бўлишини орзу қилгани, аммо унинг орзу-истаклари реал ҳаёт, мұхит билан тўқнаш келгани, у ўз истакларига тамомила тескари манзарани кўргани таъкидланади. Буларга муносабатини “Кимга қилдим бир вафоким, юз жафосин кўрмадим”, “Меҳр кўп кўргуздим, аммо меҳрибоне топмадим”, “Шоҳнинг мунглуг мушаввашлар билан не нисбати” ғазалларида акс эттирилганлиги айтилади ва бугунги дарсда “Меҳрибоне топмадим” ғазалини ўрганиш мақсад қилиб қўйилганлиги таъкидланади.

Сўнгра ўқитувчи бу ғазал 8 байтдан иборат бўлиб, бошдан охирига қадар қаршилантириш усулида ёзилганини айтиб, уни ифодали ўқиб беради.

Ғазал аруз вазнининг рамали мусаммани маҳфуз баҳрида ёзилган бўлиб, уни куйидагича вазнга мослаштириб ўқиш керак:

Мех-р кўп-кўр/-гуз-ди-мам-мо/мех-ри-бо-не/топ-ма-дим/

Фо-и-ло-тун / Фо-и-ло-тун / Фо-и-ло-тун / Фо-и-лун /

— v — / — v — / — v — / — v — /

Жон ба-се қил/дим фи-до о-/ро-ми-жо-не/топ-ма-дим/

Фо-и-ло-тун / Фо-и-ло-тун / Фо-и-ло-тун / Фо-и-лун /

— v — / — v — / — v — / — v — /

Бошқа мисралар ҳам шу хилда ўқилади. Ўқитувчининг топшириғи билан уч-тўрт нафар ўқувчи ғазални ифодали ўқиш қоидаларига риоя қилган ҳолда ўқийди. Ғазалнинг маъносини ўрганиб келиш уйга

вазифа қилиб топширилганилиги сабабли ўқитувчи қуидаги саволлар асосида ғазални таҳлил қилишга киришади:

1. “Меҳрибоне топмадим” ғазалидаги ҳар қайси байт маъносини тушунтириб беринг.

2. Шеърда Навоийнинг яшаган давридан норозилиги қандай ифодаланган?

3. Шоир ички кечинмалари ва қалб дардини тасвиrlашда қандай образли ифодалардан фойдаланган?

4. Ғазалнинг қофияланиш тизими қандай?

5. “Меҳрибоне топмадим” ғазалининг ўзига хос бадиий хусусиятлари ҳақида гапиринг.

Ўқувчилар юқоридаги саволларга тўлиқ жавоб бера олмасликлари ҳам мумкин. Шунинг учун ўқитувчи уларнинг жавобларини умумлаштиради, ғазал ҳақидаги маълумотларнинг муҳим ўринларини такрорлаган ҳолда қўшимча тўлдиришлар, изоҳлашлар, тушунилиши қийин сўз ва иборалар (слайд-кўргазмада тагига чизиб кўрсатилган)га (ғамгусор – ғамхўр, меҳрибон; дилхаста – қалб касали, дилситон – кўнгилни олувчи, дилбар; камон абрўда – қоши камалак (камалакка ўхшаш), тузлук – тўғрилик, ростгўйлик; сарв – тик ўсадиган дарахт, пайкон – камон ўқи, киприк маъносида ҳам келади, даҳр боғи – дунё, олам, замон, давр; гулситоне – гулистон, Вомиқу – “Вомиқ ва Узро” қиссаси қаҳрамони, Табъ ғанжи – қобилият хазинаси, маони – маънолар, нисор этмак – сочмоқ, хурдадон – нозик фаҳм) шарҳлар бериб ўқувчилар билимини мустаҳкамлайди.

Шу ўринда қуидаги слайд-кўргазма компьютер орқали намойиш этилади (1-слайд).

Матин	Мазмуни
Мехр кўп кўргуздим, аммо меҳрибоне толмадим, Жон басе килдим фидо, ороми жоне толмадим.	Кўп меҳрибонлик кўрсатдим, аммо бирорта меҳрибонни толмадим, Жонимни фидо килдим, лекин жонимга ором берувчи кишини учратмадим.
Ғам била жонимга еттим, ғамусоре кўрмадим, Ҳажр ила дилхаста бўлдум, дилситоне толмадим.	Ғам торта-торта ўлар холатга етдим, аммо ғамилни ёнчишга ёрдам берувчи одамни кўрмадим, Айрилик азобини торта-торта калбим хаста бўлди, бирорта кўнгил овловчи кишини толмадим.
Ишқ аро юз минг маломат ўқига бўлдум нишон, Бир камон абруда тузулукдин нишоне толмадим.	Ишқ туфайли юз минг маломат ўқига гирифтор бўлдим, Коши камон гўзалларнинг хеч бирида тўғриликдан нишон толмадим.
Кўнглум ичра сарв-ўқулур, гуңча-пайкон, тул-тикон, Даҳр боғи ичра муундок гулситоне толмадим.	Кўнглимга сарв ўқдек /тикка/, гуңча / камон ўқининг метали учидек/, гул тикиандек санчилади, Дунё богида бу заҳарли тиканлардан холи бўлган гулистоనни толмадим.
Хусн мулки ичра сендек шохи золим кўрмадим, Ишқ кўйида ўзимдек бечора кишини учратмадим.	Хусн мамлакатида сендек золим подшони кўрмадим, Ишқ манзилида ўзимдек бечора кишини учратмадим.
Кўп ўқудим Воминку, Фарходу Мажнун киссанасин, Ўз ишимдин бул ажаброк достоне толмадим.	Воминк, Фарход ва Мажнун хакидаги киссаларни таҳор-такрор ўқидим, Лекин менинг кисматимдек ажойиб достонни толмадим.
Табъ ганижидин маони хурдасин, юз катла хайф, Ким нисор этмакка шохи хурдалоне толмадим.	Минг афуски, истебъодидим хазинасининг нозик маъноларини тортиқ килиш учун акли ўтирир бир кишини толмадим.
Ул амон ичинда бўлсун, эй Навоий, гарчи мен, Бир замон ишқида меҳнатдин амоне толмадим.	Эй Навоий, гарчи ишқда бир замон хам машаккадан бошим чикмаган бўлса хам, у хамиша омон бўлсин.

Иккинчи соатдаги дарс “Навоийнинг мусиқа ва мусиқачиларга муносабати ҳақида нималар дея оласиз?”, “Мумтоз куйларни тинглашни ёқтирасизми?”, “Шашмақом”ни кўрганмисиз? У ҳақидаги фикрларингизни ўртоқлашсангиз”, “Навоий ғазалларининг ижрочиларидан кимларни биласиз?” каби саволлар асосидаги сухбат билан бошланади. Ўқувчилар бу саволларга тайёргарликларидан келиб чиқиб жавоб қайтарадилар. Ўқитувчи уларнинг жавобларини тўлдириб, Навоийнинг санъат ва санъаткорларга муносбатини кенгрок шархлади. Бунда у қуйидаги манбаларга суюнган ҳолда фикр юритади:

Мусиқа қадим-қадим замонлардан бўён кишиларга ҳамроҳ, бўлиб, уларга ҳаётий кувват, маънавий завқ бахш этиб келган. Мусиқа ва шеърият азалдан эгизак, бир-бирига ҳамкор ва илҳомчи. Навоий каби мутафаккир назаридан мусиқа асло четда бўлиши мумкин эмас. Дарҳақиқат, Навоий ижодидан баҳраманд бўлган ҳар бир киши бу улуғвор ҳикмат оламининг мусиқа тарихи, назарияси, эстетикаси, шунингдек, созлар, куй шакллари, ижрочилик ва бошқа кўплаб соҳаларга онд қомус эканлигига ишонч ҳосил қиласиди. Афсуски, бу мерос мусиқа илми нуқтай назаридан ҳали чуқур ўрганилмаган. Навоийшунослик соҳасидаги мусиқавий тадқиқотларни ривожлантириш мақсадга мувофиқдир деб ҳисоблаймиз.

Мусиқанинг баракали, ҳаётбахш, сехрли таъсири тўғрисида ажойиб ривоятлар кўп бўлиб, айрим кўринишларини ҳозирги кунда ҳам учратиш мумкин.

Хоразмда Қорадали (қора йўрга) деган куй ва унга тегишли ривоят мавжуд. Ривоятни санъаткор Нурмуҳаммад Болтаев сўзлаб берган эдилар. Ривоят қуйидагичадир: “Шоҳнинг севимли қора оти кунлардан бир куни касалга чалиниб қолади. Аламига чидай олмаган шоҳ ўзини овутиш учун сафарга чиқиб кетади ва отнинг аҳволидан тез-тез дарак бериб туришни тайинлайди. Бу ҳолда кимки нохуш хабар келтирса, жазога маҳкум бўлиши аник. Ниҳоят, от ўлади. Шоҳга хабарни етказишга ҳеч кимнинг юраги бетламайди. Шунда донишманлар кенгашиб, хабарни етказишни созандага топширган маъкул, – деб топадилар. Созандани шоҳ олдига йўллашади. Базм авжига чиққанда, у куй чала бошлади. От йўргалиши, унинг гўзаллиги тасвирланаётган мусиқа ҳаммани ром этади. Куй авжида шундай нолалар янграйдики, шоҳ “От ўлдими?”, – деб юборади”.

Машхур оҳангоз Борбаднинг “Роҳра ва Шабдиз” куйи тарихи ҳам шунга яқин. Эрон шаҳаншохи Ҳусрави Парвиз ана шу куй орқали севимли оти, Шабдизнинг ўлганини билади.

Бундай күдратли таъсир кучини хис этган нозиктаб, юксак заковат эгаси бўлган Навоий мусиқани севиб тинглар, чин дилдан завқланарди. Шоир замонасининг буюк мусиқашуноси Хожа Юсуф Бурхондан мусиқанинг назарий-амалий жиҳатларини мукаммал ўрганиб олади. Шу билан бирга қонун, уд, фижжак, танбур каби мусиқа асблобларида куй ижро этишни ўзлаштиради, ўзи ҳам куйлар ижод қиласди. У шеърларидан бирига “Исфаҳон” деган куй ижод қилгани тарихий манбалардан маълум. Фитрат ўзининг “Ўзбек классик музикаси ва унинг тарихи” номли рисоласида Навоийнинг мусиқавий ижоди борасида тўхталиб, “Қари Наво” номли куйни ҳам у яратган дейди.

Ҳассос шоир ва олим Захириддини Мұхаммад Бобур Навоийнинг мусиқа ихтиrolари ҳакида шундай ёзади: “Алишербек... мусикада яхши нималар боғлабтур. Яхши нақш (қўшиқ)лари ва яхши пешравлари (чолғу йўллари – куйлари) бордур”<sup>61</sup>.

Юкоридаги фикрлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Навоий ғазалларининг мусиқавий ва равон бўлишига, мусиқага ҳамоҳанг тушишига ҳам сабаб шоирнинг мусиқачи-бастакор бўлганлигиdir.

Бундан ташқари, Навоий ўз атрофига санъаткорлар, шоирлар, илм-фан арбобларини тўплаб, уларга моддий ҳамда маънавий ёрдам кўрсатиб турган. Унинг бу ажойиб фазилати Ойбекнинг “Навоий” романни<sup>62</sup>да ўзининг ҳаққоний аксини топган. Романда ёзилишча, Ҳиротдаги энг пешқадам чолғучилардан бири – Алишоҳ моддий томондан қийналиб Навоийдан ёрдам сўраган пайтда, шоир унга олти ойлик маошни бирданига бериш учун вақф бошликларига қофоз ёзиб беради.

Бундан ташқари, Навоий санъат ахли иштирок этган файзли йигинларда созанда ва хонандалардан мақомлар ижро эттириб эшитар, уларни янги куйлар яратишга қистар эди. Жумладан, мусиқашунос Мирмуртоз ва бошқа олимларга ёш ҳаваскорлар учун мусиқа китобини яратишни буюради. Лекин Навоий ўзининг “Хамсатул-мутаҳайирин” номли китобида ёзганидек, уларнинг мусиқа китоблари содда қилиб яратилмаган, шунинг учун ҳам бу китоблардан ёш ҳаваскорлар фойдалана олмаганлар. Бинобарин, у ўзининг устози Абдураҳмон Жомийдан мусиқа соҳасида бирорта яхши китоб яратишни илтимос қилиб сўрайди. Устоз Жомий Алишер

<sup>61</sup> Ҳомидов Ҳ. Олис-яқин юлдузлар: Илмий-бадиий лавҳалар: Кичик мактаб ёшидаги болалар учун. – Тошкент: Чўлтон, 1990. – Б.6.

<sup>62</sup> Ойбек. Навоий: Роман. – Т.: Ўқитувчи, 1985. – Б.189-190.

Навоийнинг илтимосини бажо келтираб, “Адвор” номли китобчасини яратади, мусиқа соҳасида “Адвор” дек покиза, содда, ҳаваскорларга жуда ҳам тушунарли бўлган китоб ўша вақтда йўқ эди.

Алишер Навоийнинг ўзи ҳам, ғазаллари билан ўзбек классик мусиқаси “Шашмақом”нинг, шунингдек, ҳалқ куйларининг XV асрдан кейинги тараққиётига мислсиз таъсир кўрсатди. Навоий ғазалиётининг мусиқа санъати билан боғланиб кетиши унинг кенг жамоатчиликка, бутун ҳалққа тезроқ бориб етишини, ҳалқнинг доимий маънавий йўлдоши ва қуввати бўлиб қолишини таъминлади, ғазалнинг тарбиявий-эстетик аҳамиятини, таъсирчанлигини ошириди. Маълумки, ўзбек классик мусиқаси “Шашмақом” нинг ва кўплаб ҳалқ ашуласарининг матнини Навоий ғазаллари эгаллади.

Ўрни келганда шуни таъкидлаш лозимки, мактабларнинг юкори синф ўқувчиларини “Шашмақом” билан танишириш жуда муҳимдир (Бунда ахборот коммуникацион воситаларнинг имкониятларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ). Чунки унда ашула ва куйларга мос ҳаётий лавҳалар тасвирланганким, бу лавҳалар орқали ўша куй, ашула яратилган даврнинг руҳини, бу санъат асарларининг яратилишидан мақсад ва уларда илгари сурилган ғояларни тушуниш анча енгиллашади.

Мусиқани ҳам назарий, ҳам амалий билган Навоий Хиротда адабиёт ва санъатнинг турли уюшмалари қаторида мусиқа намояндадарининг ҳам улкан мактабини ташкил этган эди. Бу мактаб теварагига Абдулқодир Нойи, Кулмуҳаммад Шайхий, Ҳусайн Удий, Шоҳкули Гижжакий, Дарвеш Аҳмад Қонуний, Устод Шоди ва бошқалар уюшган эди.

Демак, Навоий мусиқанинг ижтимоий, эстетик-тарбиявий аҳамиятини чуқур ҳис қилган. У шеър ва куйни бир-биридан ажралмаган ҳолда, яхлит бир бутунликда тасаввур қилган ва шундай бўлиши учун курашган. Шу боисдан ҳам, шоир ғазаллари қоғоз саҳифаларига тушиши биланоқ бастакорларнинг сеҳрли савтларидан ўтиб, ёқимли ашуласар яратилган ва қисқа муддат ичida ўша давр ҳалқ куйлари, мақомлари орасидан мустаҳкам ўрин олган. Шоирнинг ана шундай ашуласари ҳозирги кунларимизда ҳам севиб куйланиб келинмоқда. Навоий сўзи билан айтиладиган “Қаро кўзим”, “Муножот”, “Мубтало бўлдим сенга”, “Чоргоҳ”, “Баёт”, “Гулузорим”, “Ўлтурғуси”, “Ўлмасун”, “Бормикан”, “Ўн саккиз ёшиндадар” ашуласари шулар жумласидан бўлиб, унинг дастлабки ижрочилари Мулла Тўйчи Тошмуҳаммедов, Ақмалхон ва Бобохон Сўфихоновлар, Шораҳим Шоумаров, Ориф Алимахсумов, Назира Аҳмедова, Берта Давидовалар ҳисобланади. Ҳозирги кунда бу ашуласар Ҳасан Ражабий,

Раҳматжон Курбонов, Муножат Йўлчиева, Ҳуррият Исройлова каби санъаткорларимиз томонидан ижро этиб келинмоқда.

Ўқитувчи бу манбаларнинг энг муҳимларини саралаб олади ва ўрни билан, соддалаштирилган ҳолда ўқувчиларга етказади.

Дарснинг самарали чиқиши учун мусика ўқитувчиси билан маслаҳатлашиб иш кўриш ва уни дарсга таклиф этиш жуда яхши натижа беради. Мусика ўқитувчиси ғазалнинг куйини ижро этиб, ўқувчилар дикқатини тўплагач, “Бу қайси куй?”, “Бу куйни аввал ҳам эшигнамисиз?” саволлари орқали ўқувчиларга мурожаат қилинади. Ўқувчиларнинг кўпчилиги уй вазифасини бажарганилиги учун бу куй “Мехрибоне топмадим” ғазали учун басталанган куй эканини дарров айтадилар. Шундан сўнг ахборот коммуникацион технологиялари воситасида Назира Аҳмедова томонидан ижро этилган “Мехрибоне топмадим” ашуласи аудио-видео шакли намойиш этилади.

Ўқувчилар ўқитувчи тавсия қилган санъаткорнинг чиқишини илгари ҳам эшигтан бўлишлари мумкин. Аммо алоҳида тайёргарлик ва ўқитувчининг кириш сухбати билан ўтказилаётган оммавий тинглаш жараёнида ўқувчи дикқати аниқ бир мақсадга йўналтирилган бўлиб, у куй ва матнни қабул қилишда ўз дикқатини марказлаштиради, олаётган завқининг маъносини тушунишга ҳаракат қиласи. Бу эса, матнни ўзлаштириш ва тушунишда ўқувчиларнинг фаоллигини таъминлади.

Ашула эшитилгандан сўнг ўқитувчи мусиқанинг таъсир кучини савол-жавоб усулидан фойдаланиб аниқлади.

Ўқитувчи: Ашула сизда қандай таассурот қолдирди?

Ўқувчи: “Мехрибоне топмадим” ашуласи хаёлимни Навоий яшаган жуда мураккаб замонага олиб кетди. Ўз ҳалқи ва ватанини чин қалбдан севган, унинг баҳт-саодати йўлида хизмат қилишни шараф деб билган, азиз элатни якка кифт бўлиб, зулмат ботқогидан олиб чиқмокчи, ҳалос этмокчи бўлган, бу йўлда меҳр кўп кўргузиб, аммо меҳрибон кишисини тополмаган, ўз истеъоди хазинаси маъноларини тортиқ қилиш учун муносиб кишини учратса олмаган, шоҳларнинг қилич кучи билан қила олмаган ишларини сўз қурдати билан амалга ошириб ўзи учун муносиб ҳайкал кўйиб кетган шоирининг улуғвор сиймоси кўз ўнгимда гавдалангандек бўлди.

Ўқувчи: Ашулани тинглар эканман, гўё улуғ адабимиз одамлар орасида алам билан кезиб юргандек, шу кунларимизда ўз ота-онасини хўрлаётган бебунёд фарзандлардан, қариялар ва болалар уйларидағи меҳрга зор кишиларнинг ноласидан, турғунлик даври адолатсизликлари туфайли ҳануз жабр тортаётган қалбларнинг фигонидан,

Афғонистондан ногирон бўлиб қайтган йигитларнинг аянчли тақдиридан, тобора кескинлашаётган Орол муаммосидан надоматлар чекаётгандек, қайта дунёга келса ҳам, ўзи ҳақида эмас, ҳалқнинг дарди, муаммоларини ўйлаётгандек туюлди.

Ўқувчи: Навоий асарларини тушунган, севган кишиларгина ўз ҳалқининг бахти, фаровонлиги, маданияти, тили ҳақида қайғурган шоирмизнинг дардига шерик бўла олар, орзу ва ниятларининг руёбга чиқишига кўмаклаша олар экан деган хulosага келдим.

Ўқитувчи: Ашулани тинглаш билимингизга нима янгиликлар кўшди?

Ўқувчи: Биз лирика ҳақидаги маълумотларни ўтилган дарсларимиз жараёнида ҳам ўрганганмиз. Навоий лирикасининг гўзал намунаси саналган “Меҳрибоне топмадим” ашуласини тинглагач, лириканинг ҳис ва туйғуларни нозик ифодалашини, газал маъноси билан куй мос тушганда унинг таъсирчанлиги ниҳоятда ортишини билиб олдик.

Ўқитувчи: Мумтоз шоирларимиздан яна кимларнинг шеърлари куйга солиб айтилган?

Ўқувчи: Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1483-1530), Атоий (XIV аср охири X Vasrning биринчи ярми), Шермуҳаммад Мунис Хоразмий (1778-1829), Амирий (1787-1822), Муҳаммадризо Оғаҳий (1809-1874) Бобораҳим Машраб (1640-1711), Жаҳон отин Увайсий (1780-1850), Моҳларойим Нодира (1792-1842), Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат (1858-1909) каби мумтоз адабиёт вакилларининг ғазаллари билан айтиладиган ашулалар ҳаво тўлқинлари, ойнаи жаҳон ва интернет тизими орқали янграб туради.

Дарснинг якунловчи қисмида ғазални ёд олиш ва қизиқсан ўқувчиларга уни куй билан ижро этишни машқ қилиш уйга вазифа қилиб топширилади.

Кўп йиллик тажриба ва қузатишларимизга асосланиб, куйидаги хulosаларни айтишимиз мумкин: Алишер Навоий ғазаларини ўргатишида мусиқадан фойдаланиш ўрганилаётган материалларни тўлиқроқ, чукурроқ тушунишга кўмаклашади; оғзаки ва ёзма нуткни ўстиради; ўқувчиларнинг билимларини бойитади, изчиллаштиради, умумлаштиради; тафаккурини, тасаввурини, дунёқарашини ривожлантиради; маънавий дунё-қарашини кенгайтиради, санъатга, Ватанга муҳаббат ҳисларини тарбиялади; улуғ бобомиз Алишер Навоий шахсига хурмат ва тақлидларини оширади; ватанпарварлик, инсонпарварлик, миллий анъана ва қадриятларимизга хурмат, ифтихор руҳида тарбиялашга хизмат қиласди.

## УЧИНЧИ БОБ

# СИНФДАН ТАШҚАРИ ИШЛАР ЖАРАЁНИДА АЛИШЕР НАВОЙ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИНИ ФАНЛАРАРО ИНТЕГРАЦИЯ АСОСИДА ЎРГАТИШ УСУЛЛАРИ

Умумий ўрта таълим мактаби, академик лицей ва касб-хунар мактабларида ўқувчилар ўзбек адабиёти вакиллари асарларининг энг яхши намуналари билан танишадилар, уларни шакл ва мазмун бирлигига тахлил қилиш кўнгли масини эгаллайдилар. Бирок дарс давомида дастурда белгиланган асарларни ўрганиш билангина чекланилади. Бу ҳол бадиий адабиётнинг ёшларимиз тарбиясига ижобий таъсирини тўла таъминлаш, уларнинг қобилиятини ўстириш ва юксалтириш имконини бермайди. Шу жиҳатдан қараганда, таълим жараёнида синф ва синфдан ташқари тадбирларни биргаликда олиб бориш, турли фан ўқитувчиларининг ўзаро ҳамкорлигидан самарали фойдаланиш, ўқувчиларни тарбиявий ишнинг хилма-хил оммавий ва якка шаклларига жалб этиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Адабиёт фани бўйича синфдан ташқари ишларни тўғри йўлга кўйиш ва ташкил этиш дарсда берилган назарий билимларни янада мустаҳкамлайди, гўзалликни идрок этиш қобилиятини ўстиради, адабиётга қизиқишини оширади; ўқувчиларда илмий дунёқарашни шакллантириш, инсоний хулқ-атвор меъёрларини таркиб топтиришда муҳим восита бўлиб хизмат қиласди. Синфдан ташқари ўқиши, ўқилган асарлар юзасидан турли мавзуларда ўтказиладиган китобхонлар конференциялари, адабий кечалар, тўгарак машгулотлари, савол-жавоблар, мушоиралар, ҳафталиклар, мунозара ва учрашувлар ўқувчилар жамоасини жиспластиради, уларда ватанпарварлик, инсонпарварлик, меҳнатсеварлик ҳиссини тарбиялади. Бундай тадбирларнинг амалга оширилиши ўқувчиларнинг ўзбек ва қардош халқлар адабиёти намояндаларининг бой ижодий мероси билан танишишларига, ҳар бир халқнинг ўзига хос миллий урф-одатлари, анъаналари борлигини билиб олишларига яқиндан ёрдам беради.

Бадиий адабиёт инсоннинг маънавий оламини бойитибгина қолмасдан, балки уларда юксак ахлоқий фазилатларни таркиб топтириш ишига ҳам хизмат қиласди. Адабиётни қайнаб турган бир булоққа киёс қилиш мумкин. Чунки ҳамма инсоний ҳислар ва тушунчалар жамиятга шу булоқ – адабиёт орқали оқиб келади, – дейилса хато бўлмайди.

Ақлий, ахлоқий камолот учун дарсликларда берилган маълумотларни ўрганиш, шу асарлар ғояси таъсирида ўзида ижобий фазилатларни тарбиялаш билангина чекланиб бўлмайди. Бу ўринда дарсликларда ўрганишга кам эътибор бериладиган материаллар, бадий асарларни мустақил ўқиш, мустақил ўқилган асарлар юзасидан хилма-хил мавзуларда синфдан ташқари тадбирлар ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Хозирга қадар адабиёт фани бўйича синфдан ва мактабдан ташқари олиб бориладиган ишлар, уларни ташкил қилиш йўллари, аҳамияти ҳакида бир қатор тадқиқотлар, методик қўлланмалар яратилган.

М.Самадовнинг “5-10-синфларда синфдан ташқари ўқиш”<sup>63</sup>, К.Жўраевнинг “Адабиёт кабинети ва ўқитишида кўргазмалилик”<sup>64</sup>, С.Долимов, Ҳ.Убайдуллаев, Қ.Аҳмедовларнинг “Адабиёт ўқитиши методикаси”<sup>65</sup>, Ф.Бадриевнинг “Юқори синфларда адабиётдан синфдан ташқари ишлар”<sup>66</sup>, О.Мусурмонованинг “Адабиёт ва ахлоқий тарбия”<sup>67</sup>, А. Зуннунов ва бошқалар<sup>68</sup> ҳамда Б.Тўхлиевнинг “Адабиёт ўқитиши методикаси”<sup>69</sup> каби адабиётлар, “Тил ва адабиёт таълими” журналида чоп этилаётган мақолалар шулар жумласидандир.

Аммо шуни таъкидлаш зарурки, адабиёт ўқитувчилари, маънавий-маърифий ишлар ташкилотчилари, ташаббускор ўқитувчилар учун сув билан ҳаводек зарур бўлган ушбу қўлланмаларни ҳамма ерда ҳам топиб бўлмайди, айримларини танқидий ўрганиш зарурияти туғилмоқда. Шунга қарамай, республикамиз мактаб, академик лицей ва касб-хунар мактабларида бир қатор илгор адабиёт фани ўқитувчилари мавжуд имкониятларини сафарбар этиб, синфдан ташқари тадбирларни ўтказиш соҳасида анчагина тажриба ортирганлар. Лекин республикамизнинг барча мактабларида ҳам бундай тадбирлар муваффақиятли амалга ошириляпти дейиш қийин.

<sup>63</sup> Самадов М. 5-10-синфларда синфдан ташқари ўқиш: Ўқитувчилар учун методик қўлланма. – Т.: Ўқитувчи, 1962.

<sup>64</sup> Жўраев К. Адабиёт кабинети ва ўқитишида кўргазмалилик: Ўқитувчилар учун методик қўлланма. – Т.: Ўқитувчи, 1965. – 1406.

<sup>65</sup> Долимов С., Убайдуллаев Ҳ., Аҳмедов Қ. Адабиёт ўқитиши методикаси. – Т.: Ўқитувчи, 1967. – 2416.

<sup>66</sup> Бадрисев Ф. Юқори синфларда адабиётдан синфдан ташқари ишлар: Ўқитувчилар учун методик қўлланма. – Т.: Ўқитувчи, 1969. – 1166.

<sup>67</sup> Мусурмонова О. Адабиёт ва ахлоқий тарбия. Ўқитувчилар учун методик қўлланма. – Т.: Ўқитувчи, 1988. – 966.

<sup>68</sup> Зуннунов А. ва бошқалар. Адабиёт ўқитиши методикаси: Ўқув қўлланма. – Т.: Ўқитувчи, 1992. – 3296.

<sup>69</sup> Б.Тўхлиев. Адабиёт ўқитиши методикаси: Ўқув қўлланма. – Т.: Баёз, 2010. – 1676.

Кўп йиллик тажриба ва кузатишлиримиздан шу нарса аён бўлдики, фақатгина дарслик материаллари билан чекланадиган, ўкувчиларнинг қизиқиши ва ижодкорлигини таълим-тарбиянинг энг самарали усуллари билан уйғунлаштира олмайдиган адабиёт ўқитувчилари ҳам бор. Шунинг учун ўкувчилар синфдан ташқари тадбирлар воситасида ўз билимларини чуқурлаштириш, умумлаштириш, дунёқарашларини кенгайтириш, хулқ-атворларидағи ижобий сифатларни такомиллаштириш имкониятидан етарлича фойдаланмаяптилар. Яна шуни таъкидлаш ўринлики, республикамиз умумий ўрта таълим мактаби, академик лицей ва касб-хунар мактабларида синфдан ташқари тадбир сифатида кўргазмалар тайёрлаш, адабий кечалар, савол-жавоблар, китобхонлар конференцияси, мушоиралар тез-тез ўtkазилади; ҳаftаликлар, кўргазмалар кам ўtkазилади; музейларга бориш, турли фан ўқитувчилари билан биргаликда адабий кечалар, саёҳатлар уюштириш, талаб даражасида ўtkазилмайди хисобида.

Бизнингча, юкоридаги камчиликларни бартараф этиш, синфдан ташқари ўtkазиладиган тадбирларга эътиборни кучайтириш учун, биринчидан, ўқитувчилар учун методик тавсияларни кўпайтириш; иккинчидан, адабиёт ўқитувчиларнинг ижодкорлигини, ташаббускорлигини намойиш этиш учун шароит яратиш; учинчидан, умумий ўрта таълим мактаби, академик лицей ва касб-хунар мактаблари таълими тизимидағи фан ўқитувчи-ларининг ҳамкорлигини йўлга кўйиш; тўртингчидан, бундай тадбирларни ўtkазиш учун ҳам моддий, ҳам маънавий қўллаб-куvvatлашни уюштириш ва ўtkазилган тадбирларнинг натижаларини ўз вақтида баҳолаб боришни ташкил қилиш ниҳоятда муҳимдир.

Юкорида баён қилинган фикрларга асосланиб, биз синфдан ташқари ишлар жараёнида турли фан (тарих, тасвирий санъат, мусиқа, бадий адабиёт, география, биология, меҳнат таълими, жисмоний тарбия) материалларидан уйғун ҳолда фойдаланишининг асосий шакллари – турли фан ўқитувчилари билан биргаликда ўtkазиладиган адабий кеча, тўғарак, ҳаftалик, саёҳатлар ҳақидаги фикрларимизни жамлашни лозим топдик. Куйида улардан намуналарни Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини фанлараро интеграция асосида ўргатиш мисолида баён этдик. Ҳамкорликдаги ижодий изланишлар натижасида тўпланган кўргазмали материаллар: расм, тарихий, бадий манбалар; ҳарита, жадвал, ўкувчиларнинг кўл меҳнатидан намуналар билан таништирдик. Бунда биз асосий назарий манбалар сифатида юкорида номлари тилга олинган адабиётлар, кундалик матбуот материаллари,

илғор адабиёт фани ўқитувчилари ва шахсий тажрибаларимизга таяндик.

Зоро, Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганларидек, Абдулла Авлонийнинг “Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир” деган чукур маъноли сўзлари ҳозирги вақтда ҳам муҳим ва долзарб аҳамият касб этар экан<sup>70</sup>, ушбу тавсия ва кўрсатмалар ана шундай улкан уммонга бир томчи сифатида қўшилса деган умиддамиз.

### **3.1. Адабиёт тўгараги машғулотида “Сабъаи сайёр” достонини фанлараро интеграция асосида ўргатиш усувлари.**

Адабиёт фани бўйича синфдан ташқари ўқиши, ўрганилаётган асарлар юзасидан турли мавзуларда ўtkазиладиган китобхонлик конференциялари, адабий кечалар, тўгарак машғулотлари, саволжавоблар, мушоиралар, ҳафталиклар, мунозара ва учрашувлар дарсда берилган назарий билимларни янада мустаҳкамлайди, сифат ва самарадорликни оширади.

Алишер Навоий қаламига мансуб асарлардан бири – ўзбек мумтоз адабиётининг чўққиси – “Шарқ адабиёти анъаналари асосида яратилган “Хамса” – жаҳон адабиётининг ноёб ва ўлмас дурдонасига айланган десак, асло муболага бўлмайди.

“Хамса” нинг яратилганига (1483-1485) 2021 йилда 536 йил тўлди. Бу дурдона асарлар ҳамон бутун инсоният, ўзбек китобхонлари ва барча Навоий ихлосмандларининг энг севимли асарларидан бири бўлиб келмоқда. Чунки шоир “Ҳайратул-аброр” (483), “Фарход ва Ширин” (1484), “Лайли ва Мажнун” (1484), “Сабъаи сайёр” (1484), “Садди Искандарий” (1485) достонларида одамийлик, инсоф ва адаолат, сахийлик ва раҳмдиллик, мардлик ва қаҳрамонлик, меҳнатсеварлик, инсонпарварлик ва ватанпарварлик, илм-маърифат, самимий муҳаббат ва вафодорлик, ҳаёт ва гўзалликни чексиз севиш, дўстлик ва садоқат, тўғрилик ва камтарлик, ҳалоллик ва поклик каби фазилатларни асарларидаги гўзал ижобий тимсоллар ҳаракати, тақдирли, интилиши орқали улуғлайди; зулм, адолатсизлик, баҳиллик, зиқналик, жаҳолат, босқинчилик каби қабиҳликларни эса салбий тимсоллар воситасида кескин қоралайди.

<sup>70</sup> Электрон манбаа: [www.pv.uz/news/](http://www.pv.uz/news/) Мирзиёев Ш.М. Мактаб таълим министрига ривожлантириш умумхалқ ҳаракатига айланиши зарур. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2019 йил 23 август куни ўтказилган таълим масалаларига багишланган видеоселекторда сўзлаган нутки. - Т.: 2019 йил 24 август.

Куйида биз “Хамса”нинг тўртинчи – “Сабъаи сайёр” достонини адабиёт тўгараги машғулотида фанлараро интеграциясидан фойдаланган ҳолда ўргатиш ҳақидаги фикрларимизни ўртоқлашмоқчимиз.

Умумий ўрта таълим мактаблари ўқув дастурида “Хамса” асарини ўрганиш учун 7 соат вақт ажратилган; 2 соат “Ҳайратул-аборор”, “Лайли ва Мажнун”, “Сабъаи сайёр”, “Садди Искандарий” достонларини ўрганиш учун; 5 соат “Фарҳод ва Ширин” достони таҳлили учун сарфланади. Ажратилган соатлар етарли бўлмаса-да, ўқувчилар “Хамса”да ифодаланган гоялар, шоирнинг бадиий маҳорати, услуби ҳақида кисқа маълумот оладилар. Аммо “Хамса”нинг тўрт достони ҳақида батафсилоқ маълумот бериш имконияти ўқитувчининг ўзига ҳам боғлик. Чунки ҳар бир достон билан чуқурроқ таништириш ўқувчиларнинг адабиётга, санъатга қизикишларини оширади, шоирнинг шахсига, ижодига бўлган ҳурматни кучайтиради, уларни ахлоқий тарбиялашда муҳим роль ўйнайди. Шу мақсадда биз “Сабъаи сайёр” достонини адабиёт тўгараги машғулотида фанлараро интеграциядан фойдаланган ҳолда ўргатиш учун мўлжалланган таҳлил намунасини тавсия қилмоқчимиз.

Ушбу намунадан дарс жараёнида ҳам фойдаланиш мумкин. Бунинг учун ўқитувчи Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини ўрганиш бўйича ўтилганларни мустаҳкамлаш дарси ҳамда синфдан ташқари ўқиш соатини кўшиб, 2 соат вақт ажратади.

Бу машғулотни ўтказишини ўқув йилининг бошида режалаштирган бўлиши лозим. Бунда у тўгарак машғулотини шоирнинг ҳаёти ва ижоди ўрганиб тугалланган вақтга белгиласа, мақсадга мувоғик бўлади. Чунки бу пайтда:

1. Ўқувчилар Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижоди билан боғлик материаллар билан яқиндан танишиб чиқсан бўладилар.

2. Унинг асарларини, айниқса, “Хамса” достонларини ўрганишга қизикишлари кучли бўлади.

3. Ўқитувчи бу машғулотни ўтказиш тартибини олдиндан белгилаб, бир гурух ўқувчиларга “Сабъаи сайёр” хикоятларини ўқиб, ўз фикрларини баён этиш (ёки етти хикоятнинг аудио шаклини яратиш)ларини, барча тўгарак аъзолари ҳам достоннинг мазмуни билан танишиб чиқишиларини топширган бўлади.

4. Биология, расм, мусиқа, информатика фани ўқитувчилари, улар раҳбарлигидаги тўгарак (“Ёш экологлар”, “Гўзаллик ва нафосат”,

“Чаққон күллар” – “Ёш компьютерчилар”) аъзолари ҳам бу ҳамкорлик режаси билан таниширилди ва биргаликда тайёргарлик күрадилар.

Үқитувчи тұғарак машғулотини кириш сүзи билан бошлайды. У хамсачилик тарихи, буюк хамсанавис (Низомий Ганжавий Шарқ адабиётида биринчи бўлиб 1170-1204 йиллар оралиғида “Панж ганж” (“Беш хазина”) асарини яратди, Хусрав Дехлавий 1299-1302 йилларда “Хамса”, Абдураҳмон Жомий 1481-1483 йилларда “Панж ганж” (“Беш хазина”) асарини ёзди; кейинчалик хамсанавислик анъанаси давом эттирилиб, 300 нафарга яқин ижодкор “Хамса” ёзганлиги аниқланган)лар, Алишер Навоий “Хамса”сининг яратилиш тарихи, унинг достонлари ҳақидаги маълумотларни эслатади ва асосий эътиборни “Сабъаи сайёр” достонига қаратиб, бу асар ишқий-саргузашт характерда бўлиб, тузилиш жиҳатидан “Хамса” таркибидағи достонлардан тубдан фарқ қилиши, достонда даврнинг катта ҳаётий ва сиёсий муаммолари севги воситасида ҳал қилиниши тұғрисида гапиради. Сүнгра достоннинг сюжетини (шоҳ Баҳромнинг Ажам мулкида адолат ва шавкат билан салтанат суришидан тортиб, то Дилором билан топишиб, баҳтиёр бўлиши, сүнгра уни овдаги мағруона сўзлари учун (Баҳромнинг овдаги мерғанлик маҳоратини – ўзи айтганидек, кийикнинг икки оёгини банд этиб, сүнг бошини кесганини мақташ ўрнига “машқнинг натижаси” деб айтгани шоҳнинг ғазабини келтиради) ўз соchlарига боғлаб сахрого олиб бориб ташлашни буюргани, Дилором саройдан йўқотилгач, унинг ишки, хижрон азобида бутунлай ўзлигидан айрилиши, 400 ҳаким ва табиб тұпланиб, икки йил даволаши натижасида бироз ўзига келгандылығы, маслаҳат билан етти икlim услубидаги қаср қурдирилиши, Баҳром ҳар бир кунини биттадан қасрда ўтказиши, у ердаги етти икlim шоҳларининг қизлари билан сұхбат қуриши ва ҳар куни биттадан мусофирнинг ҳикоясини эшлитиб ором олиши кераклигигача бўлган воқеаларни) баён этади.

Достондаги етти ҳикоянинг мазмунини эса олдиндан тайёрланиб келиши топширилган ўкувчилар (қўшимча манба сифатида Азиз Қаюмовнинг “Алишер Навоий” (Шоир ҳаёти ва ижоди ҳақида лавҳалар) тұплами [6, 86-99]ни тавсия этиш мақсадга мувофиқлигини алоҳида таъкидлаш ўринлидир) ҳикоя қилиб берадилар. Аммо машғулотнинг изчил, қизиқарли ўтишида үқитувчининг етакчилик маҳорати катта аҳамиятга эгадир. Шунинг учун у ҳар бир ўкувчи ҳикоянинг мазмуни, ғояси, образлари ҳақида фикр юритиб бўлгач,

унинг жавобларини тўлдириб, изоҳлаб, кейинги ўқувчининг фикри билан боғланишига ёрдам бериши зарур.

Тайёргарлик билан келган ўқувчилар тўгарак аъзоларини достоннинг олти ҳикояси (“Фаррух ва Ахий ҳақидаги ҳикоят”, “Зайд Заҳҳоб ҳақидаги ҳикоят”, “Саъд ҳақидаги ҳикоят”, “Жуна ва Маъсуд ҳақидаги қисса”, “Меҳр ва Суҳайл ҳақидаги ҳикоят”, “Муқбил ва Мудбир ҳақидаги қисса”) билан таништиргач, еттинчи ўқувчи хоразмлик созанданинг ҳикояси (еттинчи ҳикоя – “Хоразмлик мусофири ҳикояси”) мазмунини айтиб беради. Унинг айтишича, бу мусофири Хоразмда созандалик бобида ўз асрининг яктоси эди. Чин савдогари канизагининг санъатдаги тенгсизлиги элга танилгач, унинг созандалик бозори касод бўлади. Кейин у Хожанинг хизматига боради ва канизакнинг сирларидан воказиф бўлади. Бу канизак Дилором бўлиб, созанда (хизматкори)га Баҳром билан боғлиқ воқеаларни айтиб беради. Баҳромнинг буйруғи билан кўл-оёклари боғлаб саҳрого ташланган Дилоромни уни кўриш учун келаётган Хожаси топиб олиб, Хоразмга қайтариб олиб келган экан. Ҳозир у тирик бўлиб, ўз санъати билан ҳаммани мафтун этаётгани, Баҳромни ҳали ҳам севиши, унинг келишини интизорлик билан кутаётганини айтади.

Воқеаларнинг давоми (бу хабар Баҳромнинг мажруҳ танига қайта ҳаёт багишлиши, Дилоромни бир йиллик хирож эвазига яна саройга қайтариб олиб келиши, баҳт оғушида қайта ҳаёт кечириши, яна овга чиқиб, табиатга катта зарар етказиши, натижада, ариқ бўлиб оқаётган ҳайвонларнинг қонига ҳаводан ёққан ёмғир суви аралашиб, асли ботқоқ бўлган ўтлоқни бир зумда балчиқ қилиши, майдон оғирлашиб, Баҳромни аркони давлати, қўшини билан ўз қора домига тортиб кетиши (табиатни топтаганни ер ютади, табиатни севиш, асраш керак, чунки барча мавжудот табиатнинг неъматидир, у барчани ўз бағрида улгайтиради) ни эса ўқитувчи айтиб беради. Шу ўринда Баҳромнинг ҳалокатини ифодаловчи “Сўнгги ов” минатюраси мультимедия воситасида катта экранда намойиш этилади ва асардан олинган қуйидаги парча билан шарҳланади (бу жараёнда матн рухига мос мусика ёки жонли “Най навоси” эшилтириб турилади): “Хулосайи калом, юз ариқ қон оқиб, ҳар бир ариқ ер юзини балчиқقا, от оёғи эса у ерларни ботқоқка айлантириб турганда, осмондан ёмғир ҳам қуяберса, ёққанда ҳам шундай ёғсаки, ёмғирни олам ҳалқи устига дарё каби оқизса-да, фалак ундан хижолатга қолса, одам қаерда қимирласа, ўша ер чўқадиган бўлса, бу пайтда эл-улус ўз ҳаётидан кўзини юмса айб эмас. Ниҳоят, шу айтганларимизнинг ҳаммаси бир

бўлиб, бир дамда ов қилаётган одамларнинг барчасини ер ютиб, нобуд қилди-кўйди”<sup>71</sup>.

Шу ўринда “Гўзаллик ва нафосат” тўгараги аъзолари томонидан тайёрланган Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқатнинг “Сайдинг кў бер сайёд” мусаддаси<sup>72</sup> [72, 390], Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Қолдиму” [72, 160], Бобораҳим Машрабнинг “Агар ошиқлигим айтсам” [72, 229], Алишер Навоийнинг “Меҳр кўп кўргуздим аммо меҳрибоне топмадим” [72, 25] ғазаллари асосидаги қўшиқлардан бирининг ижро этилиши ёки таникли хонандалар ижросидаги аудио ёзувининг эшилтирилиши маъruzанинг таъсирчанлигини янада ошириш учун хизмат қиласди.

Машғулотни қуйидагича хulosаланади: “Ҳар бир нарсанинг интиҳоси бор, инсон ҳаёти ҳам абадий эмас. Шунинг учун ҳар бир инсон ўзига берилган қисқа умрини эзгуликка сарф қилиши керак деган ғоя “Сабъаи сайёр” достонининг асосий ғоявий мазмунини ташкил этади.

Алишер Навоий ўзининг бу асарида ҳалқ ва мамлакат манфаатларидан келиб чиқиб, қаламини ёзувлік, худбинлик, манманликка қарши чархлайди. У ўз кўнглига яқин ишқ-муҳаббатни инсонни покловчи энг олижаноб фазилат деб кўкларга кўтаради. Лекин шахснинг мақсадга этиши учун факат муҳаббатнинг ўз камлик қиласди. Бунинг учун ҳақиқий ошиқ маъшуқаси билан бир каторда ўз Ватанини, ҳалқини ҳам оташин муҳаббат билан севмоғи даркор. Баҳромнинг бир томонлама муҳаббати қандай натижаларга олиб келгандилиги мисолида шоир ўқувчиларга Ватан, ҳалқ олдидағи бурчларини яна бир бор эслатгандек бўлади. Ушбу гоя ҳали ҳануз аҳамиятини йўқотмаганини, янада долзарблик касб этаётганини уткиради.

Бир сўз билан айтганда, Алишер Навоийнинг “Сабъаи сайёр” достонидаги эзгу ғоялар ҳозирги кунда ҳам ёшларни ҳар томонлама баркамол шахс бўлиб этишишлари учун хизмат қилиб келмоқда”.

Машғулот хulosалангандан сўнг, савол-жавоб усулидан фойдаланиб (“Кластер”, “БББ”, “Эркин ёзиш” каби интерфаол усуллар ҳам кўлланади), ўқувчиларнинг билими мустаҳкамланади. Бунинг учун қуйидаги саволлардан унумли фойдаланиш мумкин:

<sup>71</sup> Навоий, Алишер. Сабъаи сайёр: (Насрий баёни билан) // Тахрир ҳайъати: А.Қаюмов ва бошк.: Масъул муҳаррир Б.Ҳасанов/. – Т.: Нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991. – Б.525.

<sup>72</sup> Адабиёт (Мажмua) : Академик лицейларнинг 2-боскич ўқувчилари учун / Тузувчилар Б.Тұхлиев, Р.Мирсамикова, О.Аметова. – Т.: Чүлпонномидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2007. – 432 б.

“Сабъаи сайёр” достонининг яратилиш тарихи, мавзуси ва фояси хақида нималар дея оласиз?”, “Алишер Навоийнинг бадиий маҳорати хақида гапиринг”, “Баҳром Дилоромни жазолаб тӯғри килдими?”, “Фаррух ва Ахийдек олижаноб киши бўлиб етишиш мумкинми?”, “Хунарни нималарга сарф этиш керак?”, “Саъд нима учун қийинчиликларни енгишга қарор килди?”, “Олийхиммат, саховатли киши деганда кимларни тушунасиз?”, “Мехр ва Суҳайлнинг инсоний фазилатлари нималардан иборат?”, “Ёлғончиликнинг оқибати нималарга олиб келиши мумкин?”, “Санъатнинг сеҳрли кучи хақида нималар дея оласиз?”, “Баҳромнинг “кўзи нега очилмади?”, “Табиат ўч олади...” гапига муносабатингиз қандай? Ҳаётий мисоллар айта оласизми?”

Машғулотнинг якунловчи қисмida эса “Ёш экологлар”, “Гўзаллик ва нафосат”, “Чаққон қўллар” – “Ёш компьютерчилар” тўгараги аъзолари томонидан тайёрланган “Табиатни асройлик”, “Етти гўзал”, “Ватан каби мангу Навоий”, “Сабъаи сайёр” достони қаҳрамонлари адабиёт ва санъатда” каби мавзулардаги мустақил-ижодий ишлар, расмлар, сайдлар, кластерлар, деворий газеталар, каштачилик намуналари кўзгазмаси намойиши ўtkазилади, фаол иштирокчилар тақдирланади.

Машғулот сўнггида ўкувчиларга достон ва ундаги ҳикоялардан олган таассуротларига асосланиб, қўйидаги мавзулардан бирига ўз фикр-мулоҳазаларини ёзиб келиш уйга вазифа қилиб топширилади:

“Сабъаи сайёр” достонидан олган таассуротларим”, “Инсоннинг маънавий гўзаллигини нималарда кўриш мумкин?”, “Ҳақиқий хунарманд қандай бўлиши керак?”, “Муҳаббат кишиларни қаҳрамонликка ундейди”, “Сахийлик ва баҳилликнинг оқибатлари нималарга олиб боради?”, “Суҳайл ва Мөхрнинг менга ёқкан фазилатлари”, “Ёлғон сўзлаган ёрилиб ўлар”, “Дилоромнинг санъатга ҳамда Баҳромга муносабатини қандай баҳолайсиз?”, “Баҳромнинг ҳалокатига нималар сабаб бўлди?”, “Она табиатни асраб-авайлаш – ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчи”.

Фанлараро интеграция асосидаги адабиёт тўгараги машғулотлари ўкувчиларнинг билим доирасини кенгайтиради, мустаҳкамлайди; бадиий ижодга қизиқишини уйғотади, фикрлаш қобилиятини камол топтиради, дастур материалларини пухта ўзлаштиришларига ёрдам беради, ижодкорлик қобилиятини тарбиялади, ўстиради; эгаллаган билимларини амалиётга татбик этиш малака ва кўникмаларини такомиллаштиради, ўзаро ҳамкорлик мухитини шакллантиради, ўз

фаолиятини түғри ташкил этиш, фан янгиликлари билан мунтазам танишиб бориш, мустақил-ижодий ишлаш кўникмалари ривожлантиради; уларда ёрқин ва кучли таассуротлар ҳосил қиласди, бадиий ва эстетик дидларини ривожлантиради; ўқувчилар ва ўқитувчилар аҳил жамоа бўлиб фаолият олиб боришларини таъминлайди, санъатга, она-Ватанга муҳаббат, ифтихор ҳисларини тарбиялади.

### **3.2. Турли фан ўқитувчилари билан ҳамкорликда ўтказиладиган адабиёт ҳафталиги жарайёнида Алишер Навоий асарларини ўргатиш шакллари.**

Ҳафталик – адабиётдан ўтказиладиган синфдан ташқари иш шаклларидан бири бўлиб, ўқувчилар билимини бойитишида, дунёқарашини кенгайтиришда, ижодкорлик қобилиягини ўстиришда, ахлоқий сифатларни таркиб топтиришда катта аҳамиятга эгадир. Республикаиз мактабларида кам қўлланадиган бу иш шаклини амалга ошириш учун бутун ўқитувчилар жамоаси ёки бир-бирига яқин бўлган (адабиёт – тарих–расм – ашула; география – биология – зоология; математика – физика – химия каби) фан ўқитувчиларининг ҳамкорликда иш олиб бориши талаб этилади.

Бу тадбирни амалга оширишдаги масъулият ва жавобгарлик кўпроқ мактаб, академик лицей, касб-хунар мактаблари маънавий-маърифий ишлар ташкилотчиси зиммасига тушади. Чунки ҳафталиклар фақат бир фандан эмас, бошқа фанлардан ҳам ўтказилади.

Биз фаолият кўрсатган Наманганд давлат академик лицейида ҳафталиклар ўтказиш анъана тусиға айланган. Ҳар йили ўтказиладиган ҳафталикларни ташкил этишда адабиёт, тарих, инглиз тили, математика, химия, физика фани ўқитувчилари катта тажриба тўплаганлар.

Ҳафталикларни ўтказиш йилнинг бошида умуммактаб, академик лицей, касб-хунар мактаблари режасининг синфдан ташқари ишлар бўлимига киритилиши, ўтказиладиган вақти, ўрни аниқ белгиланган бўлиши, масъул шахслар огоҳлантирилиши лозим. Ҳафталикларни ўтказилиш тартибидан кўчирма олиб ўкув юрти фойесига илиб кўйилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Ҳафталикларда, асосан, юқори II-III босқич ўқувчилари иштирок этадилар. Биз уларга топшириқ беришда самарали ҳисобланган икки хил усулдан фойдаланиш мумкинлигини кузатдик.

1. Турли фан ўқитувчилари ҳамкорликда ёки алоҳида-алоҳида фан ўқитувчиси ишлаб чиқсан топшириқларни ўқувчиларга тақсимлаш.

2. Ҳар бир синф ўқувчиларига алоҳида-алоҳида навбат бериб, ўзларининг мустақил-ижодий чиқишлигини намойиш қилишни топшириш.

Биринчи усулдан фойдаланилган ҳолда ташкил этилган ҳафталиклар анча режали, изчил ва кизиқарли ўтади. Аммо ўқувчиларнинг ижодкорлигини тўла намоён этмайди, баъзан “қолипга тушган гаплар” такори кўлчиликка маъкул бўлмайди. Бундан ташқари, фан ўқитувчисига иш кўпайиб кетади. Натижада, улар бу тадбирларга юзаки муносабатда бўладилар. Ўқувчиларнинг тайёргарлигини назорат қила олмайдилар.

Иккинчи усулдан фойдаланиш ўқитувчига ҳам, ўқувчиларга ҳам анча қулайликлар туғдиради. Бундай иш усулида ўқувчилар ижодкорликка, мустақилликка, топқирликка ўрганадилар. Аммо шуни ҳам таъкидлаш зарурки, ҳамма ишни ўқувчиларнинг ўзларига топшириб кўймасдан, гурух раҳбарлари билан биргаликда уларга маслаҳатлар бериб туриш, дастурларининг хилма-хил бўлишига эришишларида, керакли адабиётлар, техника воситаларини топишларида яқиндан ёрдам бериш ниҳоятда муҳимдир. Акс ҳолда, бу усул ҳам яхши натижа бермаслиги мумкин.

Кўриниб турибдик, иккинчи усул анча қулай ва фойдали. Аммо ҳамма топшириқларни аъло даражада бажарадиган, доимо ижодий изланадиган, синфдан ташқари ишларга қизиқадиган ва вакт топа оладиган ўқувчиларни, ҳатто, ўқитувчиларни топавериш мумкин бўлган идеал ҳолатни доимо учратавермаймиз. Бундан ташқари, мактаб, академик лицей, касб-хунар мактаби жамоаси аъзолари бу соҳада маълум даражада тажрибага эга бўлишлари ёки тажрибасизликлари ҳам тадбирни ижобий ёки салбий томонга ўзgartириб юбориши мумкин.

Бизнингча, юқорида таърифланган икки усулни умумлаштириш ўқувчиларни режали, мустақил, ижодий ва ҳамкорликда ишлашни талаб этадиган топшириқлар, тавсиялар ишлаб чиқиш орқали жамоада синфдан ташқари тадбирларнинг жонланишига эришиш мумкин.

Биз республикамиз мактаб, академик лицей, касб-хунар мактабларида фаолият юритаётган илфор адабиёт ўқитувчиларининг тажрибаларига суюнган ҳолда, “турли фан ўқитувчилари билан ҳамкорликда ўтказиладиган ҳафталик” тадбирини маъкуллаймиз ва

тажрибамиизда синовдан ўтган, яхши натижалар берган адабиёт ҳафталиги режаси намунасини кўрсатиб ўтамиз.

(Бу тадбир Наманган давлат университети академик лицейидаги ўтказилган).

Ҳафта кунлари	Тадбир номи	Бажариш муддати	Масъул шахслар
Душанба	“Навоий ва Бобур ижодини ўрганишда миллий анъаналар (байтбарақ, каштачилик)нинг ўрни ҳамда аҳамияти” мавзусида сұхбат, маслаҳатлар.	11.02.2019	М.Рахмонова Ш.Турғунов О.Шерматова
Сешанба	Адабиёт, тарих, география, биология фани материаллари асосидаги савол-жавоблар мусобақаси	12.02.2019	М.Рахмонова И.Шералиев Н.Расулов
Чоршанба	“Шоирлар образи ва уларнинг асарлари саҳнада” номли саҳна кўринишлари намойиши	13.02.2019	М.Рахмонова Ш.Турғунов
Пайшанба	“Боболаримиз замондошлари хотирасида” мавзусида сұхбат	14.02.2019	М.Рахмонова И.Шералиев
Жума	“Навоий ва Бобур образи адабиёт, санъатда” мавзусида адабий композиция	15.02.2019	М.Рахмонова Ш.Турғунов О.Усмонова
Шанба	Якуний кун: ўқувчилар томонидан ишланган альбомлар, деворий газеталар, расмлар, кашталар кўргазмаси, фаол иштирокчиларни тақдирлаш	16.02.2019	Академик лицей ўқитувчилари жамоаси.

Бу намуна асосидаги адабиёт ҳафталигини ташкил этиш ва ўтказиш жиддий тайёргарлик ишларини талаб этди.

Аввало, бу тадбирни ўтказиш режаси тузиб чиқилди. Бунда адабиёт фанининг қайси масалаларини қандай воситалар ёрдамида ёритилиши ва улар кимлар томонидан бажарилиши, ўтказиладиган жойи ва вакти, иштирок этувчиларнинг вазифалари аниқ кўрсатиб ўтилди.

Тайёргарлик ишлари бир, бир ярим ой давом этди.

Тавсия қилинаётган ҳафталиқ режаси намунаси Алишер Навоий ҳамда Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва ижоди ҳақидаги адабий, илмий, бадиий, тарихий асарларни чукурроқ ўрганиш орқали ўқувчиларнинг адабиёт фанидан олаётган билимларини янада

бойитиш, уларнинг шу фанга, жумладан, буюк боболаримиз шахсига қизиқишиларини ошириш мақсадини кўзда тутади.

Ҳафталикни амалга ошириш ишига адабиёт, тарих, расм, ашула, география фани ўқитувчилари, гурӯҳ раҳбарлари ва II, III боскич ўқувчилари жалб этилди.

Бу тадбир бир ҳафта давомида (11-16.02.2019 йил), асосан, эрталабки йигинларда, бир қисми эса дарсдан кейин амалга оширилди.

Фикримизнинг далили сифатида ҳафталик давомида ўтказилган тадбирларнинг қисқача мазмунини келтиришни лозим топдик.

**1. “Навоий ва Бобур ижодини ўрганишда миллий анъаналар (байтбарак, каштчилик) нинг ўрни ва аҳамияти” мавзусида сұхбат ва маслаҳатлар.**

Бу сұхбатни уюштиришда адабиёт ва эстетика фани ўқитувчилари ҳамкорликда иш кўрадилар. Дастрлаб, адабиёт фани ўқитувчиси М.Рахмонова Алишер Навоий ва Захириддин Мұхаммад Бобурнинг адабиётимиз ривожидаги роли, бебаҳо меросининг аҳамияти, уларнинг бизгача етиб келишида миллий анъаналарнинг, жумладан, ғазалхонлик – байт баракнинг ўрни ҳақида гапирап экан, куйидаги материаллардан фойдаланди:

“Алишер Навоий халқимизнинг онги ва тафаккури, бадиий маданияти тарихида бутун бир даврни ташкил этадиган буюк шахс, миллий адабиётимизнинг тенгсиз намояндаси, миллатимизнинг ғурури, шаъну шарафини дунёга тараннум қилган ўлмас сўз санъаткоридир. Таъбир жоиз бўлса, оламда туркий ва форсий тилда сўзловчи бирон-бир инсон йўқки, у Навоийни билмаса, Навоийни севмаса, Навоийга садоқат ва эътиқод билан қарамаса.

Агар бу улуғ зотни авлиё десак, у авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак, шоирларнинг султонидир”.

(“Юксак маънавият – енгилмас куч” асари)

“... Навоийнинг ижодий мероси нақадар улуғвор экани ҳақида мулоҳаза юритсак, кўз ўнгимида Осиёнинг маҳобатли тоглари гавдаланади. Бу “тоғли ўлка”нинг юксак чўққилари – “Хазойин ул-маоний” ва “Хамса” шу қадар фалакка бўй чўзганки, қараганнинг юраги энтигади. Бу ижод тоғларининг “геологияси” ҳали тўлиқ ўрганилган эмас. Уларнинг бағридаги “маъдан”лар эса бугунги авлод учун сиру тилсимлигича ётиби, факат айрим-айрим жойларидан маънавият “зарафшон”лари оқиб чиқиб турибди, холос”.

(А.Аззамов)

Маълумки, Алишер Навоий ва Захириддин Муҳаммад Бобур газаллари ўз замонасидан бошлабоқ мусиқасиз, созсиз ҳам ўқилиб, ёдланиб, айтилиб, оммалашиб кетаверади. Шоирлар газаллари беш асрдан бери хонадонларда, мактабларда, мажлисларда, тўйларда, сайлларда шеър муҳлислари, бадиий сўз усталари томонидан мушоира қилиб ўқилиши одат тусига кириб кетди. Газалларнинг шундай маросимларда куйга солмай ўқилиши газалхонлик, газалларни зўр маҳорат билан ўқиб берувчилар газалхон деб юритилади. Газалхонлик анъанаси ҳозирги вақтда ҳам халқимиз орасида давом этиб келмоқда. Халқимиз ўртасида газаллардан мушоира қилишнинг “байтбарак” ёки “баҳру байт” деб номланган шакли эскидан мавжуд бўлиб, ҳозирги кунимизда ҳам шу анъана давом этиб келяпти.

Байтбарак ўзига хос мушоира, шеър айтишдир. Унинг маълум тартиб-коидаси бор. Бир киши ўртага чиқиб бир байт (икки мисра) шеър айтади. Унинг шеъри қайси ҳарф билан тугалланса, навбатдаги шеърхоннинг байти ўша ҳарф билан бошланиши керак.

Масалан:

*Мени мен истаган ўз сухбатига аржуманд этмас,  
Мени истар кишининг сухбатин қўнглум писанд этмас.*

*(Алишер Навоий)*

*Сен, эй гул, кўймадинг саркашлигинги сарвдек ҳаргиз,  
Аёғингга тушиб барги хазондек қанча ёлбордим.*

*(Захириддин Муҳаммад Бобур)*

Шундан сўнг йигит-кизлар баравар иштирок этган иккита: 308- ва 309-гуруҳ ўқувчилари даврага чиқишиди. Жамоанинг эътиборли ва мутахассис ўқитувчиларидан иборат ҳайъат аъзолари сайланди. Улар гуруҳларнинг байт барак коидаларига қай даражада амал қилганликларига, шеър танлаш, вазнга риоя қилиш, ифодали ва мазмунли ўқишлигарига қараб баҳоладилар. Навоий ва Бобур шеърларига асосланган ҳамда 10 дақиқадан ортиқроқ давом этган байтбарак 309-гуруҳ ўқувчиларининг галабаси билан тугалланди.

Эстетика фани ўқитувчиси О.Шерматова каштачилик санъати ҳам Алишер Навоий замонидан бошлаб бизгача етиб келганлиги ҳақида гапиран экан, куйидагиларни алоҳида таъкидлади:

“Элимиз Навоий ва Бобурнинг халқчил, дардкаш газалларини тинглаш, куйлаш, ўқиш билангина кифояланмади. Шоирларини севган халқимиз уларнинг дил сўзларини турли-туман буюмларга – палак, зардевор, қийик, рўмол ва бошқа миллий кашталарга гул билан тикканлар, меҳмонхона деворларига, шифтларига, эшиклар тепасига

ва эшикларнинг ўзига, уй-рўзгор идишларига – пиёла, коса, товоқ, лаган, баркаш, кўза, гулдон (бу идишлар сопол, тош, мармар, мисдан ишланган) ва бошқалар (тош, мармар ва мис буюмлар)га бадиий ҳусниҳат билан ёзилган. Бу фикрни Алишер Навоийнинг куйидаги байти ҳам тасдиқлади:

Ёғлигин, эй ким, тикарсен, игна мужгонимни қил,  
Накш этарда тори онинг риштai жонимни қил.

“Фавойидул – кибар”

Шу матлаъ билан бошланувчи газалида ёғлиг (рўмол)га шеър битиш санъатини таъриф-тавсиф қиласди.

Шоирларнинг моддий буюмлар ва иморатларда акс этган, уларни жозибадор санъат асарига айлантирилган меҳр сўзлари – шеърлари халқимиз орасида кенг тарқалган. Бундай ҳолларда шоирларнинг ишқ-муҳаббатни, меҳмондўстлик ва ширинсуханликни, ахлоқ-одобни улуғловчи, тарғиб килувчи шеърлари, тўртликлари, байтлари танлаб олинганининг гувоҳи бўламиз”.

О.Шерматова маърузаси сўнгида лицейнинг собиқ битирувчилари, чевар дугоналари, фарзандлари томонидан Алишер Навоий ва Захириддин Муҳаммад Бобур байтлари билан безатиб тикилган сочиқ, белбоғ, зардеворларни намойиш қилди ва “уларнинг сирлари” ҳақида фойдали маслаҳатлар берди.

**2. Адабиёт, тарих, география, биология фани материаллари асосидаги савол-жавоблар мусобақаси.**

Бу мусобақани ўтказиш учун юкорида номлари саналган фан ўқитувчилари биргаликда иш олиб борадилар ва уни бошқарадилар.

Мусобақадан бир ҳафта аввал иккита гурух ўқувчиларининг хоҳишлиарига, фанларга бўлган қизиқишлиарига қараб уларни турли гурухларга – “Адабиётчилар”, “Тарихчилар”, “Географлар”, “Биологлар”га бўлинади ва мусобақа шартлари тушунтирилади. Бунда кўпроқ эътибор бу фанларнинг ўзаро алоқадорлигигагина каратилиши лозимлиги уқтирилади.

Фан ўқитувчилари томонидан тузилган саволлар ҳам гурухларга ажратилади. Ҳар бир гурух аъзоси ўзига ажратилган саволларга жавоб беради. Агар жавоб бера олмаса, бошқа гурух аъзоси жавоб бериб, баҳо олиши мумкин. Агарда бошқа гурух вакиллари ҳам жавоб беришга қийналсалар, томошабин ўқувчилар мусобақага жалб этилади.

Куйида ҳар бир гурух учун тайёрланган саволлардан намуналар келтирамиз:

1. “Хамса” ва “Бобурнома” ҳақида қисқача маълумот беринг (“Адабиётчилар” гурухи учун).

2. XIV-XVI асрлардаги ижтимоий ҳаёт ҳақида, ўша даврнинг кўзга кўринган тарихий шахслари ҳақида гапиринг (“Тарихчилар” гурухи учун).

3. Алишер Навоий ва Захириддин Муҳаммад Бобур бўлган жой номларини сананг (“Географлар” гурухи учун).

4. Икки буюк шоирнинг табиатга муносабатини ифода этувчи асарлари, уларнинг аҳамияти ҳақида сўзланг (“Биологлар” гурухи учун).

Ҳайъат аъзолари савол-жавобларни баҳолаб борадилар. Энг юқори баҳо тўплаган гурух ўқувчилари ғолиб ҳисобланади.

3. “Шоирлар образи ва уларнинг асарлари саҳнада” номли саҳна кўринишлари намойиши.

Бу тадбирга II-III босқич ўқувчилари жалб этилади. Улар ўзлари танлаган асарлар асосидаги саҳна кўринишларини навбатма-навбат намойиш қиладилар.

Саҳнада II босқич иқтидорли талабалари ижросида Хусрав ва Фарход мунозараси намойиш этилди:

Деди: қайдин сен, эй мажнуни гумрах?

Деди: мажнун ватандин қайда оғаҳ.

Деди: недур санга оламда пеша?

Деди: ишқ ичра мажнунлик ҳамиша...

Дедиким: куймагингни айла маълум!

Деди: андин эрур жоҳ ахли маҳрум!

Деди: қай чоғдин ўлдунг ишқ аро маст?

Деди: руҳ эрмас эрди танға пайваст...

Деди: ол ганж-у қўй меҳрин ниҳоний,

Деди: туфроққа бермон кимёни...

Дедиким: шаҳға бўлма ширкат андеш!

Деди: ишқ ичра тенгдур шоҳу дарвеш!...

Деди: ишқ ичра қатлинг ҳукм этгум!

Деди: ишқида мақсадимға етгум.

Деди: бу ишқда йўқ сендин йироқ қатл,  
Деди: бу сўзларингдин яхшироқ қатл.

Ҳайъат аъзолари уларни баҳолашда танланган саҳна кўринишининг foявий мазмунига, тарбиявий аҳамиятига, ижрочилик маҳоратига, либосларнинг танланиши ва саҳна безакларига кўпроқ эътибор берадилар.

#### **4. “Боболаримиз замондошлари хотирасида” мавзусида сұхбат.**

Бу сұхбатни адабиёт ўқитувчиси ўзи тайёрлайди ва олиб боради. У уч нафар ўқувчига “Навоий замондошлари хотирасида”, “Бобурнома” ва “Хумоюннома” – мемуар асар”, “Алишер Навоий ва Захириддин Муҳаммад Бобур ҳақидаги ҳалқ ривоятлари” мавзуларида маъруза тайёрлашни топширади. Уларга керакли адабиётларни тавсия этади, маслаҳатлар беради.

Куйидаги адабиётларни тавсия этиш мақсадга мувофиқдир:

1. Навоий замондошлари хотирасида. – Т.: Faфур Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1985. – 2246.

2. Хондамир. Макоримул ахлоқ. – Т.: Faфур Fулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1967.

3. Бобур, Захириддин Муҳаммад. Бобурнома. (В.Рахмонов, К.Муллахўжаева табдили). Ҳалқаро Бобур фонді. – Т.: Ўқитувчи, 2008.

4. Жалилов С. Бобур ҳақида ўйлар. – Т.: Шарқ, 2006.

5. Шамсутдинов Р. ва б. Буюк бобурийлар сулоласи. – Андижон, 1993.

6. Мирзаев И. Бобур маърифати. – Т. : Ўқитувчи, 1996.

7. Гулбаданбегим. Хумоюннома. – Т.: Ўзфанакаднашр, 1959. – 132 бет.

8. Муродов М. Бобур ҳақида афсоналар. – Меҳнат ва турмуш, 1976. – 2-сон. – Б.28-29.

Ҳар бир маъруза тугагач, ўқитувчи ундаги баъзи ўринларга шарҳ беради, тўлдиришлар киритади.

5. “Алишер Навоий ва Захириддин Муҳаммад Бобур образи адабиёт, санъатда” мавзусида адабий композиция.

Бу композицияни ўтказишда адабиёт, мусиқа, расм фани ўқитувчилари ҳамкорликда иш кўрадилар.

Адабиёт ўқитувчиси Алишер Навоий ва Захириддин Муҳаммад Бобур образи яратилган бадиий асарлар (“Навоий”, “Навоий ва рассом Абулхайр”, “Юлдузли тунлар”, “Авлодлар довони”,

“Бобурийнома” романлари, “Эл деса Навоийни” тўплами, “Алишер Навоий” балладаси, “Кун ва тун” шеърий қиссаси каби), уларда шоирлар сиймосининг гавдалантирилиши ҳақида қисқача маъруза қилади. Олдиндан тайёрланган ўқувчилар шу асарлардан олинган парчаларни ифодали ўқийдилар, шеърий асарлардан намуналарни ёдан айтадилар.

Алишер Навоий шахсидаги юксак инсоний фазилатларни ёритишида “Эл деса Навоийни” тўплами бой материаллар беради:

### Камтарлик

Султони Соҳибқирон салтанати тонгининг дастлабки ёриша бошлаган даврларида, шоҳ сифат амирга амирлик девонида муҳр босишни таклиф қилди. Ул ҳазрат, бу мансабга ўзининг майли йўклиги туфайли, подшога арз қилди:

— Ҳозирда мен навоб (саройга хос киши) ва ичкilarингиз жумласидан ҳисобланаман. Расм-русумга риоя қилиб турмай, ҳамма амирлардан юқорида ўтираман. Агар амирликни қабул қилсан, тўралиқ тарийқасига риоя қилиш йўли билан барлос катталари мендан юқори туришлари керак бўлади, бу ҳолда у мансаб менинг мартабамни пасайтирган бўлади; умид қиласманки, мени муҳр босишдан қутқарсалар, шу билан хизмат ва мулоzимат ишларини осоиишталик билан бажариб турсам.

Дўстпарвар Соҳибқирон жавоб бериб, деди:

— Қобилиятли қоматингизни амирлик сарпоси билан безамаслигим мумкин эмас. Сиз айтганча, бу мансабни қабул қилгандан кейин барлос амирлари мендан юқори ўтирадилар, деган гап ҳам нотўғридир. Чунки Султон Бадиuzzамондан бошқа умародан ҳеч ким сиздан юқори бўлмасин, деб ҳукм чиқараман. Лекин сиз билан дўстлик ва яқинлик даъвосида бўлган Амир Музаффар барлосга, агар хоҳласангиз, сиздан илгари муҳр босишга рухсат берсангиз, йўқ десангиз ҳам, ихтиёр ўзингизда.

Қисқаси, Олий ҳазрат подшоҳ илтимосини қабул қилгандан кейин ул ҳазрат билан Амир Сайд Ҳасан Ардашер бир кунда жубба ва кулохи наврўзий кийиб, муҳр босишлари муқаррар бўлди. Барчанинг хаёлида, подшо ҳукмига мувофиқ, тадбирли Амир ҳаммадан юқорига муҳр босади, деган фикр айланар эди. Бироқ ўша куни, одатга мувофиқ, ул ҳазратнинг олдига яхши кунда муҳр босиш учун нишон олиб келдилар. Ул ҳазрат нишонни Амир Сайд Ҳасанга

берилсин, аввал у киши муҳр боссин, дедилар. Амир Сайд Ҳасан эса, хурмат изхор этиб, нишонни яна Амирга қайтарди.

Ул ҳазрат қоғозни олиб, ўша камтарлик юзасидан шундай жойга муҳр босдики, ундан куйирокқа ҳеч ким муҳр босолмади. (153-бет)

### Дунёдаги энг яхши ҳидни келтириңг

Ҳирот султони Ҳусайн Бойқаро «Дунёдани энг яхши ҳидни келтириңг!» – деб қолибди бир куни. Сарой ахли чор атрофга югуришибди. Унга кучок-кучок гул келтиришса ҳам, қалампир-мунчок рўпара қилишса ҳам, ер юзидағи жамики хушбўй ҳидли нарсаларни муҳайё этишса-да султон

– Мен истаган нарса бу эмас! – деб туриб олибди.

Кейин: – Уч кун мухлат бераман. Шу мухлатда топсаларинг, топтиларинг, бўлмаса ҳаммангни жазога тортираман! – дебди.

Вазирлар нима қилишини билолмай, ўйлайвериб, тоза бошлари қотибди. Ҳусайн Бойқаро истаган ҳидни топиша олмай, охири Алишер Навоийнинг олдига боришибди. Бу кунлари шоир ижод билан банд бўлгани учун саройдаги ҳангомалардан бехабар экан. Вазирлару уламолар:

– Султонимиз айтган ҳидни топиб, бизни шу балодан ҳалос қилинг, – дейишибди.

Дўстининг кўнгли нимани истаб қолганини билолмай, Алишер Навоийнинг ҳам боши қотибди. У хаёл суриб, ариқ ёқалаб кетаётган экан, экин сугораётган дехқон бобога дуч келибди. Салом-алиқдан сўнг, «Энг яхши ҳид ниманинг ҳиди?» – деб сўраган экан, янги ёпилган нонни олиб боринглар-чи, отам раҳматли дунёдаги энг лаззатли ва ёқимли ҳид – қайроқи бугдой унidan ёпилган нон ҳиди, ҳеч қайси ҳид унга етолмайди, дегувчи эдилар, деб маслаҳат берибди дехқон бобо.

Алишер Наврий хурсанд бўлиб дехқон бобо айтганидай, бир сават нон ёптирибди-да, саройга этиб борибди. Бир зумда саройга ажаб бир ёқимли ҳид таралиб барчанинг дилини яшнатиб юборибди.

– Раҳмат, дўстим, – дебди Ҳусайн Бойқаро қувониб, – кўнглим янги ёпилган нон исини истаётган экан, топиб келибсиз. Дунёда янги ёпилган нон исидан кўра азизроқ, ёқимлироқ ҳид йўқ экан.

– Султоним, раҳматни менга эмас, дехқон бобога айтинг. Кўнглингиз хоҳишини шу киши топди, – деб жавоб берибди Алишер Навоий. Дўстининг камтарлигига, донолигига яна бир таҳсин ўқиган

Хусайн Бойқаро дөхқон бобога бошдан оёқ сарпо беришни буюрибди.  
(27-бет)

“Мир Алишер” шеъри улуг бобокалонимиз шахсини эъзозловчи,  
ардокловчи муносиб манбадир:

**Тирикликнинг бонги Навоий  
Буюкликнинг ранги Навоий**

Бир ёришди зим-зиёл олам  
Туркийларнинг тонги Навоий

Бир уммонким, ибтидоси йўқ  
Йўқдир унинг сўнги – Навоий

Ўтган сайин янги Навоий  
Борган сайин янги – Навоий

Ватан каби поёни йўқдир  
Ватан каби мангуба Навоий...

*Сироэсиддин Сайид*

Эстетика фани ўқитувчиси икки аллома образининг тасвирий  
санъат, кино ва театрда гавдалантирилиши мавзусида маъруза  
қиласди. Расмлар муаллифлари ҳақида маълумотлар беради.

Композиция сўнгига Алишер Навоий ва Захириддин Муҳаммад  
Бобур ғазаллари билан айтиладиган ашулалар мусиқа тўгараги  
аъзолари ижросида тингланади.

## **6. Якунловчи кун.**

Шу куни бир ҳафта давом этган турли фан ўқитувчилари билан  
ҳамкорликда ўтказилган ҳафталикка якун ясалади. II-III босқич  
ўқувчилари томонидан тайёрланган деворий газеталар, альбомлар,  
расм-слайдлар, жадваллар, хариталар, кашталар, шоирлар асарлари  
намойиш қилинади. Ҳафталикда фаол иштирок этган ўқувчилар  
лицей раҳбарияти томонидан тақдирланади.

## ХУЛОСА

1. Умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар мактаблари адабиёт дарсларида Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини ўргатишда фанлараро интеграцияни йўлга кўйиш воситаси сифатида Ўзбекистон тарихи материаллари, тарихий, бадиий, тасвирий санъат ва мусиқа асарлари, ахборот коммуникацион технологиялари фани материалларидан фойдаланишда янги дарс шаклларини кўллаш:

- ўкувчиларнинг билимини бойитади, изчиллаштиради, умумлаштиради;

- уларнинг тафаккурини, тасаввурини, дунёқарашини кенгайтиради;

- мустақил-ижодий ишлашга ўргатади;

- илмий дунёқараши шакллантирувчи ёрқин, жонли тарихий воқеалар, тарихий шахслар, адабиётдаги бадиий образлар ва санъатнинг бошка турларидаги образлар, эстетик ҳамда ахлоқий тушунчаларнинг кўлланиши эса, ўкувчиларнинг маънавий дунёсини бойитади.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, юқори синфларда ёзувчи таржимаи ҳолини ўргатиш жараённида дарслик ва шу асосдаги савол-топшириклар билан чекланиш кифоя қилмас экан. Уларга қўшимча: илмий, тарихий, бадиий адабиётлар, тасвирий санъат, мусиқа асарлари ҳамда бошка фан материалларидан фойдаланиб мустақил-ижодий ишлашни талаб этувчи топширикларни тавсия этиш эса, яхши натижалар бериши аниқланди.

2. Алишер Навоий ғазалларини чукур идрок қилишнинг муҳим воситаси сифатида мусиқа ва тасвирий санъат асарларидан фойдаланиш:

- дарснинг қизиқарли ва самарали бўлишини таъминлади;

- аруз вазнида ёзилган шеърларни ифодали ўқиш кўнимкамларини мустаҳкамлайди;

- ғазалларнинг маъносини тўла тушунишга ёрдам беради;

- мусиқанинг, айниқса, мумтоз куйларнинг кишилар руҳиятига таъсирини, ғазалларнинг мазмунини очишдаги ролини ҳис қилишга кўмаклашади;

- мумтоз куйларимизга қизиқиш ва хурматни оширади;

- эстетик жиҳатдан тарбиялади;

- ўкувчиларнинг дунёқарашини кенгайтиради, санъат ҳақидаги тушунчаларини чукурлаштиради;

- адабиёт, мусиқа ва тасвирий санъатнинг ўзига хос хусусиятларини тўлароқ тушунишга ёрдам беради.

3. Матн устида ишлаш машғулотларида ўкувчиларни фанлараро интеграция (она тили, тасвирий санъат, ахборот коммуникацион

технологиялари)га асосланган тадқиқотчилик (“Жажжи тадқиқотлар”) фаолиятига йўналтириш ва лугат билан ишлаш малакаларини ривожлантириш усусларини жорий этиш:

– ўқувчиларнинг илмий ва бадиий адабиётлар билан ишлаш малакаларини ҳосил қиласди;

– маърузалар, рефератлар, илмий ва публицистик мақолалар ёзиш кўнигмаларини шакллантиради;

– оғзаки ва ёзма нутқини ўстиради;

– тадқиқотчилик фаолиятига йўналтиради;

– замонавий ахборот коммуникацион технологиялари билан ишлаш фаолиятларини ривожлантиради;

– бадиий ва эстетик дидларининг ўсишига ёрдам беради;

– адабиёт ва санъатга қизиқишларини оширади.

4. Синфдан ташқари ишлар жараёнида Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини фанлараро интеграция асосида ўргатиша турли фан (Ўзбекистон тарихи, география, биология, мусика, тасвирий санъат, меҳнат таълими, жисмоний тарбия, психология) материалларидан уйғун ҳолда фойдаланишнинг шакллари (турли фан ўқитувчилари ҳамкорлигида ўтказиладиган адабиёт тўгараги, адабий кеча, адабиёт ҳафталиги, китобхонлар конференцияси, адабий учрашув, адабий саёҳат каби) ни кўллаш кутилган натижаларни беради.

Турли фан ўқитувчилари ҳамкорлигида ўтказиладиган синфдан ташқари тадбирлар фақатгина ўқувчилар, мактаб жамоаси ўртасида эмас, балки ота-оналар ва кенг жамоатчилик вакилларининг ўртасида ҳам ёзувчи ва шоирлар ҳаёти, ижодини оммалаштириш, улар шахсига қизиқиши ошириш имконини беради. Бундан ташқари, мактаб ижтимоий ҳаётини жонлаштириш, ота-оналар билан ўқитувчилар жамоасининг алоқасини мустаҳкамлаш, ўқувчиларни ижодкорликка, ташаббускорликка (саҳна безаклари, либослар, декорациялар, кўргазмалар ижодкор ўқувчилар томонидан тайёрланади) ундаш, уларни миллий анъаналарга садокат руҳида тарбиялаш ишида катта аҳамиятга эга эканлиги ўз исботини топди.

Турли фан ўқитувчилари билан ҳамкорликда ўтказиладиган адабиёт ҳафталиги жараёнида Алишер Навоий асарларини ўргатиш давомида ўтказиладиган байтбарак – шеър айтиш баҳси ўқувчилар билимини мустаҳкамлайди, газалларни ифодали ўқиши малакасини ривожлантиради, тафаккурини кенгайтиради, Алишер Навоий лирикасининг тематик ранг-баранглигини йиғилганларга намойиш этади.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

### **Ижтимоий-сиёсий адабиётлар**

1. Электрон манбаа: [www.lex.uz\(doks\)](http://www.lex.uz(doks)) Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли фармони. – Т.: 2017 йил 7 феврал .

2. Мирзиёев Ш.М. Ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2019 йил 19 мартағи видеоселектор йигилишида сўзлаган нутқи. “Халқ сўзи” газетаси, 2019 йил 20 март.

3. Электрон манбаа: [www.pv./oz/\\_news/](http://www.pv./oz/_news/) Мирзиёев Ш.М. Мактаб таълимини ривожлантириш умумхалқ ҳаракатига айланиши зарур. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2019 йил 23 август куни ўтказилган таълим масалаларига багишланган видеоселекторда сўзлаган нутқи. – Т.: 2019 йил 24 август.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 октябрдаги “Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги Қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 240-сон қарори. “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлигининг фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”. Тошкент ш., 2020 йил 18 апрель.

6. Каримов И. Адабиётга эътибор-маънавиятга, келажакка эътибор. – Т.: “Ўзбекистон”, 2009 - 40 б.

7. Каримов И. Ватан ва халқ мангуболади. – Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2010.

### **Диссертация ва авторефератлар**

1. Абдуллаев К. Ўзбек классик адабиётини ўрганиш жараёнида предметлараро алоқалан фойдаланиш методикаси: Педагогика фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент, 1992. – 218б.

2. Абдуллаев К. Ўзбек классик адабиётини ўрганиш жараёнида предметлараро алоқалан фойдаланиш методикаси: Педагогика фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Тошкент, 1992. – 216.

3. Раҳимова Г. Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодини саккиз ийллик ўзбек мактабларида ўрганиш. Педагогика фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т., 1966. – 243 б.

4. Ревес И.Г. Взаимосвязь музыки и литературы в формировании эстетического идеала подростков: Автореферат дис.. канд.пед. наук. – Т., 1990. – 17 с.

5. Сайдова Р. Комментирование как эффективный прием анализа художественного произведения в 8- и 10-классах школ с узбекским языком обучения /На материале произведений Алишера Навои и Захиреддина Бабура/: Автореферат дис.. канд.пед. наук. – Т., 1990. – 24 с.

6. Суюнов М. Использование памятников архитектуры и изобразительного искусства при обучении узбекской литературе в старших классах: Автореферат дис.. канд.пед. наук. – Т., 1990. – 24 с.

### Илмий адабиётлар

1. Абдулхайр, Манзар. Алишер Навоий асарларининг изоҳли лугати / М.Абдулхайр. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2018. – 560б.

2. Алимов П. Тарих, шахс, бадиа. – Т.: Ўзбекистон, 1991.

3. Алишер Навоийнинг табаррук дастхати. – Буклет. – Т.: Фафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991.

4. Алишер Навоийнинг адабий маҳорати масалалари. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг “Фан” нашриёти, 1993.,

5. Аъзамов А. Шеърият даҳоси – Оллоҳ инъоми. – “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 2001, 2 февраль.

6. Аъзам, Абдулла. Аруз: Алишер Навоий ва Захирiddин Мухаммад Бобур сабоқлари / Абдулла Аъзам. – Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2006. – 224б.

7. Бобоев Тўхта. Адабиётшунослик асослари. Олий ўқув юртларининг филология (ўзбек тили ва адабиёти) факультетлари талабалари (бакалаврият босқичи) учун дарслер. Масъул мухаррир: С.Мамажонов. 2-нашр, қайта ишланган ва тўлдирилган. – Т.: Ўзбекистон, 2001. – 560б.

8. Бобоев Т. Шеър илми таълими. – Т.: Ўқитувчи, 1996. – 344б.

9. Буюк юрт алломалари [Матн] / Тузувчи ва нашрга тайёрловчи У.Уватов; Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Ўзбекистон

мусулмонлар идораси, Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази. Учинчи нашр. – Т.: O`zbekiston, НМИУ, 2020.

10. Воҳидов Э. Сўз латофати. – Т.: O`zbekiston, 2014.

11. Жўраев Н., Замонов А. Ўзбекистон тарихи (Мустақиллик даври). Ўрта таълим мактабларининг 11-синф ўқувчилари ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасалари учун дарслик. 1-нашри. – Faafur Fulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodi uyi, Тошкент, 2018. – Б.95.

12. Захириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси / Тахрир ҳайъати А.Қаюмов ва бошқ. Бош муҳаррир: А.Аъзамов. – Т.: Шарқ, 2014. – 7446.

13. Исоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Т.: O`zbekiston, 2014.

14. Каримов Н. Ҳамид Олимжоннинг поэтик маҳорати. Т., “Фан”, 1964. – Б.52.

15. Максуд Шайхзода замондошлари хотирасида. // Тўпловчилар: Зокирова М. ва Отаёр. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983. – Б.18.

16. Мирвалиев С. Ўзбек адиллари (XX аср Ўзбек адабиёти). – Т.: Ёзувчи, 2000. – 2806.

17. Норматов Н. Камалак яшайдиган уй: Хужжатли қисса: Кичик ва ўрта мактаб ёшидаги болалар учун. – Т.: Юлдузча, 1989. – Б.77.

18. Султон, Иззат. Навоийнинг қалб дафтари: Буюк шоирнинг ҳаёти билан ижоди ўзининг ва замондошларининг тасвирида // Масъул муҳаррир Наим Каримов. – 3-тўлдирилган ва тузатилган нашри. – Тошкент: Faafur Fulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2010. – 376 б.

19. Sirojiddinov Sh., Yusupova D., Davlatov O. Navoiyshunoslik [Матн] Q. 1.: Darslik / Sirojiddinov Sh. [va boshq.]. – Тошкент: TAMADDUN, 2018.

20. Хондамир. Макоримул ахлоқ. – Т.: Faafur Fulom nomidagi badний адабиёт нашриёти, 1967.

21. Ўзбекистон тарихи (1917-1991) [Матн] К.2. Ўзбекистон 1939-1991 йилларда / масъул муҳаррирлар: Р.Абдуллаев, М.Рахимов, Қ.Ражабов; Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти, Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи – методик марказ. – Тошкент: “O`zbekiston” НМИУ, 2019. – 576.

22. Ўролов А., Сувонқулов И. Алломалар олами. – Т.: Ўзбекистон, 1991.

23. Юнусов М., Саидов М. Ўзбекистон меъморий ёдгор-ликлари.  
– Т.: Наврӯз, 2018.,
24. Ҳожиаҳмедов А. Мумтоз бадиият малоҳати. – Т.: Шарқ, 1998.  
– 240 б.
25. Ҳожиаҳмедов А. Ўзбек арузи лугати. – Т.: Шарқ, 1998. – 224 б.
26. Ҳожиаҳмедов А. Навоий арузи нафосати. – : Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг “Фан” нашриёти, 2006.
27. Ҳомидов Ҳ. Олис-яқин юлдузлар. Илмий-бадиий лавҳалар: Кичик ёшдаги мактаб болалари учун. – Т.: Чўлпон, 1990. – 144 б.

### **Методик адабиётлар**

1. Абдуллаев К. Адабиётдан синфдан ташқари ишлар жараённида фанлараро алоқа. Услубий қўлланма. – Тошкент: Наврӯз, 2019. – 80 б.
2. Abdullayev K. Using technologies of subjects' integration in teaching uzbek classic literature // International Scintifikk journal Tneoretikal & Applied Science - Pniladelphiya (USA), 2019. - № 12 (80). - p. 278-280 (DOL: 10.15863). Clarivate Analytics doi Cross ref. impact factor ICV = 6.630.
3. Абдуллаев К. Алишер Навоий шахсини ўрганишда тарихий, илмий, бадиий асарлардан фойдаланиш // Наманган давлат университети илмий ахборотномаси. – Наманган, 2020. – № 6. – Б.210-215. (13.00.00. , № 30).
4. Абдуллаев К. Адабиёт тўгараги машғулотларида фанлар интеграцияси технологияларидан фойдаланиш // Педагогик маҳорат. - Бухоро, 2020. – № 5. – Б.147-151. (13.00.00., №23).
5. Adabiyot o'qitish metodikasi [Matn] / o'quv qo'llanma: Q.Husanboyeva, R.Niyozmetova: Barkamol fayz media, 2018. – 352 b.
6. Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди /Тузувчилар: Б.Тўхлиев, Г.Ашуррова, Д.Тўхлиева; масъул муҳаррир Ё.Исҳоқов; ЎзР. Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги Низомий номидаги Тош. дав. пед. унти. – Т.: 2010. – 64 б.
7. Бадриев Ф. Юқори синфларда адабиётдан синфдан ташқари ишлар: Ўқитувчилар учун методик қўлланма. – Т.: Ўқитувчи, 1969. – 116 б.
8. Беленъкий Г.И. О сущности и видах межпредметных связей. – В кн.: Некоторые теоретические и практические аспекты межпредметных связей. – М., 1982. – С.3-22.
9. Зверев И.Д., Максимова В.Н. Межпредметные связи в современной школе. – М.: Педагогика, 1981. – 160 с.

10. Зуннунов А. ва бошқалар. Адабиёт ўқитиши методикаси: Ўқув қўлланма. – Т.: Ўқитувчи, 1992. – 329 б.
11. Зуннунов А., Алиев А. Адабиётни бошқа гуманитар фанларга боғлаб ўрганиш. – Т.: Ўқитувчи, 1982. – 72 б.
12. Йўлдошев К., Йўлдошева М. Бадий таҳлил асослари. – Тошкент: Камалак, 2016. – 462 б.
13. Максимова В.Н. Межпредметные связи в процессе обучения. – М.: Просвещения, 1988. – 192 с.
14. Межпредметные связи при изучении литературы в школе. /Е.Н. Колоколцев, А.В. Дановский, М.А. Дмитрева и др.; Под ред. Е.Д. Колоклоцева/. – М.: Просвещение, 1990. – 223 с.
15. Мусурмонова О. Адабиёт ва ахлоқий тарбия. Ўқитувчилар учун методик қўлланма. – Т.: Ўқитувчи, 1988. – 96 б.
16. “Тест синовларига тайёргарлик қандай?” 1-мақола. 2020 йил 27 апрел.: Давлат тест маркази матбуот хизмати.
17. Тўхлиев Б. Адабиёт ўқитиши методикаси: Ўқув қўлланма. – Т.: Баёз, 2010. – 167 б.
18. “Тил ва адабиёт” журнали ва “Маърифат” газетаси тахламлари (2010-2021).
19. Ҳасанова А., Зуннунов А. Мактабда Алишер Навоийнинг хаёти ва ижодини ўрганиш: Ўқитувчилар учун методик қўлланма. – Т.: Ўқитувчи, 1983.
20. Ҳусанбоева К. Адабиёт – маънавият, мустақил фикр шакллантириш омили. – Т.: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2009. – 368 б.

### **Адабиёт дарслклари**

1. Умарова М. Ўқиш китоби [Матн]: 3-синф учун дарслик // М.Умарова, Х.Ҳамроқулова, Р.Тожибоева; – Тошкент, “Ўқитувчи” НМУ, 2012.
2. Матчонов С., Шожалилов А., Ғуломова Ҳ., Сарiev Ш., Долимов З. Ўқиш китоби: умумий ўрта таълим мактабларининг 4 - синфи учун дарслик. – Тошкент, “Янгийўл полиграф сервис”, 2007.
3. Адабиёт: Умумий ўрта таълим мактабларининг 5-синфи учун дарслик. 1-, 2-қисм / С.Аҳмедов, Б.Қосимов, Р.Қўчқоров, Ш.Ризаев. – Т.: Шарқ, 2015. – 176 б.
4. Аҳмедов, Суннат. Адабиёт [Матн] К.1,2. Умумий ўрта таълим мактабларининг 6-синфи учун дарслик. / С.Аҳмедов, Р.Қўчқоров, Ш.Ризаев. – Т.: Маънавият, 2017. – 160 б.

5. Адабиёт: Умумий ўрта таълим мактабларининг 7-синфи учун дарслик-мажмуа. / Қ.Йўлдошев, Б.Қосимов, В.Қодиров, Ж.Йўлдошбеков. – Т.: Шарқ, 2017. – 368б.

6. Султонмурод Олим, Суннат Аҳмедов, Раҳмон Кўчқоров. Адабиёт. 1-,2-қисм. Умумий ўрта таълим мактабларининг 8-синфи учун дарслик-мажмуа / Faфур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. – Т.: 2014. – 190 б.

7. Йўлдошев Қ. Адабиёт: Умумий ўрта таълим мактабларининг 9-синфи учун дарслик / Қ.Йўлдошев, В.Қодиров, Ж.Йўлдошбеков. [Масъул муҳаррир: В.Раҳмонов]. Қайта ишланган 4-нашири. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2019. – 368 б.

8. Адабиёт [Матн]: дарслик-мажмуа (10-синф). 1-, 2-қисм / Б.Тўхлиев [ва бошк.], – Тошкент: “Ўзбекистон миллый энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2017. – 184 б.

9. Тўхлиев Б. Адабиёт [Матн]. 11-синф: дарслик-мажмуа. 1-, 2-қисм. /Б.Тўхлиев [ва бошк.], – Тошкент: “Ўзбекистон миллый энциклопедияси” Давлат нашриёти, 2018. – 200 б.

10. Адабиёт (Мажмуа): Академик лицейларнинг 1-босқич ўкувчилари учун / Тузувчилар Б.Тўхлиев, Б.Абдураҳмонова. – Т.: Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2007. – 216 б.

11. Адабиёт (Мажмуа): Академик лицейларнинг 2-босқич ўкувчилари учун / Тузувчилар Б.Тўхлиев, Р.Мирсамиқова, О.Аметова. – Т.: Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2007. – 432 б.

12. Адабиёт (Мажмуа): Академик лицейларнинг 3-босқич ўкувчилари учун / Тузувчилар Б.Тўхлиев, Т.Шермуродов, Ш.Исаева. – Т.: Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2010. – 686 б.

### **Бадиий адабиётлар**

1. Алишер Навоий. Муножот – Т.: Faфур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991.

2. Алишер Навоий. Ғазаллар, шарҳлар. – Тошкент.: Камалак, 1991.

3. Бобур, Захириддин Муҳаммад. Бобурнома. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “Фан” нашриёти, 2018. – 448 б.

4. Ибратли ҳикоятлар ва хислатли ҳикматлар. Нашрга тайёрловчилар А.Тилавов, И.Сайдуллаев. – Т.: “Sano – standart” нашриёти, 2016. – 520 б.

5. Л.Бать. Ҳаёт бўстони. Алишер Навоий ҳақидаги повесть. – Тошкент: Ёш гвардия, 1968.
6. Миркарим Осим. Зулмат ичра нур. Ҳикоялар. – Тошкент: Ёш гвардия, 1968.
7. Мақсуд Шайхзода. “Алишер Навоий” балладаси. Асарлар. 6 томлик. 4-том. – Т., 1972.
8. Мухтор, Омон. Навоий ва рассом Абулхайр: Романлар. – Т.: Шарқ, 2006. – 244 б.
9. Навоий дастхати (Наводир ун-ниҳоя). Нашрга тайёрловчи, сўзбоши муаллифи Суйима Фаниева. – Тошкент.: Фан, 1991.
10. Навоий, Алишер. Тўла асарлар тўплами: 10 жилдлик / А.Навоий; ЎзР ФА, А.Навоий номидаги тил ва адабиёт ин-ти. – Т.:Faafur Fулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. – Т.1-10. 2011.
11. Навоий, Алишер. Фарҳод ва Ширин: (Насрий баённи билан) / [Тахрир ҳайъати А.Қаюмов ва бошқ.; Тузувчи А.Эркинов; Масъул муҳаррир: В.Раҳмонов] . – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. – 592 б.
12. Навоий, Алишер. Лайли ва Мажнун: (Насрий баённи тузувчилар А.Умарий ва Ҳусайнзода. Тузатиш ва тўлдиришлар билан нашрга тайёрловчилар В.Раҳмонов ва Н.Норқулов). – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1976. – 112 б.
13. Навоий, Алишер. Сабъаи сайёр: (Насрий баёни билан) // Тахрир ҳайъати: А.Қаюмов ва бошқ.: Масъул муҳаррир Б.Ҳасанов/. – Т.: Нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991. – Б.525.
14. Эл деса Навоийни ... (Ҳазрат Мир Алишер Навоий ҳақида ривоятлар). – Т.: Чўлпон, 1991. – 160 б.
15. Ойбек. Навоий: Роман. – Т.: Ўқитувчи, 1985. – 440 б.
16. Уйғун. Иззат Султон. “Алишер Навоий” пьесаси.
17. Қаюмов Азиз. Алишер Навоий. (Шоир ҳаёти ва ижоди ҳақида лавҳалар). – Тошкент, 1976. – 160б.
18. Fулом Faafur. Муқаммал асарлар тўплами. 12 томлик [Масъул муҳаррир С.Эркинов]. 3 - том. – Т.: Фан, 1984. – 528 б.
19. <https://kh-davron.uz/hazrat... Hazrat Mir Alisher Navoiybag'ishlov. Mushoira / Xurshid...>
20. <https://kh-davron.uz/abdulla... Abdulla Sher. Navoiy sog'inchi / Xurshid Davron kutubxonasi.>

## МУНДАРИЖА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 оқтабрдаги ”Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги Қарори.....	3
КИРИШ.....	9
БИРИНЧИ БОБ. Адабий таълим жараёнида фанлараро интеграцияни йўлга қўйишнинг назарий асослари.....	19
1.1. Фанлараро интеграцияни йўлга қўйишнинг педагогик-психологик асослари.....	19
1.2. Адабиётнинг бошқа фан(тарих, тасвирий санъат, мусиқа)лар билан алоқаси.....	29
ИККИНЧИ БОБ. Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини ўргатиш жараёнида фанлараро интеграциядан фойдаланиш.....	38
2.1. Алишер Навоий таржима ҳолини ўргатишда Ўзбекистон тарихи материаллари, тарихий, бадиий, тасвирий санъат ва мусиқа асарларидан фойдаланишнинг ўрни.....	38
2.2. Алишер Навоий ғазалларини ўргатишда мусиқа асарларидан фойдаланиш.....	71
УЧИНЧИ БОБ. Синфдан ташқари ишлар жараёнида Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини фанлараро интеграция асосида ўргатиш усуслари.....	81
3.1. Адабиёт тўгараги машғулотида “Сабъаи сайёр” достонини фанлараро интеграция асосида ўргатиш усуслари.....	84
3.2. Турли фан ўқитувчилари билан ҳамкорликда ўтказиладиган адабиёт ҳафталиги жараёнида Алишер Навоий асарларини ўргатиш шакллари.....	90
Хуносা.....	101
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	103

**КОМИЛЖОН АБДУЛЛАЕВ**

**АЛИШЕР НАВОЙ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИНИ  
ЎРГАТИШ ЖАРАЁНИДА ФАНЛАРАРО  
ИНТЕГРАЦИЯДАН ФОЙДАЛАНИШ**

**МОНОГРАФИЯ**

*Муҳаррир:* Зоҳиджон Содиков

*Мусаҳҳих:* Дилшоджон Тўланов

*Техник муҳаррир:* Рустамжон Абдуллаев

“Nodirabegim” нашриёти

Нашриёт лицензияси AI № 313. 24.11.2017 й.

Босишига рухсат этилди: 21.10.2021.

“Times New Roman” гарнитураси. Қоғоз бичими: 60x84 1/16

Нашриёт босма табоги 6,9. Адади 300 нусха.

100129, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани,

Навоий кӯчаси, 30-уй.

ООО “AKTIV PRINT” босмахонасида чоп этилди.

Тошкент, Чилонзор 25, Лутфий 1А.

ISBN 978-9943-7317-4-5



9 789943 731745